

БАБАЖАНОВ А.Р. ИСЛОМОВ Ў.П.

*Факультет ташкил этилганлигининг
75 йиллигига багишланади*

**ЕР РЕСУРСЛАРИНИ
БОШҚАРИШ**

(Факультет тарихи, ва тарақийёт йўли истиқболлари)



Тошкент - 2020

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти**

Бабажанов А.Р., Исломов Ў.П

*Факультет ташкил этилганлигининг
75 йиллигига бағишиланади*

ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ

(Факультет тарихи, ва тарақийёт йўли истиқболлари)



Тошкент - 2020

Бабажанов А.Р., Исломов Ў.П., Ер ресурсларини бошқариш. Тошкент, ТИҚХММИ, 206 бет.

Институт илмий-услубий Кенгашининг қарори билан чоп этишга тавсия қилинган (2020 йил - январь, -сонли баённома).

Ушбу рисола “Ер ресурсларини бошқариш” факультети, унинг кафедралари ҳамда у билан чамбарчас боғлик бўлган Республика ер тузиш, кадастр, геодезия ва картография идоралари ҳамда ташкилотларининг тарихи, бугунги куни ва тараққиёти тўғрисида маълумотлар беради. Шунингдек, китобда факультетни ўз вақтида тутатиб бугунги кунда мамлакат иқтисодиётининг турли жабҳаларида фаолият юритаётган собиқ талабаларнинг хотиралари келтирилган.

Китоб факультетда таълим олаётган иккинчи курс талабаларини “Мутахассисликка кириш” фанини ўрганишларида қўлланма сифатида, шунингдек кенг китобхонлар оммасига тавсия қилинади.

Тақризчилар:

Р.А. Тўраев – “Ўздаверлойиҳа” республика илмий лойиҳалаш институти бош директори, к/х. ф.н.

И.М.Мусаев – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти “Геодезия ва геоинформатика” кафедраси доценти, т.ф.н.

© Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, 2020 й.

“Биз аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз. Букилмас ирода, фидойилик ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топишига бағишлаган устоз ва мураббийларимиз, замон- дошларимиз билан биз чексиз фахрланам”
(Шавкат Мирзиёев)

КИРИШ

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши кун сайин ортиб бормоқда. Бу – табиий хол, албатта. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, қолаверса ўзи билим олиб кетган илм даргохининг тарихини билишни истайди. Шуларни дилдан чукур ҳис қилган ҳолда республикамизда мавжуд бўлган етук олий ўкув юртлари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг етакчи факультетлари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини топган “Ер ресурсларини бошқариш”(собиқ “Ер тузиш” факультети) факультети тарихини қисман бўлсада ўрганиш ва ёритишга харакат қилинди. Негаки, ўтган 75 йил давомида босиб ўтилган йўлга бир карра назар ташлаб эришилган ютуқларга ҳар томонлама тўғри баҳо бериш ҳамда келгусида бажарилиши зарур бўлган вазифаларни аниқ белгилаб олиш тарихий ривожланиш учун катта аҳамиятга эгадир.

Мана, “Ер ресурсларини бошқариш” факультетининг ташкил этилганига 75 йил тўлди. Ушбу давр ичida факультетни тугатган минглаб инженерлар, мутахассис олимлар, бакалаврлар ва магистрлар халқимиз, юртимиз баҳт-саодати йўлида ҳормай – толмай меҳнат қилиб келмоқдалар. Шу йиллар мобайнида Марказий Осиё, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларидан билим олиш учун факультетга келган юзлаб ёшлар уни муваффақиятли тамомлаб малакали мутахассис бўлиб етишдилар. Улар орасида билимдон, иқтидорли мутахассислар илмий тадқиқот ишларини олиб бориб забардаст олим, давлат раҳбарлари даражасини олдилар. Олган билим

ва тажрибаларини ўтган вақт ичида ўзлари яшаб турган жойларда қўллаб, мамлакатининг гуллаб-яшнаши, равнақ топиши йўлида фидойилик қилдилар ва қилмоқдалар.

Республикамиз учун ҳар томонлама баркамол, маънавий етук ер тузиш, кадастр, геодезия соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлашда факультет кафедралари, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастрлари давлат қўмитаси (“Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси), унинг тасарруфидаги қатор илмий лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан “Ўздаверлойиҳа” илмий-loyiҳalaш институти, “Геодезия ва картография” Миллий маркази, Марказий аэрогеодезия корхонаси, “Геоинформкадастр” давлат корхонаси, “Картография” ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқа ташкилотлар ўзларида бор бўлган билим ва малакаларни аямаяптилар. Халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, иқтисодий ислоҳотлар кўламини янада ошириш, агарар ислоҳотларни муваффақиятли ниҳоясига етказиш учун зарур бўлган мутахассислар етказиб бериш, республика раҳбариятини миллий бойлигимиз бўлган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватлаш бундан буён ҳам факультет жамоасининг асосий иш дастури бўлиб қолаверади.

Факультет, унинг кафедралари, қолаверса республика ер майдонларидан фойдаланишни оқилона ташкил этиш ҳамда ерлардан фойдаланишда давлат назоратини амалга оширишга йўналтирилган ер тузиш хизматининг тарихига қисқача тўхталар эканмиз, буни сўзсиз давлатимиз, халқимиз тарихининг ажралмас бўлаги сифатида биламиз ва ишонамизки, мустақил республикамизнинг келгуси равнақи учун зарур бўладиган ҳар томонлама баркамол, етук мутахассислар тайёрлашда босиб ўтилган тарихий йўлга ҳам бир назар ташлаш фойдадан ҳоли бўлмайди, илло биринчи юртбошимиз И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”,- деб бежиз айтмаган.

Ушбу оммабоп рисола факультет, ундаги кафедралар, ишлаб чиқариш ва илмий лойиҳалаш корхоналари архивида сақланган ҳужжатлар, ер тузиш идоралари, уларнинг вилоятлардаги бошқарма ва бўлинмаларидан тўпланган маълумотлар, шу билан бирга, узоқ йиллардан бери факультетда меҳнат қилаётган профессор- ўқитувчилар, ўз касбини улуглаб соҳани ривожлантириш йўлида узоқ йиллардан бери амалиётда фаолият юритаётган мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига аосланган ҳолда ёзилди. Агарда биз ушбу китобча, ундаги маълумотлар, фикр-мулоҳазалар билан республика ер тузиш, ер кадастри, геодезия, картографияси тарихини бойитишга заррача бўлсада ҳисса қўшган бўлсак баҳтиёrmиз, илло келгуси авлодларимизда ҳам ушбу касбга меҳр уйғотишда бу маълум амалий аҳамият касб этади, албатта.

Китобни тайёрлашда техник жиҳатдан амалий ёрдам кўrsатганлиги, маълумотларни ўз вақтида қайта ишлаш ва тартибга солишдаги катта кўмаги учун магистрант З. Тожиевга муаллифлар ўзларининг чуқур миннатдорчилигини билдирадилар.

Рисола тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингизни бизга юборасиз деган умид билан муаллиф.

Манзил: 700000 Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39, ТИҚҲММИ, “Ердан фойдаланиш” кафедраси

1-БОБ. ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти (ТИҚҲММИ) 1934 йили собик Иттифок Дехкончилик халк Комиссариатининг буйругига асосанташкил этилган. Бугунги кунда у 85 ёшга тўлди ва наинки мустақил Ўзбекистонда, балки Шарқий Европа, МДХ ва Марказий Осиёдаги забардаст ўкув ва илмий марказга айланди.

Институтни бугунги гуллаб-яшнашида, хозирги замонавий ўкувлаборатория биноларига эга бўлишида ўз вактида бу даргоҳда фаолият юритган собиқ ректорлардан профессор С.П.Пўлатов, С.И.Искандаров, бугунги ректоримиз, профессор Ў.П.Умурзақовларнинг, шунингдек институтда узок йиллар турли раҳбарлик лавозимларида ситқидилдан меҳнат килган, бугунги кундаги муҳтарам юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг хизматлари бениҳоякаттадир.

Республикамиз олий таълими тизимида институтимизни янада ҳар томонлама ривожланиши ва камол топишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ва 2017 йил 24 майдаги ПҚ- 3003 сонли ”Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун мухандис техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари айниқса муҳим амалий аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, кейинги Қарордаинститутнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари қўйидагича белгиланди:

- аграр соҳасида замонавий қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаси, машина ва механизмлари, сув тежовчи технологияларни кенг қўллаш ва жорий этиш бўйича стратегик вазифаларни самарали ечишга қодир, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида юқорималакали, талаб юқори бўлган, рақобатбардош мухандис-техник кадрларни тайёрлаш;

- илгор халқаро тажрибани ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг стратегик вазифаларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасининг муҳандис-техник йўналишлари ва мутахассислари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, илмий-методик адабиётларини ишлаб чиқиш;
- ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид илмий-техник вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион илмий изланишлар ва ишланмаларни олиб бориш, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва битиравчиларни ишга жойлаштиришда тармоқ корхоналари билан ҳамкорлик қилиш;
- олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимни дастурларининг узлуксизлигини ва изчилигини таъминлаш, академик лицейларни, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун техник мутахассислар тайёрловчи касб-хунар коллежларини ўқув-методик материаллар билан таъминлаш, ўқитувчилар таркибини малакасини ошириш;
- ўзаро ҳамкорликдаги илмий ва таълим лойиҳаларини амалга ошириш, ўқув-илмий жараёнга хорижий давлатларнинг ўқитувчи ва мутахассисларини жалб этиш, илмий-педагог кадрларнинг хорижда малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш мақсадида соҳа бўйича етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий марказлари, шу жумладан А.Н.Костяков номидаги табиатни ривожлантириш институти, К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалиги академиясининг Россия давлат аграр университети қошидаги В.П.Горячкин номидаги Москва давлат агромуҳандислар университети, Москва давлат ер тузиш университети билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш;

-мунтазам асосда, ватанимиз ва ривожланган хорижий давлатларнинг таниқли олим ва мутахассисларини жалб этиб, ўқув жараёнига замонавий таълим технологияларини ва масофадан ўқитиш методларини жорий этган

ҳолда ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш. Демак, институтимизнинг олдига қўйилаётган вазифа – юқоридаги вазифаларни уddyалай оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлашдан иборатдир.

Умуман институт шу кунгача 65 мингдан зиёд юқори малакали қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассиси, иқтисодчи, электрик, механик, ер тузувчи ва фермерларни тайёрлади. Уларнинг кўплари бугунги кунда республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида фидокорона фаолият кўрсатмоқдалар.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган йиллар давомида 38 хорижий давлатдан 3100 нафар талаба институтимизни муваффақиятли тутатиб, ўзларининг ватанларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Шунингдек, юртбошимизнинг юқоридаги қарорларидан келиб чиқсан ҳолда, олиб борилаётган илмий изланишларнинг устувор йўналишлари этиб сув ресурслари сифатини яхшилаш, улардан фойдаланишининг меъёрларини ишлаб чиқиш, сугоришнинг илғор услубларини тадбик этиш, уларни самаралиларини танлаш, гидротехника иншоотларининг мустаҳкамлигини ва хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги учун самарали машина ва механизмларни яратиш ҳамда жорий этиш, муқобил энергия манбаларини қидириб топиш ва улардан қишлоқ хўжалигига фойдаланишни йўлга қўйиш, энергиятежамкор технологияларни кенг жорий этиш, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш каби долзарб масалалар белгиланган.

Бугунги кунда институтимизда 19 та бакалавр таълим йўналиши ва 26 магистратура мутахассисликларида жами 5000 нафардан ортиқ талабалар таълим олмоқда. Талабаларнинг ўқиш, билим олиш ва изланишлариучун институтимизда барча шароитлар яратилган.

Хукуматимиз раҳнамолигига 2010-2018 йилларда институтимизнинг моддий-техник базаси тубдан яхшиланди. Ўқув бинолари, лабораториялар, маъзуза

заллари замон талаби даражасида таъмирланди. Аудиториялар замонавий ўқув жихозлари ва ахборот технологиялари билан жихозланди. Талабаларнинг амалий қўнималарини оширишлари учун таълим ва ишлаб чиқаришнинг бугунги талаби даражасида замонавий ускуналар билан жихозланган маҳсус лабораториялар ташкил этилди. Талабаларнинг мустақил равишда билим олишлари учун барча шароитларга эга бўлган ахборот ресурс маркази (кутубхона) фаолият кўрсатиб турибди. Кутубхона янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминланган. Кутубхонанинг умумий фонди 825 минг нусхадан иборат бўлиб, уларнинг 258 минг нусхаси дарслик, ўқув қўлланмалар ва бошқа турдаги адабиётларни ташкил этади. 15000 дан зиёд электрон дарсликлар мавжуд бўлиб, шулардан 6500 таси институт профессор- ўқитувчилари томонидан яратилган адабиётлардир. Кутубхонада 313 ўринли талабалар қироатхонаси, шундан 53 ўрини замонавий компьютерлар билан жихозланган, локал тармоққа уланган электрон ахборот ресурслари мавжуддир. Ундан ташқари институтни локал ва интернет тармоғига уланган компьютер синфлари доимий равишда ишлаб турибди. Талабаларнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш учун институимизда барча шароитлари мавжуд бўлган спорт мажмуаси фаолият кўрсатиб турибди. Спорт мажмуасида футбол, волейбол, баскетбол, миллий кураш, стол тениси ва таэквондо спорт сексиялари мунтазам ишлаб турибди. Талабалар дарслардан бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари мумкин.

Талабаларда ватанпарварлик ва ўз халқига муҳаббат руҳини кўтариш, мустақил ватанимизнинг ички ва ташқи сиёсатини яхши тушуниб етадиган, комил инсонни тарбиялаш мақсадида маънавий- маърифий тадбирлар,турли танловлар, давра сухбатлари ва учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида Маданият саройи қошида рақс ва мусиқа тўгараклари ташкил этилган. Булардан ташқари талабалар ўзларининг кизикишларига караб мустакил равишда ўзлаштиришлари учун институтимз қошида “Инглиз тили”,

“Шахсий компьютерлардан фойдаланиш асослари”, “Инженерлик графикаси” “AutoCAD” “ArcGIS” компьютер курслари ҳам ташкил этилган. Бу имкониятлардан кенг фойдаланаётган иқтидорли ёшларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси, “Навоий”, “Беруний” номли давлат стипендияларига, давлат мукофотлари ва турли танловлар ғолибликларига сазовор бўлишмоқда.

Талабаларни яшаш жой билан таъминлаш мақсадида институт талаблар шахарчасида 3 та талабалар тураг жойи жойлашган бўлиб, улар 1210 ўринга мўлжадданган. Бу ерда талабалар учун барча шароитлар яратилган. Улар замонавий талаблар асосида жихозланган. Талабалар шахарчаси худудида ошхона, майший хизмат кўрсатиш шахобчалари, кутубхона ва тиббий бўлим ишлаб турибди.

Институтимиз худудида талабаларимиз овқатланишлари учун 460 ўринли ошхона фаолият кўрсатиб турибди. Ошхона замонавий жихозлар билан жихозланган, юқори сифатли хизматларга эга бўлиб, талабалар учун имтиёзлар мавжуд.

Сўнгги йилларда институтимиз билан хорижий давлатлар ўртасидаги алоқалар янада кенгайган. Хозирги кунда АҚШ, Голландия, Германия, Австрия, Венгрия, Швеция, Буюк Британия, Франция, Испания, Истроил, Жанубий Корея, Чехия, Россия, Хитой ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан меморандум ва шартномалар имзоланиб илмий ва амалий ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Институтимизда Erasmus- Mundus, TACIS, TEMPUS, SAMUZ, INDECA каби хорижий дастурлар ва лойиҳалар доирасида ҳамкорликлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда 8 та чет эл грантлари бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бажарилаётгашан халқаро грантлар асосида институт профессор- ўқитувчилари, талаба ва магистрантларнинг хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари, илмий марказларида малака оширишлари, ўқишлигини амалга ошириш йўлга қўйилган. Хозирги кунда институтимизнинг 12 нафар

магитрантлари ва 8 нафар бакалавриятура талабалари хорижий университетларда тахсил олишмоқда. 2004 йилдан бошлаб Голландиянинг Вагиненген университети билан магистратура мутаҳассисликлари бўйича икки томонлама диплом беришга асосланган кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилган.

2- БОБ.”ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШГ” ФАКУЛЬТЕТИ

2.1. Факультет тарихи

Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиё республикалари учун малакали ер тузувчи инженерлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида собиқ Иттифоқ Ҳалқ Комиссарлари Кенгашининг 1945 йил 14-июлдаги Қарорига биноан шу иили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти(ТИҚҲМИИ) таркибида “Ер тузиш” факультети ташкил этилган.

Факультет 1945 йил 1-сентябрдан ўз фаолиятини бошлаган. Ушбу пайтда факультет таркибида биттагина “Геодезия” кафедраси мавжуд бўлиб, уни факультетнинг биринчи декани, доцент Михаил Иванович Маслов бошқарган. 1947 йилдан бошлаб факультет таркибида бирин-кетин “Ер тузишни лойиҳалаш” (1947), “Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш ва ободонлаштириш” (1949) ва “Аэрофотогеодезия” кафедралари ташкил этилган. 50-йилларнинг бошларида факультет таркибига “Тупроқшунослик ва дехқончилик” ҳамда “Қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этиш ва иқтисоди” кафедралари қўшилган.

Факультетни илмий-педагогик ходимлар билан таъминлаш ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлашда республика Дехқончилик Ҳалқ Коммисариати қошидаги “Ер тузиш” бошқармаси томонидан катта амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатилган. Ушбу бошқармада муваффақиятли меҳнат қилаётган бир қатор малакали ер тузувчи инженерлар, жумладан И.К.Баранов, П.К.Татур, В.С.Артомонов, И.Н.Булкин, А.И.Шипилова, П.М.Куликовскийлар педагогик ишга, факультетга юборилган. Факультет ташкил этилган биринчи

йили иккинчи жаҳонурушидан қайтганлар хисобига 25 нафар талаба, кейинги йиллари 50 нафар талаба факультетга ўқишига қабул қилинган. 1950 йил биринчи марта республика ҳалқ хўжалигига 23 нафар факультетни битказган ер тузувчилар ишга юборилди. Узок йиллар шу факультетда ўзининг илмий-педагогик фаолиятини олиб борган, минглаган ер тузувчи мутахассисларни тайёрлашда фаол иштирок этган марҳум устозимиз, доцент Р.А.Сафагариев айнан факультетни биринчи қалдирғочи ҳисобланади. Лекин мамлакат ҳалқ хўжалигини ер тузувчи-инженерларга бўлган талабини инобатга олган ҳолда 50-йиллардан бошлаб қабул қилинадиган талabalар сони йил сайин ортиб борган ва ниҳоят 150 кишига етган. 50-йилларнинг ўрталаридан, аниқроғи 1956 йилдан бошлаб факультет ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда ҳам мутахассислар тайёрлай бошлади. 1975-1987йиллар даврида институтнинг Қарши филиалида ҳам ер тузувчи инженерлар тайёрланди, 1995 йилдан бошлаб бу ерда яна ер тузиш, ер кадастри мутахассисларини тайёрлаш қайта йўлга қўйилган.

Ўзининг ташкил этилганлигидан бўёнги фаолияти даврида факультет ҳалқ хўжалигига 4700нафарга яқин малакали ер тузувчи-инженерлар, 2400га яқин бакалаврлар, 120 га яқин магистрлар, жумладан кундузги бўлим бўйича 3500га яқин ва сиртқи бўлим бўйича 1200 олий маълумотли мутахассис тайёрлаб берди. Бундан ташқари факультетда узоқ чет мамлакатлар учун 16 магистр ва 3 нафар фан номзоди тайёрланган.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, факультетнинг биринчи раҳбари Михаил Иванович Маслов эди. Кейинги йилларда профессор П.К.Татур, доцентлар И.К.Баранов, В.С.Артомонов, А.Н.Назиров, А.Т.Абдуразоков, профессорлар О.Р.Рамозонов, С.А.Авезбаев, доцент Қ.Рахмоновлар факультетга одилона раҳбарлик қилдилар. Ер тузувчилар тайёрлаш масканини ҳозирги гуллаб-яшнашида, давр билан ҳамнафас ҳаёт кечиришда юқорида номлари тилга олинган устоз-раҳбарларнинг ўрни бенихоя каттадир.

Ўз фаолияти даврида факультет Марказий Осиёдаги йирик ўқув марказларидан бирига айланди. Бу ерда Қозоғистоннинг жанубий ўлкаси, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикалари учун ҳам кўп сонли мутахассислар тайёрланди. Уларнинг аксарият қўпчилиги ҳозирги кунда ўз мамлакатлари халқ хўжалигининг йирик раҳбарларига айланганлари ҳолда ўз ҳалқининг фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Шуни алоҳида фаҳр ва ифтихор билан қайд қилиш зарурки, мамлакат ягона ер фондидан фойдаланишни оқилона ташкил этиш ҳамда ундан фойдаланишнинг давлат назоратини олиб бориш, давлат қадастрлари ягона тизимини яратиш ва доимий юритиш, геодезия бўйича республикада мавжуд бўлган маҳсус хизматлар ва илмий лойиҳалаш-қидирув институтларида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг аксарият қисми ўз вақтида ТИҚҲММИнгбугунги “Ер ресурсларини бошқариш” факультетини тамомлаганлар.

Ўтган давр мобайнида факультетда жуда катта ҳажмларда ўқув, илмий, илмий-услубий ва тарбиявий-мафкуравий ишлар бажарилди. Талабаларга замонавий илм бериш, уларни ўз замонасининг илғор, маданиятли кишиси, юқори малакали мутахассиси қилиб етиштириш факультет жамоасининг асосий вазифаси бўлган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади. Факультет талабалари, илмий-педагогик жамоаси ўз вақтида республикамида амалга оширилган йирик бунёдкорлик ишларида фаол қатнашганлар. Жумладан, Мирзачўл, Сурхон-Шеробод, Қарши, Марказий Фарғона даштларини ўзлаштириш, у ерларда янги-янги пахтачилик хўжаликларини ташкил этиш даврида турли лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни жорий этиш, янги ер майдонларида қишлоқлар барпо этишда улар тўғридан-тўғри қатнашганлар.

Кейинги йиллари факультет олимлари ер тузиш ва ер кадастри фанларининг янада ривожланиши, иқтисодий ислоҳотлар шароитида ер муносабатларини янада такомиллаштириш, ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ҳамда маҳсулдорлигини оширишни ташкил этиш,

ерларни баҳолаш, ер ҳисобини такомиллаштириш ва автоматлаштириш, ер тузиш ва ер кадастри ишларидағи геодезик ўлчашларнинг илмий асосланган услугиятларини ишлаб чиқиши, шунингдек республикамизнинг сухориладиган минтақаларидаги ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган комплекс мавзулар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Факультет олимлари, илмий ҳодимлари, аспирант-докторантлари ер майдонларини тақсимлаш ва ташкил этиш бўйича йирик ер тузиш ишларида, ҳозирги бозор иқтисодиётига монанд ердан фойдаланиш билан боғлиқ меёрий хужжатларни яратишда, ерларни баҳолаш, ҳисоб қилишда, фермер хўжаликларини ташкил этишда, дехқончиликнинг такомиллашган тизимини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштиришнинг илфор технологияларини яратиш ва амалиётга тадбиқ қилишда муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Факультетда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари чоп этилган илмий-услубий ишлар ҳажмида жуда аниқ кўриниб турибди. Жумладан, 1945-2019 йиллар давомида **79** монография, **46** дарслик ва бошқа кўп сонли ўқув қўлланмалари босмадан чиқди. Институтимиз ва бошқа олий ўқув юртларининг илмий ишлар тўпламларида, мавзули журналларда **1000** дан зиёд илмий мақолалар чоп этилди. Иқтидорли талабаларнинг **10** та илмий тўгараклари ишлаб турибди. Улар томонидан бажарилган илмий-тадқиқот ишлари мумкин қадар бажариладиган малакавий битирув ишларининг мавзуларига яқинлаштирилган.

Факультетни ҳар томонлама ривожланишида, уни ўз вақтида илмий ҳодимлар, илмий-услубий адабиётлар билан таъминлашда энг аввало, Москва давлат Ер тузиш Университети, қолаверса Воронеж аграр университети, Ленинград қишлоқ хўжалик академияси, Харьков қишлоқ хўжалик институти, Львов қишлоқ хўжалик академияси, Омск қишлоқ хўжалик институти ва Остона қишлоқ хўжалик институтидаги ер тузиш факультетларининг ўрни ниҳоятда каттадир.

Факультетни Марказий Осиёда ер тузиш бўйича ягона илмий ва услубий марказга айланишида ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор М.И.Маслов, ЎзССРда хизмат кўрсатган ер тузувчилар; профессор, и.ф.д.П.К.Татур, доцентлар И.К.Баранов, В.С.Артомонов, А.Н.Назиров, Р. А. Сафагариев, А.Т.Абдуразоқов ва бошқаларнинг, шунингдек бугунги профессор-ўқитувчилар таркибининг хизматлари бениҳоя каттадир.

Факультет ташкил этилган йили унда битта М.И.Маслов т.ф.н. илмий унвонига эга бўлган. Кейинги йиллар, жумладан 1946-60 йиллар В.С.Артомонов, С.Н.Соловьев, Т.А.Мельников ва А.Н.Назиров; 1961-70 йиллар С.А.Свенцицкий, Р.А.Алимухаммедов, А.Т.Абдуразоқов ва В.П.Кайгородов; 1971-80 йиллар. Р.А.Сафагариев, В.П.Никитин, И.М.Фахрутдинов, А.С.Чертовицкий, Э.А.Цыганков, В.В.Бешенов, Б.И.Цибизов, Х.М.Мубораков, Э.Х.Нурматов, С.А.Авезбаев ва А.К.Каримов; 1981-90 йиллар А.Р.Бобожонов, Қ.Р.Рахмонов, П.В.Нестеренко, З.Т.Охунов, М.М.Махмудова ва М.М.Бозоровлар; 1990-2000 йиллар О.Караматов ва М.Ж.Тўлагановлар номзодлик диссертацияларини, 1961 йили П.К.Татур, 1992 йили С.А.Авебаев, А.В.Чертовицкий, 2018 йили А.С.Алтиевлар докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилишган.

Шуни алоҳида фаҳр ва ифтихор билан қайд қилиш зарурки, ўз вақтида факультетда билим олган талабаларимизнинг кўпчилиги бугунги кунда давлат арбоблари, йирик раҳбарлик лавозимларида хизмат қилиб ўз мамлакатларининг равнақига ўзларининг ҳиссасини қўшмоқдалар. Уларнинг айримларини бу ерда келтиришни лозим топдик. Жумладан, Б а к и р о в Н. Ж –Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси раиси; Авезбаев С.А.-и.ф.д., профессор, ТИҚҲММИ “Ердан фойдаланиш” кафедрасининг профессори; Чертовицкий А.С.-и. ф. д, профессор, Россия табиий фанлар академиясининг фаҳрий аъзоси, “Ердан фойдаланиш” кафедрасининг профессори; Базаров А. К.- и. ф. д.,профессор, Москва давлат ер тузиш Университетининг профессори, Россия табиий фанлар академиясининг

фаҳрий аъзоси, Алтиев А.С. – и.ф.д., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг аъзоси, Бюджет ва иқтисод масалалари қўмитасининг раиси (собиқ), бугунги кунда “Ердан фойдаланиш” кафедрасининг профессори ва бошқалар. Ушбу рўйхатни яна кўп давом эттириш мумкин.

Республикамизни мустақилликка эришиши, ҳалқ хўжалигига иқтисодий ислоҳатларни оғишмай амалга оширилаётганлиги, давлатимизни дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш учун олиб борилаётган сай ҳаракатлари ичидаги унинг асосий миллий бойлиги ҳисобланган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини кескин ошириш муаммоларини ҳал қилиш учун ҳам ҳалқаро стандартлар асосида факультетда таълим бериш йўлга қўйилган. Республикамиз ҳалқ хўжалиги талабларидан келибчиққан ҳолда бугунги кунга келиб Зта йўналиш бўйича бакалаврлар(“Ер тузиш ва ер кадастри”, “Геодезия , картографиява кадастр”, “Касб таълими (Ер тузиш ва ер кадастри)”) ҳамда З та мутахассислик (“Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш”, “Геодезия ва картография” ва “Геоинформатика”) бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Факультетда сўнги йилларда деканат ишларини юритишида ва талabalар хужжатларини тайёрлашда Д.А.Абдурахманова ўзининг меҳнатлари билан ишлаб келмоқда.

Тўғри, 90 йилларнинг ўрталарига келиб факультетга талabalарни қабул қилиш бирмунча камайган эди, лекин охирги йиллари бу микдор йил сайин ошиб бормоқда. Жумладан, 2019 йилга келиб факультетга қабул қилинган талabalар сони кундузги бўлимда 150 дан ошиб кетди.

Ҳозирги кунда факультет талabalарини яхши билим олишлари, ер тузиш илмининг сир-асрорларини чуқур ўрганишлари учун институтда барча шарт-шароитлар мавжуд. Замонавий талabalар уйи, спорт комплекс, катта китоб захирасига эга бўлган кутубхона, компьютер маркази, спорт-соғломлаштириш маскани ва ниҳоят ўқув амалиётларини талаб даражасида ўтиш учун Чорвоқ сув омбори минтақасидаги ўқув полигони тўла талabalар

ихтиёрида. Факультет раҳбарияти, унинг муовинлари ҳамда гурух мураббийлари талабаларни юқори савияли мутахассислар бўлиб етишлари учун ўз билим ва тажрибаларни тўла сафарбар қилмоқдалар.

Факультет кафедралари ўз ишларини асосий ер тузиш, ер кадастри ва геодезия ташкилотлар ҳисоблаган “Давлат қўмитаси ҳамда унинг вилоятлардаги худудий бошқармалари, қўмита тасарруфига кирган “Ўздаверлойиха” республика илмий лойиҳалаш институти, “Геодезия ва картография” миллий маркази, Марказий аэрогеозезия корхонаси, “Геоинформкадастр” давлат корхонаси, “Тупроқ бонитировкаси” корхонаси, “Картография” илмий ишлаб чиқариш корхонаси билан узвий алоқада бўлган ҳолда олиб бормоқдалар. Бу эса ўз навбатида бўлғуси мутахассисларни замон билан ҳамнафас бўлганлари ҳолда фан ва техниканинг илгор тажрибаларидан ўз вақтида баҳраманд бўлишларига имкон бермоқда.

Маълумки, факультет таркибида ҳозирги кунда 5та кафедра фаолият кўрсатганлари ҳолда улар ҳам бу ерда ташкил топган ва давом этиб келаётган буюк анъаналар асосида ўз ишларини ташкил этганлар. Булар “Ердан фойдаланиш” (олдинги “Ер тузишни лойиҳалаш”), “Давлат кадастрлари”, “Геодезия ва геоинформатика”, “Тупрокшунослик ва дехкончилик” ва “Олий математика” кафедралари. Ушбу кафедралар ҳам ўз вақтида юқори малакали ер тузувчи мутахассислар тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлганлар ва бугунги кунда ҳам муҳим роль ўйнамоқдалар. Дарҳақиқат, ушбу кафедраларнинг факультет билан ҳамнафас кечаги куни, бугунги ва истиқболи мавжуд. Шу сабабли ҳам биз қуида ҳар бир кафедранинг тарихи тўғрисида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

2.2. “Ердан фойдаланиш” кафедраси

Кафедра 1947 йили “Ер тузишни лойиҳалаш” номи билан ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунгача факультетнинг асосий ихтисослашган, чиқарувчи кафедраси ҳисобланади.

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ер тузувчи” унвонига эга бўлган, иқтисод фанлари номзоди доцент Иван Клементьевич Баранов кафедранинг асосчиси ва биринчи мудири бўлган. Кейинги даврларда унинг шогирдлари, иқтисод фанлари номзоди доцент Абдулла Тошпўлатович Абдуразоқов (1971-1981, 1992-1994 й) ва иқтисод фанлари номзоди, доцент, факультетнинг илк қалдирғочи Решат Абдурахмонович Сафагариевлар (1981-1991й) кафедрага сидқидилдан етакчилик килганлар. 1996 - 1998йиллар, 2001-2003 йиллар иқтисод фанлари доктори, профессор Сайдулла Авезбаевич Авезбеав , 2012- 2014 йиллар доцент Мурод Жалилович Тўлаганов, 2015 2016 йиллар Абдуғани Муродович Муқумов кафедрани бошқарганлар, 2016 йилдан бугунги кунга қадар кафедрани и.ф.н., доцент Аллаберган Рўзимович Бабажанов бошқариб келмоқда.

1947-60 йилларда кафедра профессор-ўқитувчилар таркиби асосан ишлаб чиқаришдан жалб қилинган етук мутахассис ходимлардан (И.К.Баранов, В.С.Артамонов, Н.Н.Булкин, П.М.Куликовский, А.И.Шипилова) ва факультетни биринчи битирувчилари (Р.А.Сафагариев ва И.В.Ермаков) ҳисобидан таркиб топган.

Факультетда биринчи бўлиб иқтисод қанлари номзоди илмий унвонига ҳам айнан кафедра ходимларидан И.К.Баранов ва В.С.Артомоновлар сазовор бўлишган. Бажарган илмий-услубий ишларини, катта илмий-услубий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда А.И.Шипилова, М.И.Мишин ва П.М.Куликовскийларга ҳам диссертация ҳимоясисиз биринчилар қатори доцентлик илмий унвонлари берилган.

Кейинги йиллар факультетнинг аълочи ва иқтидорли, фаол талабалари ҳисобига кафедра профессор-ўқитувчилар жамоасининг сафи кенгайиб ва янгиланиб борди. 1969-80 йиллар айнан шундай, сергайрат мутахассислардан ҳисобланган А.Т.Абдуразоқов, В.П.Кайгородов, Р.А.Сафагариев ва С.А.Авезбаевлар аспирантурани муваффақиятли тутатиб фан номзодлиги диссертацияларини ёқлаганлар. Натижада улар иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига ва доцентлик унвонларига эга бўлишган. 1985-1995

йиллар кафедранинг олимлар сафи иқтисод фанлари номзоди доцент А.Р.Бобожонов, иқтисод фанлари номзоди доцент Қ.Р.Раҳмонов ва қишлоқ хўжалик фанлари номзоди М.М.Азизовлар ҳисобига кенгайди. 1992 йили доцент С.А.Авезбаев Москва шаҳрида (МДЕТУ) доктарантурани муваффақиятли тутатиб ўзбек фарзандларидан биринчи бўлиб айнан ер тузиш соҳасида иқтисод фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. Шу йили доцент А.С.Чертовицкий ҳам ушбу даргоҳда ўзининг докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб иқтисод фанлари доктори илмий даражага эга бўлди. 2018 йилда А.С.Алтиев ҳам ўзининг докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Кафедранинг босиб ўтган шонли тарихий йўлини ёритар эканмиз албатта, унда меҳнат қилаётган ажойиб инсонларнинг айримларини яқиндан танишитириб ўтиш жоиздир, негаки айнан улар ва улар билан елкама-елка туриб меҳнат қилган инсонлар ягона тарзда кафедранинг тарихини ташкил этади.

Кафедранинг бугунги кундаги салоҳиятини вужудга келтиришда ҳормай толмай меҳнат қилаётган забардаст олим, и.ф.д., профессор Садулла Авезбоев ана шундай инсонлардан биридир. С.Авезбаев 1949 йил 15 январда Қорақолпагистонда, хизматчи оиласида дунёга келган. 1970 йилда ТИҚҲМИИ Ер тузиш факультетини тутатганидан сўнг 5 йил мобайнида, олдинига “Ўздаверлойиҳа” институтининг Қорақалпоғистон бўлимида (Нукус ш.), сўнгра жамоа хўжалигида ер тузувчи инженер вазифасида ишлади. 1975 йили у ТИҚҲМИИ нинг “Ер тузишни лойиҳалаш” (ЕТЛ) кафедрасига ишга таклиф этилди. 1976-78 йй. Москвада аспирантурада тахсил олди. 1979 йили номзодлик ва ниҳоят 1992 йили докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлаган.

Профессор С.Авезбаев ўз даврида қатор юқори лавозимларда ситқидилдан хизмат қилган ва эл-юрг обрўсини қозонган. Жумладан, 1979-87 йиллари институтнинг Қарши филиалида факультет декани, филиал директорининг ўринбосари лавозимида ишлаган. 1987 йили факультетга

қайтиб келиб кафедра доценти, 1992-94 , 1998, 2008 2011 йиллари факультет декани лавозимида ишлаган. У шу кунгача 90 дан ортиқ илмий, илмий-услубий ишларни, жумладан 2 монография, 4 та дарслик, 4 та ўқув қўлланмасини чоп эттирган. С.Авезбаев 2004 2009 йиллари МДХ бўйича ер тузиш соҳасидаги мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг аъзоси бўлган. Ҳозирги кунда у “Ер ва сув ресурсларидан самарали ва табиатга заарсиз фойдаланиши ташкил этиш” муаммоси бўйича илмий иш олиб бормоқда, таянч докторантларга илмий раҳбар, докторантларга илмий маслаҳатчи сифатида фаолият олиб бормоқда, малакавий битирув ишлари хамда магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилмоқда.

Професор Чертовицкий Александр Степанович 1942 йили Туркманистон Республикасининг Чоржев шахрида туғилган. 1961 йили Ер тузиш факультетига ўқишига кириб 1966 йили имтиёзли битирган. 1967-1971 йиллари факультет қошидаги аспирантурада таҳсил олган хамда профессор М.И.Маслов раҳбарлигига “Ўзбекистоннинг суғориладиган минтақаларида ер тузиш учун фойдаланиладиган план-харита материалларини тадқиқи” мавзусида диссертацияни таёrlаган ва уни 1972 й. ҳимоя қилган. 1976 й. унга доцентлик унвони берилган. 1977-1980йиллари Қарши филиалидаги «Ер тузиш» факультетида “Геодезия” кафедраси мудири лавозимида, 1981 йилдан 1989 йилгача факультетнинг “Аэрофотогеодезия” кафедраси мудири вазифаларида ишлаган. 1992 йили “Ер кадастри тизимини илмий-услубий асослари ва ер кадастри маълумотларнинг ҳақиқийлигини иқтисодий асослаш” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Унинг раҳбарлигига шу кунга қадар Знафар фан номзоди ва 1 нафар фан доктори тайёрланган. А.С.Чертовицкий томонидан 100 дан зиёд илмий-услубий ишлар чоп этилган. Айниқса, 1986 йили чоп этилган “Суғориладиган ерлар ҳисобини аниқлигини асослаш ва башоратлаш” ва 1994 йили чоп этилган “Ер кадастрининг назарий ва методологик масалалари” илмий ишлари, магистратура учун чоп этилган қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари мухим аҳамиятга эгадир. Илмий тадқиқот ишларидаги муваффақиятлари учун у

2013 йили Россия табиий фанлар академиясига фахрий аъзо қилиб қобул қилинган. Бугунги кунда ҳам забардаст олим, профессор А.С.Чертовицкий тинимсиз изланишда, докторантларга илмий маслаҳатчи, битирув малакавий ишларига ва магистрлик диссертацияларига раҳбар сифатида муваффақият билан фаолият олиб бормоқда.

Факультетга, қолаверса кафедрага узоқ йиллар раҳбарлик қилган, кафедранинг ривожланишига ўзининг жуда катта улушини қўшган, ўзининг бутун умрини институт, факультет ва кафедрага боғлаган меҳрибон устоз, доцент Абдулла Тошпўлатович Абдуразоқов тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз деб хисоблаймиз. Раҳматли устоз 1932 йили Наманган шаҳрида оддий ишчи оиласида туғилган. 1952 йили ўрта мактабни кумуш медал билан тугатган. 1952-57 йиллар ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетида тахсил олган.

1957-59 йй. А.Т.Абдуразоқов Республика Қишлоқ Хўжалиги Вазирлигининг “Ер тузиш ва алмашлаб экиш” Бошқармасида хизмат қилган. 1959 йили ТИҚХМИИ “Ер тузишни лойиҳалаш” кафедрасига ишга ўтказилган ва 2013йилгача ушбу кафедрада ер тузиш илмидан сабоқ бериб келди. 1959-66 йиллар кафедра ассистенти 1966-71 йиллар катта ўқитувчи, 1971-81 ва 1992-94 йилларда – кафедра мудири, 1981-1991 ва 1994-96 йилларда – факультет декани лавозимларида ишлаган.

Абдуразоқов А.Т. 1964 йили аспирантурани тугатган ва 1969 йили “Ўзбекистоннинг боғдорчилик-узумчилик давлат хўжаликлари ерларини худудий ташкил этиш” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган, 1971 йили доцентлик унвонини олган. 22,0 б.-т. яқин нашр этилган илмий илмий-услубий ишлар унинг қаламига мансуб. 1981-91 йилларда собиқ Иттифоқ Қишлоқ Хўжалик Вазирлигининг “Олий ва ўрта таълим Боси Шошқармаси” қошидаги “Ер тузиш” мутахасислиги бўйича ташкил этилган илмий-услубий ва илмий-координацион Кенгашларнинг аъзоси бўлган. Халқ ва ватан олдидаги сидқидилдан меҳнати ҳукumat томонидан муносиб тақдирланган. Ўз вақтида унга “ТИҚХМИИда хизмат кўрсатган доцент” унвони берилган.

Унинг номи ТИҚХМИИнинг фахрий китобига киритиб қўйилган.
Устозимизнинг охирати обод бўлсин.

Кафедранинг бугунги фаолиятида иқтисод фанлари номзоди, доцент, унинг раҳбари Аллаберган Рўзимович Бабажановнинг ҳам алоҳида ўрни бор. У 1978 й. ушбу факультетни имтиёзли битирган ва “Ер тузишни лойихалаш” кафедрасига ишга таклиф этилган. 1981-83 йиллари Москва ер тузиш инженерлари институти қошидаги аспирантурада таҳсил олган. 1986 йили “Ўзбекистондаги сугориладиган ерлардан фойдаланишни режалаштириш” мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1989 йили унга доцентлик унвони берилган. 1984 йилдан 1992 йилгача “Ер тузишни лойихалаш” кафедрасида олдинига ассистент, кейинчалик доцентлик лавозимларида, факультет деканининг ўринбосари лавозимларда ишлаган. 1992-2000 йиллар олдинги “Ердан фойдаланиш” кафедрасининг мудири лавозимида ишлаган. Бугунги кунга қадар 130 дан ортиқ илмий-услубий ишларнинг, жумладан 3 та дарслик, 3 та монография, 12 та ўқув қўлланмаларнинг муаллифи. А.Р.Бобожонов асосан сугориладиган ерлардан фойдаланишни, ерларни баҳолаш ҳамда шу асосда ерлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш муаммолари билан шуғулланиб келмоқда.

Катта ўқитувчи Мухаррам Холиковна Сулаймонова 1948 йили Тошкент шаҳрида оддий ишчи оиласида туғилган. 1971 йили ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетини тугатган ва кафедрага ишга таклиф этилган. Мана, деярли 50 йилдан бери ёшларга ер тузиш илмидан сабоқ бериб келмоқда. Факультет хотин-қизлар Кенгашининг раиси, гурух мураббийси, баҳтиёр ўғил-қизлар ва невараларнинг онаси, қатор илмий, илмий-услубий ишлар муаллифи. Кафедра катта ўқитувчиси сифатида “Ер тузиш ишларини ташкил этиш ва режалаштириш”, “Ўрмон дараҳтзорларини ташкил этиш” фанларидан бакалавр талабаларга дарс беради, малакавий битирув ишларига раҳбарлик қилади. Факультет ва кафедранинг “онахон”и сифатида катта обрў зътиборга эга.

Катта ўқитувчи Абдугани Муродович Муқумов – 1958 йили Сирдарё вилоятида туғилган. 1981 йили ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетин имтиёзли тутатган ва кафедрада ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. 1986-89 йиллар Москва ер тузиш инженерлари институтида аспирантурада тахсил олган. Ер тузиш, ердан фойдаланиш муаммоларига бағищланган 50 га яқин илмий, илмий-услубий ишлар муаллифи. Гурух мураббийси ва етук мутахассис сифатида катта обрўга эга. 2014-2015 йиллари кафедрани бошкарған, бакалавр талабаларга “Ер тузишни лойиҳалашнинг автоматлашган тизимлари” ва “Ер хуқуқи” фанларидан билим бермоқда, малакавий битирив ишларига муваффақиятли раҳбарлик қилмоқда.

Катта ўқитувчи Зулфия Холмуродовна Хафизова – 1957 йили Навоий шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1979 йили ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетини имтиёзли тутатган ва йўлланма билан институтнинг Қарши филиалига ишга юборилган. 1987 йили, Қарши филиалидаги мутахассислар тайёрлаш маълум муддатга тўхтатилганлиги сабабли кафедрага таклиф этилган. Талабаларга “Ер тузишни лойиҳалаш”, “Ер тузиш иқтисоди” фанларидан билим бериб келмоқда. “Фермер хўжалиги ерларини худудий ташкил этиш масалалари” мавзусида илмий иш олиб бормоқда. 40 га яқин илмий, илмий-услубий ишлар муаллифи. Бугунги кунда у институт хотин қизлар кенгашининг раисаси сифатида катта жамоат ишларини олиб бормоқда.

Катта ўқитувчи Сайфуддин Раҳимович Шарипов – 1968 йили Хоразм вилояти Янгиариқ тумани хизматчи оиласида туғилган. ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетини имтиёзли диплом билан томомлаган. 1994-1997 йилларда аспирантурада таълим олган. 1998 йилдан буён “Ер тузиш ва ер муносабатлари” кафедрасида “Ер тузишнинг назарий асослари”, “Ер хуқуқи”, “Ер муносабатларини тартибга солиш” фанларидан дарс бериш билан бирга факультет “Аълочи ва иқтидорли талабалар билан ишлаш” шуъбаси раиси бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда. “Суғориладиган ерларни рекультивациялаш усувларини такомиллаштириш” мавзусида илмий иш

олиб бормоқда. С.Шарипов кейинги йиллари ўқитишида илғор педагогик технологияларни қўллаш бўйича билим ва қўникмаларни жуда яхши ўзлаштириб, шу бўйича қатор танловларнинг институтлараро ғолиби сифатида катта обрў эътиборга эга бўлган.

Асистент Рўзибоев Собир Боймирзаевич 1975 йили Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилган. 1998 йили институтни тугатган. 1999йили факультетга ишга қобул қилинган. 2015 йилга қадар у хозирги “Геодезия ва ер кадастри” кафедрасида фаолият олиб борган. Бакалавр талабаларга “Ер хукуқи”, “Ер тузишни лойиҳалаш”, “Ердан фойдаланиш асослари”, “Ер тузиш иқтисоди” фанларидан амалий дарсларни юқори савияда олиб боради. “Республиканинг лалми ерларидан фойдаланишни оқилона ташкил этишида ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиши услубларини такомиллаштириш” мавзусида илмий ишлар олиб бормоқда. Ташкилотчилиги билан ажралиб туради. Битирув ишларига раҳбарлик қиласиди.

Шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, кейинги йиллари кафедра ёш, иқтидорли мутахассислар хисобига анча тўлдирилди. Жумладан, кейинги 6 7 йил ичида кафедрага ўзимизнинг магистратуруни тамомлаган иқтидорли ёшлардан Юсуп Усмонов, Санобар Абдуқодирова, Худойберди Абдуваитовлар, ишлаб чиқаришдан Баҳром Мажитовлар ишга таклиф этилди. Улар кафедранинг эртанги кунидир. Биз ишонамизки, улар ҳам ўзларининг ситқидилдан меҳнатлари билан кафедрада ва факультетда ўзларининг муносиб ўринларига эга бўладилар.

Кафедра ташкил этилганидан буён ўтган давр ичида бажарилган ўқувтарбиявий ва илмий-услубий ишларни ўз вақтида муваффақиятли ташкил этишида доцентлардан И.К.Баранов, В.С.Артамонов, М.П.Куняевский, т.П.М.Куликовский, А.И.Мишин, асистентлардан Т.К.Каримов, Х.И.Исмоилов, М.В.Ермаков, Н.Г.Ғуломов, М.Абдуманнов, И.А.Асқаров, О.Халиллаев, Т.А.Тростянская, катта ўқтувчилардан В.М.Зибкин,

В.В.Денисов, О.О.Кароматов, асистентлардан Л.А.Арутюнян ва
М.М.Губайдулинларнинг хизматлари бениҳоя катта бўлган.

Ҳозирги даврда кафедрада 14 нафар профессор-ўқитувчилар ўкув, илмий-тадқиқот ва тарбиявий ишлар олиб бормоқдалар. Кафедра ўз фаолияти даврида жипс, ҳамфикр, дўстона жамоани шакллантиришга муваффақ бўлган. Унинг энг қадрли анъаналаридан бири ва ижобий томони шундан иборатки, бу масканда Марказий Осиёда ягона минтақавий ер тузиш мактаби яратилган. Бу мактабда, ўз вақтида бошқа республикаларнинг ҳам қатор мутахассислари ўз билим савияларини оширганлар. Кафедрага қатор йиллар амалиётда меҳнат қилаётган ер тузиш бўйича етук мутахассислар маърузалар ўқишига жалб қилинган. Ўз даврида улардан, айниқса қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Г.А.Толипов, тажрибали мутахассислар Х.Г.Ғуломов, Н.Г.Ғуломов, иқтисод фанлари доктори профессор Б.Ж.Беркиновларнинг таклиф этилганлиги катта аҳамиятга эга бўлган.

Кафедра йилдан-йилга ўкув жараёнини такомиллаштириш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирги кунда кафедрада “Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш” мутахассислиги бўйича магистратура, 06.01.10 ер тузиш, кадастр, ер мониторинги мутахассислиги бўйича таянч докторантура мавжуд. Бундан ташқари талабалар билимларини аниқлаш тестлар ёрдамида компьютерларда амалга оширилади. Кафедра профессор-ўқитувчилар жамоаси охирги йиллари ўзларининг асосий диққат-эътиборини кафедра фанларидан давлат тилидаги замонавий ўкув адабиётларини тайёрлашга қаратган.

Кафедра ўз фаолияти даврида қатор илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. Булардан айниқса хўжалик шартномаси асосида бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг салмоғи ва халқ хўжалиги учун аҳамияти бениҳоя катта бўлган. Жумладан, 1980-91 йиллар мобайнида кафедра олимлари доц. Р.А.Сафагарiev раҳбарлигига “Ўзбекистоннинг шимолий регионларидағи сугориладиган ерларда тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш” ишларини, 1999 йили проф.С.А.Авезбаев раҳбарлигига “Сирдарё

вилояти Гулистон тумани хўжаликлари ер майдонларини ҳисоблаш”, доцент А.Р.Бабажанов раҳбарлигида “Сирдарё вилояти Сардоба тумани хўжаликлари ер майдонларини ҳисоблаш” мавзуларидағи ишларни бажаргандар.

Кафедрада “Ер тузишни лойиҳалаш”, “Ер тузиш иқтисоди”, “Ер хуқуқи” фанлари бўйича талабалар илмий тўгараклари узоқ йиллардан бери мунтазам ишлаб келмоқда. Бу тўгараклар ишининг натижаси сифатида талабалар томонидан яратилган энг долзарб ва сермазмун маъruzалар институт миқёсида ўтказиладиган илмий анжуманларда ҳисбот тарзида ёритилади.

Бугунги кунда кафедрада бакалавриатура бўйича 10, магистратура бўйича 4 фанлар ўқитилади. Барча ушбу ўқитиладиган фанлардан кафедра олимлари томонидан давлат ва рус тилларида замонавий дарслик ва ўқув кўлланмалари, шунингдек, амалий дарслар олиб боришга зарурый услубий кўрсатмалар тайёрланган ва институт “Ахборот ресурс маркази”га топширилган.

Кафедра ўз фаолиятини доимий равища ишлаб чиқариш корхоналари билан узвий боғлиқ холда олиб боради. Хусусан, бугунги кунда “Ўздаверлойиҳа” республика илмий лойиҳалаш институтида кафедранинг маҳсус филиали ташкил этилган. “Ер тузиш ва ер кадастри” таълим йўналишининг 3 ва 4 курс талабаларига хафтада бир кун асосий мутахассислик фанларидан амалий дарсларни ушбу филиалда ўтиш йўлга қўйилган. Талабалар олаётган назарий билимларни амалий кўникмалар билан узвий боғлашда ушбу институт Бош директори, к/х. ф.н. Р.Тўраев ва у ерда фаолият юритаётган етакчи мутахассисларнинг роли катта бўлмоқда.

Кафедра ўз фаолияти давомида халқаро алоқаларга алоҳида эътибор берган холда иш олиб борган ва бугунги кунда ҳам бунга алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, кафедра профессор С.Авезбоев Москва давлат ер тузиш университетининг профессор, Россия Фанлар Академиясининг академиги С.Н.Волков билан хамкорликда 2002 2004 йиллари ўзбек тилида

“Ер тузишни лойиҳалаш”, “Ер тузишнинг илмий асослари”, “Ер тузишни лойиҳалашни автоматлашган тизимлари”, “Ер тузиш иқтисоди” фанларидан дарсликлар яратишган. Ушбу дарсликлар бугунги кунда ҳам талабаларнинг асосий дарсликлари бўлиб қолмоқда. Кафедра бугунги кунда ҳам ушбу Университет билан ҳамкорлик алоқаларини муваффақиятли давом эттироқда. Бундан ташқари, кафедра профессор ўқитувчилари ҳамкорлик алоқалари доирасида Венгрияning Обуда Университетида, Австрияning Залцбург Университетида, Англияning Гринвич Университетида ва бошқа хорижий университетларда ўз малакаларини ошириб келмоқдалар.

Республикамизнинг иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтаётганлиги, ерда ҳўжалик юритишнинг қатор илғор шаклларини изчилилк билан ҳаётга кириб келаётганлиги, ер участкаларига бўлган хуқуқларнинг ранг-баранглиги, ерга хусусий мулкчиликни жорий этилаётганлиги ва ер бозорини шакллантириш зарурияти кафедра олимлари олдига ер муносабатларини бозор шароитига мувофиқлаштириш, ер тузишни тубдан такомиллаштириш, ер хуқуқларини ҳаётга тезкорликда тадбиқ этиш каби асосий бойлигимиз хисобланган ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берадиган муаммоларни ҳал қилишни қўймоқда. Ҳеч шак-шубҳа йўқки бу масалаларни ҳал қилишда айнан “Ердан фойдаланиш” кафедраси фаол қатнашади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шундай катта салоҳиятга эга профессор ўқитувчилар меҳнат қилаётган кафедра ўзининг тарихий анъаналарини давом эттирганлари ҳолда мустақил республикамиз ҳалқ ҳўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайверадилар.

2.3. “Давлат кадастрлари” кафедраси

Кафедра факультетнинг энг ёш чиқарувчи кафедраси хисобланади. У факультетнинг “Ердан фойдаланиш” ва “Геодезия ва геоинформатика” кафедраларининг таркибидан ажralиб чиқсан ҳолда 2018 йили ташкил этилган. Янги кафедрани ташкил этишда унинг биринчи мудири сифатида фаолият олиб бораётган и.ф.н., доцент Қосимжон ака Рахмоновнинг

ташкilotчилик маҳорати катта ўрин тутди. Бугунги кунда бу ерда 8 нафар профессор ўқитувчилар факультетнинг бакалавриатура йўналишлари талабаларига “Ер кадастри”, “Давлат кадастрлари асослари”, “Бино ва иншоотлар кадастри”, “Геодезия ва картография кадастри”, “Шаҳарсозлик кадастри”, “Худудларни мухандислик жиҳозлаш”, “Ер ресурсларини бошқариш”, “Ер мониторинги” каби фанлардан дарс беришмоқда. Бундан ташқари “Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш”, “Геодезия ва геоинформатика” магистратура мутахассислари магистрантларига ҳам 2 номдаги фандан дарслар олиб борилади.

Кафедра ёш бўлишига қарамасдан бугунги кунда талабаларга дарслар олиб бориш билан бирн қаторда катта ҳажмлардаги илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Кафедра ташкил этилганидан буён уни иқтисод фанлари номзоди, доцент Қосимжон ака Рахмонов бошқариб келмоқда. У 1950 йили Фарғона вилоятининг хозирги Данғара туманида таваллуд топган. 1976 йили ТИҚҲМИИ Ер тузиш факультетини имтиёзли тугатиб ўз меҳнат фаолиятини шу факультетда бошлаган. Қ.Р. Рахмонов 1977-85 йй. институт ёш олимлар кенгашининг аъзоси, 1985-93 йй. факультет касаба уюшмасининг раиси, 1994-95 йй. “Ер тузишни лойихалаш” кафедраси мудири ва ниҳоят 1999 йилдан факультет декани лавозимида ишлаб келмоқда.

1989 йили Қ.Р. Рахмонов “Қадимдан сугориладиган ерлардан самарали фойдаланиш тадбирлар тизими” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган, 1996-98 йй. докторантурада илмий иш олиб борди. Хозиргача 100 га яқин илмий-услубий ишларни чоп этган, докторлик диссертациясини тайёрлаган. Шу жумладан, 2 та монография, 1та дарслик, 4 та ўқув қўлланалар ва 30 та услубий қўрсатмалар чоп эттирган. Унинг раҳбарлигида факультет талабаси А.Комилов Ўзбекистон Республикаси бўйича “Йилнинг энг яхши битирув малакавий иши”нинг танлов ғолиби бўлган, магистрант И.Абдурахмонов Президент стипендиати бўлган. 2012 йилдан буён сув хўжалигига оид Фарғона вилояти Данғара ва Қува туманларидағи касб хунар

коллежларида илмий услубий маслахатчи сифатида фаолият юритиб келмоқда. 1999- 2004 йилларда факультет декан лавозимида фаолият юритган. Дунёнинг қатор илғор университетларида, жумладан АҚШнинг Медисон, Хельсинки техника университети, Англияning Гринвич университети, Венгрияning Обуда университети, Голландияning Вагиненген университетларида ер кадастри, геоахборот тизимлари ва ер мониторинги соҳаларида малака оширган. 1998 -2003 йиллари республикамизда ер ресурсларидан самарали фойдаланишга оид “BASIS” “TEMPUS” ва IWMI нинг “Ёрқин нуқталар” халқаро лойихаларида иштирок этган. 2003 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг қатор илмий грантларига раҳбарлик қилган.

Ашурев Абдулла Файзуллаевич- 1953 йилда Сурхондарё вилоятида ту-илган, 1976 йили факультетни туттаган ва узок йиллар ер тузиш амалиётида ишлаган. У оддий ер тузувчи мухандисдан вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг бошлиғи лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган. 2007 йили танлов асосида ТИМИнинг “Геодезия ва ер кадастри” кафедрасига ишга қобул қилинган. 2014 йилдан буён кафедра катта ўқитувчиси лавозимида фаолият олиб бормоқда . Талабаларга “Худудни мухандисли жиҳозлаш”, “Шаҳарсозлик кадастри” фанларидан дарслар олиб боради. Кафедрада илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда, 30 дан зиёд илмий- услубий ишлар муаллифи.

Бугунги кунда кафедрада профессор У.Х.Нигматжанов, ёш мутахассислардан Кубаев Ж.,

2.4. “Геодезия ва геоинформатика” кафедраси

Кафедра тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, унинг фаолиятини асосан катта икки қисмдан иборат, деб қарасак тўғри бўлади. Фаолиятнинг биринчи қисми 1949 йили ташкил этилган “Қишлоқ аҳоли жойларини

лойиҳалаш ва ободонлаштириш” кафедраси билан боғлиқ. У 1997 йилдан бошлаб “Ер кадастри” номини олган. Бу кафедра ҳам факультетнинг асосий ихтисослашган кафедраси ҳисобланган. 1949 йилдан 1982 йилгача кафедрага етакчилик қилган Ўзбекистан Республикасида хизмат кўрсатган ер тузувчи, иқтисод фанлари доктори, профессор П.К.Татур ушбу кафедрани ташкил этишга, уни ҳар томонлама мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган.

Татур Петр Кузмич 1907 й. 12 июлда Минск губерниясининг Мозыр уъездидаги хизматчи оиласида туғилган. 1932 йили Москва ер тузиш инженерлари институтига ўқишига кириб уни 1937 й. аъло баҳолар билан битказади. 1937- 1941 йили Ўзбекистон Республикаси дехқончилик халқ комисариатида ташкил этилган майдонларни ташкил этиш Илмий-тадқиқот станциясидаги қишлоқ аҳоли жойларини лойиҳалаш секторининг бошлиғи вазифасида ишлаган. 1941 йили В.В.Куйбышев номидаги ҳарбий-инженерлик академиясига ўқишига юборилган. Уни тезкорликда, яъни 1942 й. тугаллаб хизматни асосан Никополь инженер-сапер бригадасида разведка бўлинмасининг бошлиғи вазифасида ўтаган. Кейинчалик, яъни 1945 й бошида 6-Армияда инженерлик ишлари бўйича штаб бошлиғининг ёрдамчиси вазифасида хизматни давом эттирган. Уруш йиллари кўрсатган мардлик важасоратлари учун I ва I I - даражали Улуғ Ватан Уруши ордени, ҚизилЮлдуз ордени ва учта жангавор медаллар билан тақдирланган.

1946 йилдан бошлаб “Ер тузиш” факультети ташкил этилиши муюносабати билан олдинига ассистент, кейинчалик доцент, кафедра мудири, факультет декани ва ниҳоят профессор лавозимларида “Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш ва ободонлаштириш” кафедраси мудири вазифасида ишлаган. 1949 йили техника фанларига номзодлик ва 1964 й. иқтисод фанларига докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлаган. 1965 й. унга профессор илмий унвони берилган.

Профессор П.К.Татур сугориладиган дехқончилик минтақасидаги қишлоқ аҳоли жойларини лойиҳалаш, қуриш ҳамда ободонлаштиришнинг илмий-услубий асосларини Ўзбекистон шароити учун биринчи бор яратган

буюк олимдир. Суфориладаган дәхқончилиқда ишлаб чиқарувчи күчларни оқилона жойлаштириш, Ўзбекистондақишлоқ ахолисининг мавжуд жойлашганлик тизимини қайта қуриш ва янгисини яратиш муаммоларига бағишенгандын 200 дан ортиқ илмий ишлар унинг қаламига мансубдир. Қишлоқ хўжалигига юқори малакали мутахассислар етказиб беришдаги хизматлари ҳамда ер тузиш илмининг ривожига қўшган хиссасини хисобга олган ҳолда 1965 йили унга “Ўзбекистан ССР да хизмат кўрсатган ер тузувчи” унвони берилган.

1982 йилдан 1992 йилгача кафедрага П.К.Татурнинг ўқувчиси, доцент Б.И.Цибизов раҳбарлик қилган. Ўз илмий-услубий фаолияти даврида Б.И.Цибизов ҳам ўз устозининг ишини давом эттира бориб илмий йўналишини асосан суфориладиган минтақалардаги қишлоқ аҳоли яшаш жойларини лойихалашни такомиллаштириш, суфориладиган ер ресурларидан фойдаланишни башоратлаш ва режалаштириш муаммоларига бағишенгандын.

Кейинги йиллари кафедра жамоаси шу ерни битирган ёш ўқитувчилар билан тўлдирилди. Шу борада профессор А.С.Чертовицкий, доцентлардан А.Р.Бобоҷонов, Б..И. Цибизов, В.В.Бешенов ва М..М. Бозорвларни айтишимиз мумкин. Кафедрадаги илмий ҳамда услубий ишларини жонлантиришда айниқса профессор А.С.Чертовицкийнинг хиссаси катта бўлган.

Кафедранинг ривожланишида бугунги кунда орамиздан кетган, лекин ўзининг изини қолдирган катта ўқитувчи Тўхтабой Исмоиловни эслаш хам жоиздир.. У 1937 йили Тошкент вилоятининг Юқори Чирчик туманида колхозчи оиласида туғилган. 1960 йили Ер тузиш факультетини битказган ва йўлланма билан Ер тузиш бошқармасининг Бухоро экспедициясига ишга юборилган. 1967 йили “Ўздаверлойиха” институтига отряд бошлиғи лавозимиға ишга таклиф этилган ва шу йили танлов асосида кафедрага ассистентлик лавозимиға ишга кабул қилинган. 1970 йилдан катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда. Ўз иш фаолияти даврида Т.И.Исмоилов асосан қишлоқлардаги уй-жойлар, маданий-майший бинолар қурилишини

лойиҳалаш, ишлаб-чиқарувчи кучлардан оқилона фойдаланиш, Республикада пахта агросаноат бирлашмаларини ташкил қилиш масалаларига бағишиланган илмий мақолаларини матбуотда, илмий тўпламларда чоп эттирган. Узок йиллар самарали меҳнати эвазига 1999 йили Т.И.Исмаиловга “ТИҚҲМИИ да хизмат кўрсатган катта ўқитувчи” фахрий унвони берилган. Домламизнинг охирати обод бўлсин.

Кафедра фаолиятида бугунги кунда Қарши мухандислик иқтисодиёт институтининг доценти М.М.Бозоровнинг ҳам муносиб улуши бор. У 1980 йили факультетнинг Қарши филиалини муваффақиятли тутатган ва шу ерда ўз фаолиятини бошлаган. 1986 -1990 йиллари Воронеж қишлоқ хўжалик институтида аспирантурада тахсил олган. 1990 йилнинг охирида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган. 1991- 1996 йиллари шу кафедрада фаолият олиб борган. Унга 1996 йили доцентлик унвони берилган. 1996 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб бугунги кунга қадар Қарши мухандислик иқтисодиёт институтида фаолият юритиб келмоқда. Унинг ўғли Абдумалик ҳам отаси йўлидан бориб олдинига факультетимизнинг бакалавриатурасини, кейин магистратурасини тамомлаб, бугунги кунда Қарши мухандислик иқтисодиёт институтида талabalарга ер тузиш илмидан сабоқ бермоқда.

Бугунги кафедрафаолиятининг иккинчи қисми олдинги “Геодезия” кафедраси билан боғлиқ. Айнан ушбу кафедра хатточи факультетдан ҳам олдин ташкил қилиниб, Ўзбекистонда геодезия илмини ривожланишига асос солган. Дарҳақиқат, “Геодезия” кафедраси Ўрта Осиё давлат университети ташкилотчиларидан бири, профессор И.М. Лебединский томонидан 1920 йили ташкил этилган. Кейинчалик, яъни 1934 йил кафедра мудири М.М.Маслов бошчилигига бутун профессор-ўқитувчилар таркиби билан кафедра ТИҚҲМИИга ўtkazilgan.

1963 йил “Геодезия” кафедраси иккига -“Инженерлик геодезия” ҳамда “Аэрофотогеодезия” кафедраларига ажralган. Давр тақозоси билан 1989 йил эса ушбу кафедралар қайтадан бирлашди. 1963 йилдан 1976 йилгача

кафедрага “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ер тузувчи”, т-ф-н, доцент А.Н.Назиров етакчилик қилган, кейинчалик доцентлардан Х.М.Мубораков ва Э.Х.Нурматов, профессор С.И.Ибодуллаевлар кафедрани бошқардилар..

Кафедра жамоаси талабаларга билим бериш билан биргаликда 1939-40 йилларда Катта Фарғона ва Шимолий Фарғона каналларини қуришда олдиндан ўтказилган қидирув ишларида қатнашганлар, уларни қурилиш пайтида ҳам катта ҳажмлардаги геодезик-қидирув ишларини бажарганлар. Геодезик фаолиятнинг илмий йўналишларини ривожлантира бориб доцентлар А.Н.Назиров ва В.П.Никитинлар “Чорвоқ, ГЭС ва Чорвоқ сув омбори иншоотларининг барқарорлиги бўйича кузатувчилар дастурини яратганлар. Кафедра аъзолари томонидан Ўзбекистондаги Каттақўрғон сув омбори, Навоий ГРЭС, Ангрен ГРЭС, Тожикистондаги Каттасой сув омборининг барқарорлиги бўйича катта ҳажмдаги геодезик илмий ишлар олиб борилган. Профессор М.И.Маслов ва доцент А.Н.Назиров иштирокида “Гидротехник-ирригатор маълумотномаси” ва “Пахтачиликдан маълумотнома”лар тузилган ва чоп этилган.

Ўқув - услубий фаолиятда кафедра ўзининг барча имкониятларини геодезия бўйича маъруза, амалий-лаборатория машғулотларини ва ўқув амалиётларини юқори савияда ўтказишга имкон берувчи дарсликлар, услубий кўрсатмалар, ўқув қўлланмалари ишлаб чиқишига қаратган. Доцент А.Н.Назиров томонидан профессор П.М. Шиловнинг геодезия бўйича дарслик китоби биринчи марта ўзбек тилига таржима қилинган. У зоқ йиллар самарали меҳнатлари эътиборга олиниб, 1975 йили А.Н.Назировга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ер тузувчи” фахрий унвони берилган.

Илмий тадқиқот ишлари ҳам кафедрада фаол олиб борилган. Кафедра аъзоларидан М.И.Маслов, С.Н.Соловьев, А.Н.Назиров, С.А.Свенцицкий, Р.А. Алимухамедов, В.П.Никитин, Э.А.Цыганков, Э.Х.Нурматов, Х.М.Мубораков ва З.Охуновлар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Кафедра аъзолари томонидан институт илмий-ишлар тўпламларида ва бошқа нашрларда 100 га яқин илмий мақолалар чоп этилган. 1999 йили кафедра

олимлари томонидан “Сирдарё тумани қишлоқ хўжалик корхоналари ерлари майдонларини ҳисоблаш” мавзусидаги хўжалик шартномаси асосидаги илмий иш бажарилган. Илмий-тадқиқот ишларининг натижаси бўйича доцент В.П. Никитин З муаллифлик гувоҳномасини олган. Ёшларга геодезия фанидан юқори савияда билим беришда кафедранинг юкорида эътироф этилган олимлари билан бир қаторда К.Эрназов, М.Пармоновларнинг ҳам хиссалари катта бўлган.

Кафедра тўғрисида сўз юритилса, албатта, ушбу факультетни тугатганидан буён деярли 55 йилдан ортиқ кафедра лабораторияси мудири Людмила Иннокентьевна Эрназова тўғрисида алохида тўхталиш жоиз, деб хисоблайман. У ўзининг бутун онгли хаётини ушбу кафедрага бағишлиб келмоқда. Ёши анча катта бўлишига қарамасдан хали ҳам тетик холда кафедра лабораториясига раҳбарлик қилмоқда. Ўз вақтида устозимиз Кўчим ака Эрназов билан турмуш қуриб, бугунги кунда бир биридан азиз фарзандлар ва ширин невараларга ардоқли онахон.

Айнан ушбу икки йўналиш асосида бугунги кунда фаолият олиб бораётган “Геодезия ва геоинформатика” кафедраси шаклланган ва ривожланмоқда. Кафедрада кейинги йиллари жуда катта хажмдаги халқаро лойиҳалар бажарилган. Булардан айниқса “GE-UZ: Геоинформатика” халқаро лойиҳаси диққатга сазовордир. Лойиҳа доирасида кафедрада 2014 йилдан бошлаб янги, “Геоинформатика” мутахассислиги бўйича магистратура ташкил этилди ва ушбу йил 2 нафар бакалавр ушбу мутахассисликдаги магистратурага ўқишига қобул қилинди. Ушбу лойиҳага биноан кафедрага катта қийматга эга бўлган энг замонавий геодезик ўлчов асбоблари, кадастр ўлчов асбоблари олинди. Бугунги кунда ушбу асбоблар асосида магистрантлар ўз билим ва қўникмаларини оширмоқдалар.

Айнан ушбу иккита қисмни бирлаштирган бугунги “Геодезия ва геоинформатика” кафедрасини бугунги кунда ёш, сергайрат доцент Ойматов Рустам Қамариддинович бошқармоқда. У ҳам факультетни муваффақиятли тугаллаб ушбу кафедрада ўз фаолиятини бошлаган, институт Илмий

Кенгашига котиб бўлган, “Йилнинг энг яхши педагоги” республика танловининг ғолиби сифатида доцентлик унвонига эга бўлган.

Кафедрани ўз вақтида маълум муддатга бошқарган, бугунги кунда доцент лавозимида фаолият олиб бораётган Мусаев Илхом Мақсадович тўғрисида ҳам ижобий тавсифлар келтириш жоиз, албатта. У1958 йили Андижонда туғилган, 1981 йили Москва геодезия, аэрофотогеодезия ва картография институтининг картография факультетини тамомлаган. 1988 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган. 1997 йилга қадар Андижон қишлоқ хўжалиги институтида ассистент, катта ўқитуви, доцент вазифасини бажарувчи лавозимларида, 1997 йилдан 2000 йилга қадар ТИҚҲМИИ “Геодезия” кафедрасида доцент лавозимида ишлаган. Бугунги кунда кафедра доценти сифатида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. У 70 га яқин илмий, илмий- услубий ишлар муаллифи. Илмий ишлари асосан қишлоқ хўжалиги хариташунослигига бағишиланган.

Кафедра фаолиятида география фанлари номзоди Ойхумор Шерматовна Рўзикулова хам маълум ўринга эга бўлмоқда. У кафедрага 2013 йилда таклиф этилган, бугунги кунда доцент сифатида фаолият олиб бормоқда. Рўзикулова О. 1975 йилда Сирдарё вилоятида таваллуд топган. Ўзбекистон Миллий Университетини тамомлаган. Ушбу даргоҳда аспирантурада тахсил олган. 2008 йилда “Зарафшон дарё хавзаси воҳа геосистемаларининг мелиоратив холатини баҳолаш” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 20 дан ортиқ илмий ишларни чоп эттирган, шундан 3 таси ўқув қўлланмаларини ташкил этади. Кафедрада “Мелиоратив география”, “Картография”, “Табиий карталарни лойихалаш ва тузиш”, “Топографик чизмачилик” фанларидан дарс олиб боради.

Илмий тадқиқот ишларини бажаришга кафедрада кейинги йиллари алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2013-2014 йиллар давомида кафедрада катта ўқитувчи М.Ражаббоев раҳбарлигига “ТИМИ ўқув илмий маркази худудида ер кадастрини юритишида топографо-геодезик ишларни амалга ошириш” мавзусида илмий- тадқиқот ишлари бажарилган. У шбу

илмий-тадқиқот натижасида ўқув илмий марказ худудининг электрон рақамли картаси яратилди, худуддаги ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан қишлоқ ва сув хўжалигида оқилона фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар берилган.

Кейинги йиллари кафедрада ўқув адабиётларини тайёрлаш бўйича маълум амалий ишлар бажарилмоқда. Бунда айниқса кафедранинг собиқ катта ўқитувчиси, малакали мутахассис Мухитдинов Жамалитдин Камалитдиновичнинг фаолияти алоҳида ажralиб туради. У охирги 5 йил давомида республикада биринчилардан бўлиб “Фотограмметрия” фанидан дарслик ва ўқув қўлланмасини, “Рақамли фотограмметрия”, “Фотограмметрия ва ерни масофадан тадқиқ этиш” фанидан ўқув қўлланмаларини чоп эттирди.

Кафедра таркиби доимо ёшлар билан тўлдирилмоқда. Жумладан, кейинги 5-6 йил ичида кафедрага факультетни имтиёзли диплом билан битирган 11 нафар ёш мутахассислар, жумладан Исломов Ў.П., Абдурахмонов С.А., Мухторов Ў., Хикматуллаев С.И., Иномов А.Н., Н. Миржалолов., З. Абдурахманов., Абдирамонов Р. Д. ва Жуманов А. Б.ларишга таклиф этилган.

2.5. “Тупроқшунослик ва дехқончилик” кафедраси.

Кафедра 1940 йили ташкил этилган ва 1959 йилгача унга профессор Н.И.Курбатов раҳбарлик қилган. Биринчи йиллари кафедра жамоаси 10 кишидан иборат бўлган. Кейинчалик кафедра илмий салоҳияти жиҳатидан анча ўсиб Ўрта Осиёдаги йирик илмий марказлардан бирига айланган.

1959-1968 йиллари кафедрани профессор И.Ф.Сукач бошқарган. У академик С.П.Рижов билан биргаликда «Сугориладиган дехқончилик» номли Ўзбекистон учун биринчи дарслик китобини тайёрлади ва нашр этди. Ушбу ўқув дарслиги ТИМИ (ТИҚҲМИИ) ҳамда Марказий Осиё республикаларидағи бошқа қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларининг талабалари учун тупроқшунослик, дехқончилик ва агрономия бўйича деярли 20 йилдан ортиқ асосий дарслик бўлиб хизмат қилди.

1968-1986 йилларда кафедрага профессор Қашқаров Аҳмад Қашқарович етакчилик қилди. А.Қ.Қашқаров 1912 йилда туғилган, 1963 йилида Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битирган ва 30 йилдан ортиқ Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий тадқиқот институтида ишлаган. 1964 йили А.Қ.Қашқаров докторлик диссертациясини ёқлаган. Унинг раҳбарлиги остида кафедра жамоаси 1986 йил «Арид минтақасидаги сугориладиган дехқончилик» номли ўқув кўлланмасини тайёрлади ва нашр этдилар. Умуман профессор А.Қ.Қашқаров раҳбарлигига 30 нафар фан номзоди ва 4 нафар фан докторлари тайёрланди.

1987-1991 йиллар кафедрани профессор К.П.Паганяс бошқарган. У профессор К.М.Мирзажонов билан биргаликда «Ерларни эрозиядан ва дефляциядан муҳофаза қилиш» номли китобни нашр этди.

1991-2013 йилларда кафедрага профессор О.Рамазонов, доцентлар К.О.Эгамқулов, Э.А.Зиёмуҳамедов, Н.Б.Қашқаров, С.С.Бўриев, М.Т.Пирахуновлар мудирлик қилганлар.

Профессор О.Рамазонов кафедрадаги фаолияти давомида қўйидаги йўналишларда илмий-тадқиқот, аналитик таҳлил, ўқув-услубий ишларни олиб борган:

- республика чўл қисмидаги сугориладиган тупроқларнинг шўртобланиш сабаблари, шўртобланишнинг тарқалиши, унумдорлигини қайта тиклаш тадбирларини илмий асослаш (А.Ахатов билан ҳамкорликда);
- тупроқ шўрини камайтирадиган фитомелиорантлар самарадорлигини ўрганиш (С.Нигматий билан ҳамкорликда);
- сув танқислиги асоратларининг олдини олиш ва мавжуд сув заҳираларини ошириш йўлларини илмий асослаш (В.Насонов билан ҳамкорликда);
- сугориладиган дехқончилик минтақаси тупроқларининг экологик-мелиоратив ҳолати ва уларни сув танқислиги шароитида мақбуллаштиришнинг концептуал асослари ва тамойилларини яратиш (В.Насонов билан ҳамкорликда);

- аграр соҳа йўналишлари бўйича олий малакали илмий, илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг аҳволи ва истиқболлари (Р.Тиллаев билан ҳамкорликда);

- “Тупроқшунослик ва дехқончилик” фанидан дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш.

Кафедра доценти Абдусамат Ахатов 2003 йил февраль ойидан ТИҚҲММИ «Тупроқшунослик ва дехқончилик асослари» кафедрада катта ўқитувчи лавозимида иш бошлаган. У кафедрада ўқитиладиган “Тупроқшунослик ва дехқончилик”, “Ландшафтшунослик” ва “Тупроқ ресурслари ва улардан фойдаланиш” фанларидан назарий ва амалий машғулотларни олиб борган. Илмий-педагогик фаолияти давомида 100 дан ортиқ илмий мақола ва 10 дан ортиқ услубий қўлланмалар чоп эттирган. 2004 йилдан бошлаб кафедрада «Суғориладиган ерлар унумдорлигини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилишининг услубий асосларини яратиш» мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб борган. 2015 йилда “Тупроқ ресурслари ва улардан фойдаланиш” фанидан ўқув қўлланма чоп эттирган. Ҳозирги вақтда “Шўртобланган гидроморф тупроқлар унумдорлигини ошириш” мавзуидаги монографияни чоп эттирган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказининг Амалий ва илмий тадқиқотларни бажариш бўйича Давлат гранти танлови ғолиби: ҚҲА-7-350 сонли «Ерлар ҳолатини баҳолашга доир мавжуд тупроқ шўртобланниш даражасини аниқловчи градация технологиясини ишлаб чиқишини такомиллаштириш», ҚҲА-7-073-I сонли «Шўртобланган гидроморф тупроқлар унумдорлигини ошириш технологиясини яратиш» мавзуидаги илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиб қелган.

2014-2015 йилларда “Тупроқшунослик ва дехқончилик асослари” кафедраси мудири лавозимида ишлаган.

2015 йил май ойидан кафедра мудири сифатида Салимжон Бўриев кафедрага раҳбарлик қилган. Бугунги қунда уни б.ф.н., доцент в.б. Обиджон

Хақбердиев юксак савияда бошқармоқда. Кафедрада бугунги кунда 1 нафар профессор, 2 нафар доцент, 1 нафар асистент, 1 нафар кабинет мудири ва 1 нафар лаборант фаолият қўрсатмоқда.

Доцент С.С.Буриев 2015 йилдан бошлаб профессорлар О.Рамазонов ва И.В.Массинолар илмий маслаҳатлари асосида “Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида анғизга экилган тезпишар маккажӯхорини этишириш агротехнологиясини яратиш” мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

Кафедрада иқтидорли талабаларнинг илмий жамияти ташкил этилган бўлиб, унда институтдаги деярли барча йўналишларда таълим олаётган бўлажак бакалаврлар тупроқшунослик, дехқончилик, умумий экология, биология ва биотехнология фанлари бўйича ўзларининг назарий ва амалий қўнилмаларини бойитмоқдалар.

Кафедра профессор – ўқитувчилари муентазам равишда хорижий ва республика журналларида илмий мақолалар, илмий-амалий анжуманларда маърузалар билан иштирок этиб келмоқдалар.

Кафедра профессор – ўқитувчиларининг ихтисослиги ва билим даражаси ҳозирги даврда юқори малакали бакалаврлар, илмий ходимлар тайёрлашга қўйиладиган талабларга етарли даражада жавоб беради.

2.6. “Олий математика” кафедраси

Кафедра 1934 йили ташкил этилган. Мехнат Қаҳрамони, Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, иирик олим ва фан арбоби Т.Н.Қори Ниёзий кафедрани ташкил этишининг асосий ташкилотчиси бўлган ва умрининг охирига қадар (1970й) унинг мудири сифатида фаолият олиб борган. Кафедрани ташкил этилишида ва уни хар томонлама ривожланишида, шунингдек унга юқори малакали педагог ва илмий кадрларни тайёрлашда унинг хизматлари бекиёсdir.

1972 йилдан 1982 йилга қадар ва кейинчалик ҳам узоқ йиллар кафедрани Т.Н.Қори Ниёзийнинг шогирди, етук педагог ва олим, профессор Э.Ф.Файзибоев бошқарган. Унинг раҳбарлиги ва раҳнамолигида кафедра ҳар

томонлама мустаҳкамланди, ҳақиқий олимлар бу ерга тўпланишиди ва кафедранинг гуллаб яшнаши учун тинмай меҳнат қилишиди. 1982 йилдан 1990 йилга қадар кафедрани доцент З.И.Илхомов бошқарган. Бу даврда ҳам кафедрада қатор муваффақиятли ишлар бажарилди.

Узоқ йиллар кафедрада доцентлардан А.С.Хабиров, У.Б.Бекмурзаев, Х.Р.Рахматова, Т.Қодирбековлар, катта ўқитувчилардан Р.Р.Раимов, В.А.Топорова, Д.Б.Турдиев, А.Ишонхўжаев, Н.М.Цирмиракслар баракали фаолият олиб борганлар.

Э.Ф.Файзибоев секин ўзгарувчан параметрли, чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламаларнинг баъзи масалаларини ўрганиш билан шуғулланди. Кейинчалик Э.Ф.Файзибоев умумлашган чизиқсиз дифференциал тенгламалар билан шуғулланиб, бундай тенгламаларнинг тақрибий ечимларини топиш усули ва бу ечимларнинг барча мумкин бўлган хоссаларини текширган.

Булардан ташқари чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламаларнинг ечимлари мавжудлиги, ягоналиги, чегараланганлиги, тебранувчанлиги ва турғунлиги ҳақидаги масалаларни ўрганиш жараёнида Э.Ф.Файзибоев томонидан муҳим натижалар қўлга киритилган. Э.Ф.Файзибоев 1963 йили Киев шаҳрида Украина ФА Математика ва Кибернетика институтларининг бирлашган ихтисослашган Илмий Кенгашида физика-математика фанлари номзодлиги бўйича диссертациясини ҳимоя қиласди. 1966 йили Олий математика кафедраси бўйича доцент илмий унвонини олади. Э.Ф.Файзибоев 1991 йили илмий ва услубий ишлар натижасига кўра профессор илмий унвонига сазовар бўлди.

Э.Ф.Файзибоев дифференциал тенгламалар йўналишидаги илмий ишларини, юқори малакали инженерлар тайёрлаш борасида ёзилган дарслик ва илмий-услубий кўрсатмаларни ривожлантириш билан бирга жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Шу маънода унинг 1981-88 йиллари «Умуминженерлик» факультети декани, 1991-97 йиллари

«Умуминженерлик» ўқув маркази бўйича ректор мувонини ва «Нуронийлар» кенгаши раиси лавозимидағи меҳнатларини айтиб ўтиш мумкин.

Бу хизматлар юксак баҳоланиб, у бир неча маротаба фахрий ёрлиқ «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» унвони, «Ўзбекистон сув хўжалиги аълочиси» нишони, “ТИҚҲМИИ да хизмат кўрсатган профессор” унвони ва «Устоз» жамғармасининг фахрий дипломи билан тақдирланган.

Э.Ф.Файзибоев томонидан иккита ўқув қўлланма (1.Интеграл ҳисоб курсидан амалий машғулотлар. Тошкент «Ўқитувчи» -1982. Э.Ф.Файзибоев, Н.М.Цирмиракис. 2. Олий математикадан мисол ва масалалар тўплами , Тошкент «Ўқитувчи» -2005. Э.Ф.Файзибоев, Сулайменов, Б.А.Худаяров), шунингдек 80 дан ортиқ илмий ва методик ишлар чоп этилган.

Кафедра профессори Бахтиёр Алимович Худаяров 1989 йили «Ёпишқоқ-эластик пластина ва цилиндрик панелининг чизиксиз флаттери» мавзусида номзодлик ва 2008 йили Украина Миллий фанлар академияси (Киев шаҳри) Кибернетика институти қошидаги ихтисослашган Илмий Кенгашда 01.05.02. – «Математик моделлаштириш ва сонли методлар» ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган ва 2009 йил ЎзР ОАК томонидан ностирификация қилинган. Б.А.Худаяров АҚШ Халқаро Кибернетика институтида ўтказиладиган Халқаро конференцияларининг эксперт гурӯҳ аъзоси. Унинг битта ўқув қўлланмаси ва 100 дан ортиқ илмий ва методик ишлари, жумладан 10 дан ортиқ илмий мақолалари инглиз тилида нуфузли ҳорижий журналларда, 30дан ортиқ илмий мақолалари Россия, Украина ва Армения Фанлар Академияси журналларида чоп этилган. Кейинги йиллари профессор Б.Худаяров раҳбарлигидаги кафедра профессор ўқитувчилари Халқаро “Скопус” базасига киритилган илмий журналларда илмий мақолалар чоп этиш бўйича институтда пешқадамлар сафида боришишмоқда.

Кафедрада бугунги кунда 15 нафар профессор ўқитувчилар ёшларга олий математика фанидан юқори савияда дарс бериб келмоқдалар. Булар:

доцент В.Вахобов, А.Рахматиллаев, О.Кўчаров, Ш.Лакаев, М.Атамирзаев, катта ўқитувчилар: Н.Сапарбаева, Б.Нормўминов, Х.Комилова, Ф.Тўраев, асистентлар: М.Хидоятова, Х.Холтўраев, Қ.Жуванов, А.Абдуллаевлардир. Улар талабаларга олий математиканинг сир асрорлари ни ўргатишлари билан бир қаторда ўзлари ҳам катта муваффакиятлар билан илмий тадқиқот ишларини бажармоқдалар, гурух мураббийлари сифатида академик гурухларда тарбиявий ишлар олиб бормоқдалар

Математиканинг техник конструкциялашда, қурилишда, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида ҳамда иқтисодий социал жараёнларда аҳамияти ошиб бормоқда. Математик моделлар ва информатиканинг иқтисодий система ва жараёнларда биргаликда ишлатилиши математик моделлаштиришни актуал масалалардан бири қилиб қўйди.

Кафедра ўқитувчилари томонидан қишлоқ хўжалик техникалари ва бошқа механизмларнинг ишончли, узок ишлашларини таъминлаш ва ишлаш жараёнларини математик усуллари ёрдамида механизмлар тўхтовсиз ишлаш кўрсаткичлари ва ишдан чиқиши эҳтимоллари баҳоланади.

Инженерлик маслаларини математик моделлаштириш ва уларни ечиш усуллари Э.Ф.Файзибоев, доцент Б.И.Крамаровский томонидан ёзилган «Составление дифференциальных уравнений прикладных задач» мавзусидаги услубий қўлланмада кўрсатилган. Бу қўлланманинг агротехникия йўналишдаги талабалар магистрант ва аспирантлар учун аҳамияти каттадир.

Маълумки, қишлоқ хўжалик техникаларининг кўпгина қисмлари пластиинка ва стерженлардан иборат бўлиб, уларнинг тебраниш ва турғунлиги масалаларини ўрганиш учун кафедранинг бугунги раҳбари, т.ф.д., профессор Б.А.Худаяров томонидан бир нечта дастурлар яратилган. Дастурлар учун ЎзР ДПИ томонидан алгоритмик учта патент олинган. Бу дастурлардан институт аспирантлари ўз илмий ишларини бажаришда фойдаланиб келмоқда.

Институтимиз олдида қишлоқ ва сув хўжалиги учун зарур бўлган малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси туради. Худди шу муштарак мақсад йўлида кафедра томонидан охирги 25 йил ичида 90 дан зиёд методик ишлар нашр этилди.

Кафедра аъзолари ўзларининг илмий педагогик билим ва маҳоратларини ошириб бориш мақсадида хорижий ва Республикализнинг кўпгина илм фан даргоҳларида унумли ишлаётган таникли олимлар билан доимий алоқа ўрнатганлар. Жумладан Волгоград архитектура-қурилиш университети (Волг АҚУ), Украина МФА Кибернетика институти ва Г.Е.Пухов номидаги энергетикада моделлаштириш муаммолари институти билан ҳамкорлик шартномалари мавжуд. Шартномага кўра кафедра профессори Б.А.Худаяров ВолгАҚУ профессори Н.Г.Бандурин билан ҳамкорликда битта алгоритмик дастур яратган ва Россия даврий журналларида ҳаммуалифликда илмий мақолалар чоп этган. Украина МФА Г.Е.Пухов номидаги энергетикада моделлаштириш муаммолари институти бўлим бошлиғи т.ф.д, проф. А.Ф. Верлан, кафедра мудири Б.А.Худаяровнинг докторлик диссертацияси бўйича илмий маслаҳатчи бўлган ҳамда муаллифликда илмий мақолалар чоп қилинган.

Кафедра жамоаси институтимизнинг бошқа кафедра жамоалари қатори ҳар томонлама салоҳиятли мутахассислар тайёрлашда ўзларининг билимларини куч ғайратларини аямасдан меҳнат қилмоқдалар. Халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришда, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш учун етук мутахассислар тайёрлаб беришда, Президентимиз олиб бораётган сиёsatни қўллаб қувватлаб ва Хукумат қарорларини, вазирлик ҳамда институт раҳбарининг буйруқ ва фармойишларини бажаришда «Олий математика» кафедраси жамоаси ўз муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Шундай қилиб биз юқорида “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультети, унда фаолият кўрсатаётган кафедраларнинг босиб ўтган йўли, уларда ўз вақтида меҳнат қилган ҳамда ҳозирда ҳам фаолият кўрсатиб

келаётган олимлар, устозларнинг хаёт-фаолияти тўғрисида қисқача тўхталиб ўтдик, холос. Хеч муболагасиз хулоса қилиш мумкинки, факультетни ташкил этишда, уни риножлантиришда, ер тузиш, ер кадастри, геодезия ва геоинформатика йўналишлари бўйича замонавий ўқув марказига айлантиришда биринчи кунидан то хозиргача меҳнат қилган хамда бугунги кунда хизмат қилаётган хар бир ходимнинг ўз ўрни бор.

2.7. Сиртқи таълим

Кундузги таълим билан бир пайтда факультетда ва умуман институтда сиртқи таълим асосида мутахассислар тайёрлашга ҳам ўз вақтида катта аҳамият берилган. Тарихий маълумотлар шуни кўрсатадаики, институтда 1954 йили собиқ иттифоқ қишлоқ хўжалик вазирлигининг буйруғи билан сиртқи факультет ташкил этилган. Уда асосан тўтрта мутахассислик-қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация, гидромелиоратив ишларни механизациялаш ва ер тузиш мутахассислари бўйича кадрлар тайёрланана бошланди. Ушбу йили факультетга умумий 200 нафар талаба қабул қилинган, ер тузиш мутахассислигига эса-25 нафар талаба қабул қилинган. 1958 йили қабул режаси икки баробарга ўси. Аста-секинлик билан сиртқи факультетда ҳам мутахассислар сони, табиийки талabalар сони ўсиб борди ва 80-йилларнинг бошига келиб қабул режаси 1000 нафарга етказилди.

Ўқишини сиртқи таълим талабларининг доимий яшаш жойларига яқинлаштириш мақсадида 1965 йили Самарқанд, Қарши, Янгиер, Нукус, Кўқон шахарларида ўқув-маслаҳат пунктлари (ЎМП) ташкил этилди. Сиртқи таълим талabalарининг аксарият қисми қишлоқ ёшларини ташкил этганлиги боис, ушбу ташкил этилган ЎМП ўқишини талabalарнинг доимий яшаш 1975 йили жойларига амалий жихатдан яқинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарши ва Янгиер шахарларида институтнинг кундузги-сиртқи филиалларини очилиши билан бу ердаги ЎМП тутатилди. 1979 йили институт ректорининг ташаббуси билан сиртқи факультет тутатилди ва унинг барча ваколатлари факультетларга берилди. Бунинг натижасида ушбу

йилдан бошлаб, жумладан кундузги “Ер тузиш” факультетида ҳам сиртқи бўлим ташкил этилди.

Факультетда сиртқи бўлим ташкил этилиши бир томондан, уни ҳар томонлама ривожланишида муҳим омил бўлган бўлса, иккинчи томондан, ўрта маҳсус малакага эга бўлган ёки кундузги бўлимда ўқиш имкониятларига эга бўлмаган ёшларни, ишлаб чиқаришдаги мутахассисларни факультетда таълим олишларига имкон яратди.

Институт сиртқи факультетини биринчи раҳбарлари доцент А.Машков, В.В. Булкинлар бўлишган. 1965 йили институтда сиртқи таълим бўйича проректор лавозими жорий этилган. Ушбу лавозимда узоқ йиллар фаолият юритган М.И.Мурадовни институтда сиртқи таълимни ривожлантиришдаги ҳиссаси жуда катта бўлган. Факультетда эса сиртқи таълимни ривожлантиришда, уни моддий-техника базасини юксалтиришда, ўкув-услубий таъминотини яхшилашда профессор П.К.Татур, доцент А.Т.Абдураззоқов, доцент Р.А.Сафагариев, профессор А.С.Чертовицкийларнинг хизматлари катта бўлган.

Факультетдаги сиртқи таълим ўтган асрнинг 90 йилларида тутатилган эди, декин замон талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб яна 2017 йилдан бошлаб институтда “Иккинчи мутахассислик” сифатида, бир йилдан кейин эса умумий талаблар асосида, ишлаб чиқариш корхоналарининг талаблари асосида “Ер кадастри ва ердан фойдаланиш” бакалавриатура йўналиши бўйича яна сиртқи таълим ташкил этилди. Бугунги кунда сиртқи таълим асосида юқоридаги йўналишда 120 нафардан ортиқ талаба институтда таълим олмоқда.

Ўз фаолияти давомида факультетдаги сиртқи бўлим иқтисодиёт тармоқлари учун 2500 дан зиёт олий маълумотли ер-тузувчи мутахассислар тайёрлаган. Уларнинг аксарият қисми ўзларининг соҳаларида узоқ йиллар меҳнат қилгандар ва бугунги кунда ҳам эл-юрт фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

З-БОБ. ФАКУЛЬТЕТНИНГ БУГУНГИ ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксакмаънавият – енгилмас куч”асарида“Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиласиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим–тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир” деб таъкидлайдилар. Шу билан бирга ушбу асарда “Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлик” деб таълим-тарбия жараёнига алоҳида эътибор қаратган. Бу вазифалар, биринчи навбатда Республика иқтисодиётини ривожланишига ҳисса қўшувчи, келажак бунёдкорлари бўлишини, ёш авлодни билим олиш билан бирга юқори интизомли, рақобатбардош малакали мутахассис бўлишини ва ўз юрти, халқига ситқидилдан меҳнат қилишини, озод юрт равнақи ва баҳт-саодати учун ҳалол меҳнат қилишга ўргатишни назарда тутади. Зоро, мустақиллик айнан фидоий, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, ўз соҳаси бўйича юқори малакали кадрларнинг агросаноат мажмуасини, қишлоқ ва сув хўжалигини, ирригация ва мелиорация тармоғини бошқаришини тақозо этади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzalарида таълим соҳасида 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, таълим соҳасидаги устувор вазифалар тўғрисида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган. Маъruzada қелтирилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун факультетимизда ҳам билимли, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш устувор масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, таълим, фан ва ишлаб чиқаришни узвий боғлаш, таълим тизимининг барча соҳаларини босқичма босқич изчил амалга

оширишни, аграр соҳага қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беришни, ҳар томонлама баркамол ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашни, бугунги кун талаби даражасида янги давлат таълим стандартлари, ўқув режалар, фан дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишни ва ҳаётга тадбик этишни талаб этади.

Факультет жамоасининг бугунги кундаги асосий иш фаолияти – Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳамда Президентимиз маъruzаларида белгиланган вазифаларга мувофиқ баркамол ёшларни тарбиялаш, ўқув жараёнини маънавий-маърифий ишлар билан узвий боғлаб олиб бориш, талабаларнинг ижодий дунёқарашни такомиллаштириш, Ватанга садоқат рухида тарбиялаш, қишлоқ ва сув хўжалигини ислоҳ қилиш талабларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлашга қаратилган.

3.1. Ўқув ишлари

Бугунги кунда факультетда «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори»га киритилган учта 5410700 – Ер тузиш ва ер кадастри, 5311500- Геодезия, картография ва кадастр, 5111000 – Касб таълими (Ер тузиш ва ер кадастри) йўналишлари бўйича бакалаврлар ва иккита 5A410701 «Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш», 5A311510 «Геодезия ва картография» (сув хўжалигида), 5A311510 «Геодезия ва картография» (геоинформатика) мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Факультетда 2019-2020 ўқув йилида жами талабалар контингенти 790нафарни(шу жумладан қизлар 158 нафар, 20,0%); бошқа вилоятлардан келиб ўқиётганлар 490 (69,8%) охирги ўқув йили битирувчилар сони: бақалаврлар 163нафар, магистрантлар 22 нафарни ташкил этган.

Факультетга бириктирилган «Геодезия ва геоинформатика» (ГвАГИ) – кафедрасига доцент Р.Ойматов, «Ердан фойдаланиш» (ЕФ) – кафедрасига А.Бабажанов, “Давлат кадастрлари” (ДК) кафедрасига доцент Қ.Рахмонов, “Тупрокшунослик ва дехкончилик” кафедрасига б.ф.н., доц.в.б.

О.Хақбердиев, «Олий математика» кафедрасига т.ф.д., профессор Б.Худоёровлар мудирлик қилмоқдалар. Кафедраларда бакалавриатура бўйича 56та, магистратура бўйича 18 тафандан машғулотлар ўтказилади.

Кафедраларда жорий ўкув йилида 59,5 та штат бирлигидага профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатди. Шулардан 54 таси асосий штатда(шу жумладан аёллар 12 нафар (19,3%)). Асосий штатдагилардан 8 нафари (14,0%) \ фан доктори-профессорлар, 11 нафари (19,2%), фан номзоди-доцентлар, 13 нафари (25,8%), катта ўқитувчилар, 22 нафари (40,9%), ассистент ўқитувчилар.

Кафедраларда охирги 3 йилда 54нафар (100%), шу жумладан чет давлатларда 9 нафар профессор ўқитувчилар ўз малакаларини оширганлар; жорий йилда факультетда 2 нафар катта илмий-ходим изланувчи ва 12 нафар мустақил тадқиқотчи фаолият кўрсатмоқда.

Талабалар олган назарий билимларини баҳолаб бориш асосан рейтинг тизими асосида амалга оширилади. Кейинги йиллари институт раҳбариятининг сайд-харакатлари билан факультетдаги барча ўқиш жараёнини назорат қилиш, талабалар олган билимларини умумий тарзда кузатиб бориш мақсадида республика интернет тармоғида электрон журналларни олиб бориш йўлга қўйилган. Ўқиш жараёнини муваффақиятли олиб бориш кўп жихатдан тарбиявий ишларнинг холатига боғлиқдир. Буни қалдан ҳис қилган факультет раҳбарияти, ундаги кафедралар, профессор-ўқитувчилари груп мураббийлари сифатида юқори савияда тарбиявий ишларни олиб боришни йўлга қўйишган. Факультетдаги ўкув ва тарбиявий ишларни самарали ташкил этишда декан ўринбосарлари, хусусан М.Акбаров, В.Ахмадалиев, А.Пардобоев ва А.Жўраевлар катта роль ўйнамоқдалар.

Талабалар билим даражасини оширишда, уларни касбга бўлган қизиқишиларини кўтаришда факультетда ташкил этилган “Устоз-шогирд” тизими муҳим ахамиятга эга бўлмоқда. Хусусан, факультетнинг юқори курс талабалари (3,4 курс) нинг барчаси ушбу тизим асосида мутахассислик (чиқарувчи) кафедраларнинг етук профессор-ўқитувчиларига бириктирилган.

Талабалар ўқишдан бўш пайтларида ўз раҳбарлари билан касб сирларини ўрганадилар, илмий мавзуларда иш олиб борадилар. Айнан шунга боғлиқ равиша факультетда “Ёш ер тузувчи” (раҳбар-катта ўқитувчи С. Р. Шарипов), “Ёш кадастрчи” (раҳбар –доцент Қ.Р.Рахмонов), “Ёш геодезист”(раҳбар -катта ўқитувчи М.Ражабоев ва асистент Ў.П.Исломов)лар тўгараклари фаолият юритмоқда. Институт қошидаги ҳарбий кафедрада 2014- 2015 ўқув йилидан бошлаб янги, “Ҳарбий топография” йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бугунги кунда ушбу йўналишда факультетнинг 3 курсидан 42 нафар талабалар билим олишмоқда.

Факультетда талабалар мутахассислик фанларини чуқур ўрганишлари билан бир қаторда чет тили инглиз тилини ўрганишга ҳам катта эътибор қаратмоқдалар, негаки ушбу факультетни тугатиб чет мамлакатларга, айниқса Европа давлатларига бориб магистратурада, қолаверса доктарантурода маҳсил олаётган собиқ талабаларимиз талайгина. Шу сабабли, мана 2-3 йилдирки илгор талабаларимиз ҳаттоки малакавий ишларини ҳам инглиз тилида тайёрлаб инглиз тилида ҳимоя қилмоқдалар. Буларга Икромхўжаев F. (раҳбари Хафизова З.Х), Тўлаганов Ш. (раҳбари кат.ўқит. Хафизова З.) ва Халимов М.(раҳбари Хафизова З.Х)ларни мисол келтириш мумкин. Ўқиш жараёнида ўзларини аъло билимлари, жамоат ишларидаги фаоллиги, илмий тадқиқотлар олиб бориш савияларини юқори даражада намоён қилган талабалар турли номдор стипендиларга сазовор бўлишмоқда. Хусусан, факультетнинг 4 курс талабаси Жўраева Гулбахор 2013-2014 ўқув йилида Президент Давлат стипендиясининг соҳиби бўлган.“Ер русурслариданфойдаланишни бошқариш”мутахассислиги 2 курс магистранти Жумаев Дилмурод 2013- 2014 ўқув йилида Президент Давлат стипендиясининг соҳиби бўлган. 2014- 2015 ўқув йилида эса 4 курс 8 гуруҳ талабаси Аминова Севара Республика Касаба уюшмаси стипендиясига 4/8 гуруҳ талабаси Усмонова Хурсаной Навоий номли давлат стипендияси 2015- 2016 ўқув йилида, Норбоева Дишода Беруний номли давлат стипендияси 2018 2019 ўқув йилида сазовор бўлган. Искандаров Нурсултон 2018 2019

ўқув йилида И.Каримов жамғармаси орқали Германияга магистратурага танлов ғолиб бўлди ва бугунги кунда ушбу давлат университетида магистратурада тахсил олмоқда. Ушбу рўйхатни давом эттириш мумкин. Демак булардан қўринадики, факультет талабаларини билим олишга бўлган иштиёқи, ушбу касбни эгаллашга бўлган интилишлари анча юқоридир. Ўқиш жараёнида 4 курс талабалари томонидан малакавий битирув ишларини бажариш ҳамда уларни юқори даражада ҳимоя қилишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Малакавий битирув ишларига чиқарувчи кафедраларининг юқори малакали профессор –ўқитувчилари, соҳага оид ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари раҳбарлик қилишади. Бажарилаётган битирув ишлари кафедралар мудирлари ва факультет деканати томонидан доимий назоратда бўлади. Шуни қайд қилиш зарурки, факультетдаги барча битирув ишлари реал объектлар бўйича, бугун ишлаб чиқаришда долзарб бўлган мавзулар асосида бажарилмоқда. Ҳар йили улардан 10 дан ортигини ДАК ишлаб чиқаришга тавсия қилмоқда. Малакавий битирув ишларининг химояси кўпгина холларда соҳанинг йирик ташкилотларида, улардаги мутахассисларни жалб қилган тарзда ўтказилади. Кейинги йиллари Давлат Аттестацияси Комиссиясининг раиси сифатида “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасидан, “Ўздаверлойиха” илмий лойиҳалаш институтидан етук мутахассислар жалб қилинмоқда. Юқоридагилар билан бир қаторда, факультетда ўқув жараёнини замон талабларига мос ташкил этиш мақсадида унинг моддий- техника базаси тубдан яхшиланди. Хусусан, ўқув хоналари ва маъруза заллари тубдан қайта таъминланди, мебеллар билан жихозланди, ҳар бир хонага проекторлар ўрнатилди, компьютерлар қўйилди. Профессор – ўқитувчилар томонидан барча маъруза ва амалий дарслардан тўла электрон слайдлар, “тақдимнома”лар тайёрланди. Шулар билан бир қаторда, мутахассислик кафедралари, айниқса “Геодезия ва геоинформатика”кафедраси Халқаро Темпус лойиҳасининг кўмагида энг замонавий геодезик ўлчов асбоблари (электрон тахеометрлар GPS – тизимлар, лазерли сканер, лазерли рулеткалар,

невелирлар ва бошқалар) билан таъминланди. Буларнинг барчаси, сўзсиз ўқув жараёнини такомиллаштиришда мухим омил бўлди.

3.2. Маънавий-маърифий ишлар

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, заарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Маънавий-маърифий ишларнинг таъсиранлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан қўмаклашиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий ҳамда маънавий соҳаларда олиб борилган яратувчанлик ишлари давлат ва жамият ривожини таъминлашда мухим омил бўлди. Бугунги кунда маънавиятнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг ижтимоий онг, иқтисодий тафаккурдаги ўзгаришлар, глобаллашув жараёни, миллий ва умумбашарий қадриятлар билан узвий боғлиқлиги, азалий қадриятларимизга ёт бўлган бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши мустаҳкам тўсиқ экани билан боғлиқ масалаларни ўрганиш мухим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, мамлакатимизда истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб кўпгина энг мухим ва устувор масалалар қатори ёшлар тарбиясига, хусусан, ҳар

томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишига ҳам алоҳида эътибор берип келинмоқда. Мұхтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “**Биз учун ҳар доим долзарб бўлиб келган яна бир ўта муҳим масала борки, унга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан. У ҳам бўлса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз, фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқдир**”. Тарбия ва тарбияланганлик инсоннинг маънавиятини белгилаб беради. Маънавият ёшларнинг парвозини таъминлайдиган, уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшадиган қанот эканини унутмаган ҳолда, ёшлар ўртасида фаол маънавий-маърифий иш олиб бориш, уларни Ватанга муҳаббат, юрт истиқтолига садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифага айланмоқда.

Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида ана шу йўналишлар бўйича кенг кўламли ишлар изчил амалга оширилди ва салмоқли натижаларга эришилди. Айниқса, бугунги ва эртанги ҳаётимизни белгилаб берадиган, барча эзгу орзу-интилишларимизни амалий ҳаёт жабҳасида рўёбга чиқарадиган ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш масаласи борасида қилинаётган ишларнинг миқёси ва салмоғи беқиёс. Бу ҳам ёшларга, уларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга бўлган эътиборнинг амалий бир қўриниши экани шубҳасизdir.

Факультетда маънавият-маърифат борасидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги “Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони, 1996 йил 9 сентябрдаги “Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 24 июлдаги “Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш

тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сонли “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, шунингдек, вазирликнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари ва институт ректори буйруқлари асосида амалга оширилмоқда. 2018 -2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузаларини ўрганишга, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг маънавий-маърифий масалалар бўйича қабул қилган ҳужжатларини институт жамоаси ҳамда талабаларига ўз вақтида етказиш, мазмун-моҳиятини тушунтириш ва уларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Маънавий ва маърифий ишлар дастурининг асосий мақсади институтда ижтимоий муҳитнинг мувозанатини таъминлаш, талабаларни ватанпарварлик ва ўзхалқига муҳаббат руҳида, мустақил республиканизмнинг ички ва ташқи сиёсатини яхши тушуниб етадиган комил инсонни тарбиялашга ва ўқув режасига киритилган ижтимоий-гуманитар ҳамда мутахассислик фанларини чуқур ўрганишга ва яхши ўзлаштиришларига қаратилган.


Факультетнинг Маънавий ва маърифий ишлар режаси ва дастури институтни маънавий-маърифий дастурида тавсия этилган маънавий-маърифий ишларни инобатга олган ҳолда декан ва декан муовинлари шу жумладан, ўқитувчилар ва устоз-мураббийларнинг аниқ ва табақалаштирилган вазифалари асосида тузилади. Маънавий-маърифий режаларни бажарилиши декан муовинлари, кафедра мудирлари ва жамоат ташкилотлари билан ўtkaziladigan йиғилишларда ва факультет, жамоат ташкилотлари раҳбарларининг ҳисботларида қайд қилиб борилади. Ўтказилган тадбирларнинг асосий қисми баённомаларда ҳамда маҳсус журналларда қайд этилади.

Институтнинг Маънавий ва маърифий тадбирлари ойлиги бўйича ҳаракат дастурига мос равиша факультетнинг Маънавий ва маърифий тадбирлар дастури ишлаб чиқилади ва ушбу дастур бўйича факультетда турли тадбирлар, сухбатлар, учрашувлар ва музей ҳамда театрларга ташрифлар ташкил этилди.

Факультет таркибида 2 та бакалавриат таълим йўналишлари мавжуд бўлиб, 39 нафар академик гурӯхларида кураторлардан 9 нафар доцентлар, 11 нафар катта ўқитувчилар, 22 нафар асистент ва 5 нафар стажёр ўқитувчилар мураббийлик қилишмоқда, катта ўқитувчи А.Муқумов бош мураббий. Ҳозирги кун ҳолатига кўра факультетда 790 нафар талаба-ёшлар тахсил олайпти.

Факультетнинг академик гурӯхларида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб бориш учун устоз-мураббийлар тайинланади ва институт ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Улуг байрам, яъни мустақиллигимизнинг шонли санаси арафасида ва янги ўқув йили олдидан янги замонавий ўқув биносининг очилиши чинакам маънода янгилик ва яхшиликнинг шарофати дейиш мумкин. Таълим учун яратиладиган шароит порлоқ истиқболнинг самарасидир. Замонавий билимларни эгаллаш, бу эл-юрт хизматида камарбаста бўлиш демакдир. Юртбошимизнинг бирдан бир ишончи ва умиди ҳам шу. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан Ер ресурсларини бошқариш факультетида жорий йилнинг 30 август куни 600 ўринли Янги замонавий ўқув биноси топширилиши факультет жамоасига, хусусан, унда тайёрланадиган бўлғуси ёш мутахассисларга бўлган ишонч туйғусининг эътирофи сифатида қараш зарур..





Ер ресурсларини бошқарши факультетини янги ўқув биносини очилиши маросими 2019 йил

Янги ўқув йилида ўқишига кирган талабалар сони 175 нафарни ташкил қилди. Булардан тўлов контракт асоси кирган талабалар сони 138 та, Давлат гранти асосида 37 нафар талаба қабул қилинди. Шундан қиз болалар сони - 31, ўғил болалар сони эса - 144 тани ташкил қиласди. Янги ўқув йилида қабул қилинган талабаларга гурӯҳ мураббилиари тайинланиб, Биринчи курс мактаби, институт билан таништирув дасрлари ўтилди. Биринчи курсларга институтнинг олий таълим муассасасининг одоб ахлоқ қоидалари тўғрисидаги тўпламлар, институтнинг тарихи тўғрисида маҳлумотлар тарқатилди. Мустақил дарсликлар ўтилди. Институтнинг ички тартиб қоидалари тўғрисида тушунчалар берилди. Шунингдек янги ўқув йили бошланиши муносабати билан институтимиз ректорининг буйругини бажариш мақсадида факультетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан "Биринчи курс мактаби" тадбирлари доирасида фойдаланиши учун "Институтда таълим олишни ўрганамиз" мавзусида биринчи курс талабаларига очик дарслар ва

тренинглар ташкил этилди. Ёшлар маънавиятини юксалтириш мақсадида 7-сентябр куни факультет профессор-ўқитувчилари ва биринчи курс талабалари билан Пойтахтимизда жойлашган Темурийлар музейига ташриф буюришиди. Ташрифдан мақсад ёшларни ўз тарихини билиш, миллий ва умумбашарий қадриятларимизни авайлаб асрар каби инсоний меҳр-муҳаббатни қалбига мустаҳкамлашдир.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташабbus мазмуни ва уни амалиётга жорий этиш афзалликлари ҳақида тушунчаларни ривожлантириш, шунингдек, Биринчи ташабbus ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишиларини ошириш мақсадида жойларда талаба-ёшлар ўртасида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири институтимизнинг яқинда топширилган янги ўқув биносида бўлиб ўтди. Таниқли қизиқчи, табиб, актёр ва қўшиқчи Шерқўзи Ғозиевнинг номини эшитган кекса ҳамда ўрта авлод вакилларининг лабида табассум жилва қилса ажаб эмас. У ўз вақтида ичакузди ҳангомалари, юморга бой қўшиқлари билан юртдошларимиз юрагидан жой олган. Жорий йилнинг 6 сентябрь куни “Ер ресурсларини бошқариш” факультетида талабалик баҳтига эришган 1 курс талабалари ушбу ижодкор билан яқиндан учрашиш баҳтига мұяссар бўлишиди. Шунингдек жорий йилнинг 14-сентябрида факультетининг 2-3-босқич талабалари билан биргалиқда “Одоб-ахлоқ, кийиниш маданияти”

мавзусида умумий йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда факультет декани Ш.Нарбаев ва институтнинг хотин-қизлар кенгашининг раиси Ҳафизова Зулфия сўзга чиқиб, талаба қизларга институтнинг ички тартиб интизомига



риояқилиш ва одоб-ахлоқ тўғрисида гапириб ўтдилар. Талабалар аудиторияларда қандай қилиб ўзларини тутишлари кераклигини, талаба учун қилинган формаларда келишлари тўғрисида тушунтириб, керакли маслаҳатларини беришдилар.



Ҳар йили қишки таътил қунларида профессор-ўқитувчиларни маданий ва спорт ишларига жалб қилиш мақсадида институтда ташкил этилаган “Мини футбол”, “Стол тениси” ва “Шахмат” бўйича мусобақаларда факультет жамоаси фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Устоз деганда, ҳар қайси инсон қўнглида чуқур ҳурмат - эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан

ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Устозларимиз ўгити, кексаларимиз панд-насиҳатларига амал қилиб борсак, асло кам бўлмаймиз. Бу билан устоз ва мураббийларимиз олдидаги илк бурчимизни адо этган бўламиз. факультет Ёшлар иттифоқи етакчиси ҳамда факультетимизнинг иқтидорли ташаббускор талабалари билан эрта тонгдан факультет биноси кириш қисмида барча устозларни кўтаринки руҳда кутиб олишди. “Устознинг умри - мангув, чунки шогирдлар умри унга уланади”, - дейди. Ҳа, жуда ҳам тўғри фикр. Муаллим - устоз шундай мўътабар зотки, унинг номи ҳам, умри ҳам ҳамиша боқийдир. Шу мунолсабат билан факультетимиз анжуманлар залида “Таъзим сизга, устоз-у мураббийлар!” деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда барча профессор-ўқитувчиларни институтнинг Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Р.Чориев, институтимиз ректорининг табриклари ва эсадалик совғаларини топширишди. Хомий ташкилотлар, айнан шу муассасани тугатган, “Ўздаверлойиҳа” Республика илмий лойиҳалаш институтининг бош муҳандиси Обид Давронов, “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси директори Ш.Майинов ва “Геодезия ва картография” Миллий маркази директори Ўткир Имомқуловлар устозларини табриклади.





Инсон соғлиги, авваломбор ўзи учун муҳимдир. 2019 йил 4-октябрида “Ер ресурсларини бошқариш” факультети анжуманлар залида, Тошкент шаҳар аҳоли Репродуктив саломатлиги марказининг мутахассиси М. Азимова билан биргаликда “Репродуктив саломатлик тушунчаси. Соғлом турмуш тарзи ва унинг тушунчаси” мавзусида умумий йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда ЕРБ ва СХТЭБ факультетининг талаба қизлари ҳамда профессор - ўқитувчилари қатнашдилар. Йиғилиш жуда ҳам мазмунли ўтди. Талаба қизлар ушбу йиғилишда фаол қатнашиб, ўзларининг қизиқтирган саволларини беришди ва тегишли жавобларни олишди.



Жорий йилнинг 04 октябрь санасида факультетнинг барча курс талabalari гурух мураббийлари билан биргаликда "TASHKENT BOOK FEST – 2019" — И Тошкент халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси иштирок этишиди. У ерда талabalар китоб оламига саёҳат уюштириб, бир олам қувончга тўлиб қайтишиди. Дарҳақиқат бугун жамиятимизда китобхонликни ривожлантириш, мутолаа маданиятини такомиллаштириш борасида ҳар доимгидан бир неча

баробар кўп миқдорда самарали ишлар амалга оширилмоқда, ташвиқоттарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистонда ilk маротаба отказилаётган ушбу йирик маданий тадбирда турли мамлакатларда жумладан Буюк Британия, Германия, Қозогистон, Корея, Қиргизистон, Россия, Туркия давлатларидан нашриёт ва китоб савдоси ташкилотлари вакиллари иштирок этишмоқда. Ушбу кургазмада Ўзбекистондаги 30 дан ортиқ давлат ва хусусий нашриёт ҳамда китоб савдоси ташкилотлари ҳам маҳсулотларини намойиш этишмоқда. Талабалар жуда яхши таассуротлар билан қайтишди.



Факультет маъruzалар залида жорий йилнинг 8 ноябрь куни 1 курс талабаларга институт психологи М.Мухамедова билан танишиш ва уларга “Психологик хизмат” тўғрисида ахборот бериш мақсадида давра сұхбати ташкил этилди. Йиғилишга гуруҳ мураббийлари ҳам итштиорок этишди. Сұхбат аввалида психологи М. Мухамедова психологнинг вазифаси нималардан иборатлиги тўғрисида талабаларга призинтатсия қилиб маълумот бериб ўтди. Шунингдек сұхбат сўнггида барча талабаларнинг бир – бирларини яхши танимаганликлари учун “Танишув” тренингини ўтказди. Бунда ҳар бир иштирокчи ўз исми, позитив хусусиятларидан учтаси ва негатив хусусиятларидан учтасини айтиш кераклиги топшириғи берилди. Соат стрелкаси бўйлаб ҳар бир иштирокчи ўз яхши ва ёмон томонларини санаб ўтишди. Айрим талабалар ўз яхши хусусиятларини ҳам айта олишмади. Уларга “Ўз – ўзига баҳо”нинг пастлиги ва бу хусусиятларни ўстириш учун уларга психолог кўмаги лозимлиги айтиб ўтилди. Айримлари

ўлариниг ёмон хусусиятларини тан ола билганликлари мардлик эканлиги айтиб ўтилиб, мард инсон ёмон хусусиятларини йўқота олишга ирода кучи мажудлиги тушунтириб ўтилди ва бундай одатлардан воз кечиш усуллари хақида сўз юритилди. Тренингда барча талабалар фаол иштирок этишди.



Жорий йилнинг 11 ноябрь кунидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни ўзида қамраб олган "Ёшлар ҳафталиги - 2019" лойиҳасини дастури ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа асосида факультетнинг "Ёшлар ҳафталиги - 2019" йўл ҳаритаси ишлаб чиқилди ва факультет деканига тасдиқланди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти раҳбарияти ҳамда Ёшлар иттифоқи институт бошланғич ташкилоти ҳамкорлигига ташкил этилган, ушбу ҳафталик 2019 - йил 11-ноябрдан 17-ноябргача бўлиб ўтди. Ҳафталик бир неча танловлар асосида ўтказилиш режалаштирилди. Ҳафталикни 1танлови "Рассомчилик, дизайн, амалий санъат, қўлда ясалган буюмлар", кўргазмаси Б-ўқув биносида бўлиб ўтди. Унда ЕРБ факултетининг ижодкор, рассом талабаларимиз ўзларини санъат асарлари ҳамда қизларимиз қўлда меҳнати асосида яратган тақинчоқлари, тўқилган ажойиб кейимлари билан иштирок этишди. Ректоримиз бошчилигига бир гурӯҳ педагоглар талабаларнинг қўл санъати намуналарини кўриб баҳо беришди.



Кун ярмида "Ёшлар ҳафталиги - 2019" лойиҳаси институт раҳбарияти ҳамда фаол-иктидорли талабалар иштирокидаги йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирни



институт ректори, профессор Умурзаков Ўкташ Пардаевич ўз кириш сўзлари билан тантанали тарзда очиб бердилар. Устозимиз ўз нутқида бугунги кунда ёшларнинг жамиятдаги ўрни, ёшларга яратилган имкониятлар, юртбошимизнинг бешта мухим

ташаббусларини тарғиб қилиш, амалга ошириш барчамиз учун асосий вазифа бўлишини таъкидлаб ўтдилар. Очилиш маросими кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Сўнгра "Йил талабаси - 2019" кўрик-танловининг ғолиб ва иштирокчиларини тақдирлаш маросимига навбат берилди. "Йил талабаси - 2019" кўрик-танлови 7-номинация бўйича 1-2-3- ўрин соҳибларини институт ректори шахсан табрикладилар ва фахрий ёрлиқларни топширдилар. Ушбу "Йил талабаси - 2019" кўрик-танловида факультетнинг йилнинг билимдон талабаси номинацияси бўйича Нарбаева Дилшода ҳамда энг ижодкор талаба наминатсияси бўйича Жабборова Дилнозалар ҳам "Йил талабаси - 2019" танлови ғолиблари бўлиш баҳтига муяссар бўлишди. Сўнг 2-танлов ҳам бўлиб ўтди. Факультетнинг 2 та биринчи курс ва 1 та 3 курс талабаси ўз маҳоратларини "The cover up va Aktyor shou" иккитаси бирда мусиқий-кўрик-танловида кўрсатишли. Умуман олганда, барча жамоаларни 1-ўринга лойиқ деб биламиз. Лекин, шундай бўлсада барчаси нисбийдир. Лойиҳанинг 3-танлови "Карвин санъати, қовоқ сайли" деб номланган бўлиб, у лойиҳа талabalар тураг жойида бўлиб ўтди. Танлов қизиқарли тарзда ташкил этилди. Факультетитимиз жамоаси 2 ўринни қўлга киритишли. Спорт-соғлик гарови, унга муносабат мухим. Саломатлик ва кўтаринки кайфият ҳам, иш ва ўқиш унуми ҳам шунга боғлиқ. 12 ноябрь кунда 2-ташаббус бўйича танловлавлар бошланиб кетди. Унда факультетга қарашли талabalар тураг жойида декан муовинлари бошчилигига талabalар эрталабдан оммавий




тарзда чиқиб, оз бўлсада енгил машқлар билан шуғулланишиди. Кейин ўз-ўзидан волейбол, баскетбол, футбол ўйинлари Армрестлинг мусобоқаси бошланиб кетди.



Армрестлинг бўйича 4 вазн тоифасида

2-ўрин ЕРБ факультети талабаси С.Аббозов,
3-ўрин ЕРБ факультети талабаси А.
Мажидов, 2-ўрин ЕРБ факультети талабаси
С. Аббозов, 3-ўрин ЕРБ факультети
талабаси К. Шодмоновлар эгаллашди. Куннинг энг ажойиб спорт мусобақаси

қизлар ўртасида факультетлараро футбол
мусобақаси натижаларида 1-ўрин
факультетнинг ажойиб спорт севар
талаба-қизлариимиз эгаллашди. ТИР
отиш ўйини бўйича (йигитлар ўртасида):



факультетимиздан 3-ўрин 2-курс 2-гурух талабаси Жўрақулов Азим
эгаллади.

Лойиҳаси 3-куни, 3-ташаббус бўйича "Нима? Қачон? Қайерда?" номли
ўзгача услубда факультетлараро 6-шартдан иборат ўйин ўтказилди. Бу
ўйинни профессор-ўқитувчиларимиз талабалик вақтларида ўйнашган.
Уларни фикрини, талабаларни фикрини инобатга олиб, ўтказдик. Умумий
талабалар қамрови 320 дан ортиқ, яъни иштирокчилар, томошага келганлар
ва кузатганларни ҳисоблагандა. 1-шарт комъютерда жамоалар қизиқарли
саволларга жавоб беришли.

2-шарт бўйича институт кичик боғчасида топишмоқ ўйини ўтказилди.

3-шарт бўйича В бинода интернет маълумотлари асосида Кроссворд
ечиш ўйини ўтказилди.

4-шарт бўйича институт ҳовлисида А бино катта фонтан атрофида
чекланган иш қуролларидан фойдаланиб, ўз факультетини акс эттирадиган
расм чизиш, макет ясаш ўйини ўтказилди.

5-шарт мозайка йиғиши. Ушбу шарт талабалар турар жойида бўлиб ўтди. 1-ўрин 5 та шарт бўйича 198 бал ва 1000 талик мозаикани 100 % тера олган ягона иштирокчилар факультетимиз жамоаси қўлга киритди.

Танловнинг 4 кунида ёшларнинг илмий соҳага қизиқишларини қўллаб-кувватлаш, уларда янги техника-технологиялардан унумли фойдаланиб новаторлик имкониятларини намойиш этишга шароитлар яратиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида 14 ноябрь куни соат 10:00 да институт ректори томонидан тасдиқланган дастур асосида инновацион ишланма, лойиха ва макетлар кўргазмасини ташкил этилди. Бунда факультетдан Ахмедов Отабекнинг инновацион ишланмалари ҳам намойиш этилди.



Куннинг иккинчи ярмида илмий бўлим томонидан мақолалар танлови тақдимоти ўтказилди. Соат 16:00 да эса дастур бўйича мунозара-дебат ўйинлари бўлиб ўтди. Ушбу мусобоқада факультетнинг жамоаси ҳам иштирок этилди. Шунингдек куннинг якунида 3-талабалар турар жойида факультетларо Викторина ўйини ўтказилди. Бу танловда ҳам факультетимиз жамоаси 3-ўрини эгаллашди. Лайиҳанинг 5-куни ҳам 5-ташаббус бўйича бўлиб ўтди. Унда танлов дастури бўйича талаба-қизлар учун “Энг гуллаган ёшлик чоғимда” номли тадбир ўтказиш режалаштирилган. Жорий йилнинг 15-ноябрь куни факультет маъruzalар залида соат 10:00 факультет хотин қизлар



тақдимоти ўтказилди. Соат 16:00 да эса дастур бўйича мунозара-дебат ўйинлари бўлиб ўтди. Ушбу мусобоқада факультетнинг жамоаси ҳам иштирок этилди. Шунингдек куннинг якунида 3-талабалар турар жойида



кенгашининг раиси М.Сулаймонованинг “Хаёт йўлларига бир назар” мавзуси асосида давра сухбати бўлиб ўтди. Унда М.Сулаймонова 70

ёшда бўлишига қарамай факультет учун фидоийлигини, болалигини, талабалик даврларини, оналик баҳти ва набиралик баҳти, шу кунга қадар кўплаб чиқарган шогиртлари тўғрисида қизларимиз билан дилдан сұхбат қилди.

Шунингдек ҳафталик доирасида қизлар ўртасида Бадминтол бўйича мусобақаси ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек кун ярмида Рус гурӯҳ қизлар ўртасида “Креатив шов” мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада факультетимиз қизларимиз фахрли 1-ўрини эгаллашди.

Факультетлараро талаба-ёшлари ўртасида спортнинг “Волейбол” тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Мазкур мусобақада институтнинг “Ёшлар билан ишлаш бўйича” проректор Қ.Шавазов ҳамда “Жисмоний маданият ва спорт” кафедраси профессор ўқитувчилари, ҳамда факультетнинг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар. Мусобақада жисмоний тарбия ва спорт кафедра мудири ва ўқитувчилари хакамлик қилдилар. “Спорт бизни бирлаштиради” шиори остида ташкил этилган мусобақа юқори даражада бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада барча факультетлар орасидан 1-ўринни Ер ресурсларини бошқариш факультети ғолибликни қўлга киритди. Биз эса барча спортчиларга омад тилаб кейинги мусобақаларга муваффақиятлар тилаймиз.



“Волебол” тури бўйича мусобақаси тадбиридан фотолавҳалар

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 1 октябрь - “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмитанинг “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” умумхалқ байрами муносабати билан 28 - 29 сентябрь кунлари институт талаба - ёшлари ўртасида оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида, спортнинг футбол ҳамда волейбол турлари бўйича спорт мусобақаси кўтаринки руҳда ўтди.

Ушбу спорт мусобақасида Ер ресурсларини бошқариш факультети талabalari ҳам фаол иштирок этиб, мусобақа якунида ғолиб жамоалар институт Раҳбарияти томонидан диплом, кубок ҳамда эсталик совғалари билан тақдирланди.



**“1 октябрь - Устоз ва мураббийлар куни” байрамига багишиланган спорт мусобақасидан
фотолавҳалар**

27 декабрь куни факультетнинг иқтидорли талabalari ва профессор-ўқитувчилари, ҳамда институт ёшлар иттифоқи кенгаши фаоллари Республика онкология марказига «Янги йил, болаларга қувонч олиб кел» шиори остида болаларни янги йил билан табриклиш мақсадида ташриф буюришди.

Ушбу акцияни ташкиллаштиришда ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Қ.Шавазов, ЕРБ факультети маънавий – маърифий ишлар бўйича декан мувовини Ҳ.Эшова ҳамда ЕРБ факультети фаол талabalari А.Дадабаева ва М. Сирожиддинова ўз ҳиссварини қўшишди.



Республика онкология марказига хайрия тадбиридан фотолавҳалар

Ер ресурсларини бошқариш факультетининг профессор-ўқитувчилари, жумладан А.Бабажанов, И.Мусаев, А.Жуманов факультет декани Ш.Нарбаев ҳамда ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувонини Ҳ.Эшова ташаббуси билан “Мустақиллик” маҳалласи ҳамкорликда жорий йилнинг февраль, март апрель ойларида “Миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик фуқаролар ҳамжиҳатлигининг асоси”, “Маҳалла тизимида ёш оиласлар ва оиласвий муносабатлар”, “Маҳалла аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази” мавзулари давра сухбатлар ўтказилди. Айтиб ўтиш жоизки бугунги кунда Олий таълим муассасалари қатор ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларга таълуқли долзар мавзуларида турли хилдаги тадбирлар ўтказиб келинди.



Ер ресурсларини бошқариш факультетининг профессор-ўқитувчилари, жумладан А. Бабажанов, С. Шарипов, Н. Миржалолов факультет декани Ш.Нарбаев, ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувонини X. Эшова ташаббуси билан жорий йилнинг январь, февраль, март ойларида Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани 320-сонли мактаб ҳамкорликда умумий ўрта таълим муассасаларида ижтимоий-маънавий мухитни янада соғломлаштириш мақсадидаги чора-тадбирлар режасига асосан “Бугунги кунда ёшларнинг ахборот хуружларидан ҳимоялаш”, асосан “Юртимиз келажаги ёшлар кўлида”, “Мен буюк юрт фарзандиман” мавзуларида тадбирлар бўлиб ўтди. Унда бугунги кунда бундай тадбирларни ўtkазишдан асосий мақсад биздан кейин усib келаётган таълим олаётган ўқувчи-ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, керакли вақтда уларни тўғри йўлга йўналтирилди.



Жорий йилнинг 24 январь куни институт Илмий кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендияси соҳибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Унда Ер ресурсларини бошқариш факультетининг 3 курс 8 гурӯҳ талабаси Норбоева Дилшода Ғайрат қизи Ўзбекистон Республикаси Беруний Давлат стипендияси соҳибаси бўлди. 3 курс 8 гурӯҳ талабаси Раиназарова Мавлуда Илмий кенгаш стипендияси, 4 курс 1 гурӯҳ талабаси Инамова Наргиза Илмий кенгаш стипендияси соҳиби ва 4 курс 9 гурӯҳ талабаси Исмоилова Ҳайитбу Илмий кенгаш стипендияси соҳибалари бўлишди.

Юқоридаги Давлат стипендияси соҳибларига институт раҳбарияти томонидан гувоҳнома ва эсдалик совғалари тақдим этилди.



Давлат стипендияси соҳибларини тақдирлаши маросимидан фотолавҳалар

Жорий йилнинг 30 март куни институтда профессор-ўқитувчи, талаба ва ходимлар ўртасида Наврӯз сайли ташкил этилди. Сайлда талабалар томонидан байрам дастури тайёрланиб, институт ҳудудида Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва бошқа вилоятлар урф-одатлари, миллий қадриятлари намойиш этилди. Қизиқарли ўйинлар, викториналар ва байрам дастурхони тайёрланиб, байрамона куй-кўшиқлар, тош кўтариш мусобақалари, миллий ўйинлар ўтказилди.

2019 йил май ойи “Спорт ойлиги” давомида ҳамда “9 май – Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан “**Бўш вақтимиз – билим ва спорт билан бирга**” шиори остида ТИҚҲММИ ҳамда Тошкент молия институтиларининг талаба-ёшлари ҳамда профессор-ўқитувчилари терма жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Мусобақа қизиқарли ва сермазмун ташкил этилди. Мазкур мусобақада талаба-ёшлар ўртасидаги беллашувда “Ирригатор” терма жамоаси, “Молиячи” терма жамоаси устидан 3:1 ҳисобда ғалаба қозонган бўлса, проф-ўқитувчилар ўртасидаги беллашувда томонларнинг кучлари teng бўлиб, дўстлик ғалаба қозонди.



“Спорт ойлиги” давомидаги мусобақалардан фотолавҳалар

Жорий йилнинг 10-13 май кунлари институтда факультетларо талаба-ёшлар терма жамоа аъзолари ўртасида “Бўш вақтимиз – билим ва спорт билан бирга” шиори Мини-футбол бўйича мусобақалар ўтказилди. Якуний натижага кўра: I-ўринни ГИМ факультети терма жамоаси, II-ўринни ЕРБ факультети терма жамоасига насиб этди ҳамда III-ўринни СХТЭБ факультети терма жамоаси қўлга киритишиди.




Мини-футбол бўйича Мусобақадан фотолавҳалар

Жорий йилнинг 14-18 май кунлари волейбол бўйича мусобақа кўтаринки руҳда, сермазмун ва самарали ўтказилди. Якуний натижага кўра: I-ўринни ГМ факультети

терма жамоаси, II-ўринни ЕРБ факультети терма жамоасига насиб этди ҳамда фахрли III-ўринни ГИМ факультети терма жамоаси қўлга киритди.



Наврӯз сайлидан фотолавҳалар





3.3. Илмий тадқиқот ишлари

Факультетда ўқиши, таълим-тарбия жараёни билан бир қаторда илмий-тадқиқот ишларига ҳам охирги йиллари катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, 2014-2019 йиллар давомида факультет кафедралари томонидан 3 та давлат гранти асосидаги ҳамда 6 та давлат бюджетидаги илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Давлат гранти асосида бажарилган ишлар мавзулари қўйидагилар:

1.Ўзбекистонда ер бозорини шакллантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш (илмий раҳбар-доцент Раҳмонов Қ. Р., 2007-2011 йй.).

2.Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектлар учун ердан фойдаланишга оид тезкор маълумотлар базасини яратиш ва электрон дастурий воситасини жорий этиш (илмий раҳбар-доцент Раҳмонов Қ. Р., 2011-2012йй).

3. Ўзбекистонда ер участкаларини хусусийлаштиришга оид ер-ахборот базасини яратиш ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш (илмий раҳбар – доцент Раҳмонов Қ. Р., 2012-2014йй).

Давлат бюджети асосида ушбу йиллари қўйидаги мавзулардаги илмий ишлар бажарилди:

1.Ер участкаларини хусусийлаштиришнинг ижтимоий-иктисодий асосларини ишлаб чиқиш (илмий раҳбар-доцент Раҳмонов Қ.Р.)

2.Магистрал каналларни таъмирлаш ва қайта қуришда геодезик ишлар технологиясини такомиллаштириш (илмий раҳбар-доцент Мусаев И.М.)

3.Агросаноат мажмуи бўйича ердан фойдаланишни ташкил этишда ер кадастрини юритиш услубларини такомиллаштириш (илмий раҳбар- доцент Рахмонов К.Р.)

4.Ўзбекистоннинг чекланган сув тақсимоти шароитида фермер хўжаликлари ерларининг қийматини аниқлаш услубиятини яратиш (илмий раҳбар доцент Бабажанов А.Р.)

5.Гидротехник иншоотлар элементларидағи динамик жараёнларни математик моделлаштириш (илмий раҳбар- т. ф. д. Худоёров Б.)

6.Ўқув илмий маркази худудида ер кадастрини юритишда топографо-геодезик ишларни амалга ошириш (илмий раҳбар-кат. ўқит. Ражаббоев М.)

Факультет кафедраларида бажарилаётган барча илмий тадқиқот ишларининг натижалари республика ва халқаро илмий конференцияларда эълон қилинган, илмий тўпламларда нашр этилган, олинган натижалар ўқув жараёнида қўлланиб келинмоқда, ишлаб чиқаришга жорий этиб келинмоқда. Илмий тадқиқотлар натижалари бўйича кейинги 5 йил ичидаги факультет олимлари томонидан 2 та монография, 60 дан ортиқ илмий мақолалар ва 40 га яқин илмий тезислар чоп этилган.



Сўнги йилларда чоп этилган янги адабийётлар

Юқоридагилар билан бир қаторда, кейинги йиллари факультетда илмий кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, асистент Нарбаев Шарофиддин 2015 йили катта илмий ходим-изланувчилар

институтига қабул қилиниб, бугунги кунда муваффақият билан докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда (илмий маслаҳатчи – профессор Чертовицкий А.С.), мустақил изланувчи Соатов Ойбек профессор Авезбоев С. раҳбарлигига докторлик диссертациясини бажармоқда, Акбаров Одилжон ва Болтаев Толмасбеклар Германия Университетларида докторлик диссертациялари устида иш олиб бормоқдалар. 2016 йилдан бошлаб “Ер тузиш ва ер муносабатлари” кафедрасида 06.01.10 – “Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги” ихтисослиги бўйича катта илмий ходим - изланувчилар қабул қилина бошланди.

3.4. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари.

Факультетда талабалар ўқув хоналарида олган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва амалий кўнималарини шакллантиришлари учун ўқув ҳамда ишлаб чиқариш амалиётлари ҳам зарурый даражада ташкил этилмоқда. Мавжуд барча бакалаврият йўналишлари талабларига 1 ва 2 курслардан сўнг “Геодезия”, “Олий геодезия” ва “Фотограметрия” фанларидан ўқув амалиётлари ташкил этилган. 3 курсдан сўнг ҳамда 4 курсда ишлаб чиқариш амалиётлари олиб борилади. Ишлаб чиқариш амалиётлари асосан соҳага оид корхона, муассаса ва ташкилотларда ўтилади. Соҳага оид корхоналарга асосан қўйидагилар киради: “Ергеодезкадастр” республика давлат қўмитаси, унинг вилоятлардаги бошқармалари ҳамда маъмурий туманлардаги худудий хизматлари, “Ўздаверлойиҳа” илмий лойиҳалаш институти ҳамда унинг вилоятлардаги филиаллари ва бўлинмалари, “Геодезия ва картография” Миллий маркази, Марказий аэрогеодезия корхонаси, “Картография” илмий ишлаб чиқариш корхонаси”, “Геоинформкадастр” давлат корхонаси, “Тупроқ бонитировкаси” корхонаси. Касб таълими: “Ер тузиш ва ер кадастри” йўналишининг талабалари ишлаб чиқариш амалиётларини ўрта- маҳсус қасб хунар коллежларида ўтишади. Ушбу корхоналар билан факультет ўртасида узоқ муддатли инновацион ҳамкорлик шарномалари тузилган. Ишлаб чиқариш амалиётлари ҳам ушбу шартномалар асосида ўтилади.



Бунда хар бир талабага корхонадан етук мутахассислар- раҳбарлар тайинланади. Аксарият ишлаб чиқариш амалиётлари даврида талабалар ҳам аниқ ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришга жалб қилинади. Улар геодезик қидирувларда, ер маниторингини юритишида, ерларни ҳисобини юритишида, фермер хўжаликлари ерларининг холатини аниqlашда ва бошқа ер тузиш, кадастр ва геодезик ишларда иштирок этишади. Олдинги йиллари ишлаб чиқариш амалиётларининг муддатлари қисқа бўлган, лекин 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб уларнинг муддатлари анчагина чўзилди, бу талабаларни амалий кўникмаларни анчагина етарли даражада олишларига имкон беради.



3.5. Халқаро алоқалар


Факультет ташкил этилганидан буён унинг фаолиятида халқаро алоқалар мухим ахамият касб этиб келган. Ушбу алоқалар боис факультетда ўз вақтида қатор чет мамлакатлар учун юқори малакали мутахассислар тайёрланган. Хусусан, ўтган асрнинг 70-80 йилларида Манголия, Миср, Сьера-Лиона, Афғонистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Жанубий Қозоғистонга жами 200 дан ортиқ ер тузувчи мутахассислар тайёрланди. Уларниг аксарият қисми факультетда олган билимларини ўз мамлакатларини гуллаб – яшнашига сафарбар қилиб, кейинчалик етук

раҳбарлар бўлиб етишдилар. Кейинги йиллари халқаро алоқалар янада ривожланди. Жумладан, 90- йиллардан кейин Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистонда ер тузиш факультетларини ташкил этилишида ҳам факультетнинг мутахассислик кафедралари ўзларининг услугий манбалари билан катта амалий ёрдамларини қўрсатишган. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб ушбу халқаро алоқалар натижасида факультетда яна Тожикистон давлати учун мутахассислар тайёрлаш ишлари бошланди. Халқаро алоқалар тўғрисида сўз кетганда, албатта, факультетни охирги йиллари Европа Иттифоқи давлатлари билан қалин алоқаларни алоҳида эътироф этиш зарур. Айнан шундай алоқалар асосида факультетда кейинги 5-6 йил ичида 2 та катта лойиҳалар бажарилди.



Жумладан, 2009 -2010 йилларда “Темпус- Ларема”, 12 -15 йилларда эса “Темпус-GE-UZ” лойиҳаларини бажариши Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини янада такомиллаштиришда муҳим амалий қадам бўлди.

Ушбу лойиҳалар натижасида факультетда, олдинига “Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш”, кейинчалик “Геоинформатика”мутахассисликлари бўйича магистратура ташкил этилди. Бугунги кунда мутахассисликлар бўйича ташкил этилган магистратурада магистрантлар муваффакиятли тайёрланмокда.



Юқоридаги халқаро лойиҳалар билан бир қаторда умуман факультет ва унинг кафедралари кўпгина хорижий университетлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишган. Жумладан Москва давлат Ер тузиш университети, Швеция қироллик технология институти, Фарбий Венгрия университети, Хорватиянинг Загреб университети, Германиянинг Hambold университети ва кўпгина бошқа ўқув даргоҳларини келтириш мумкин. Халқаро ҳамкорликлар тизимида факультетни айниқса Москва давлат Ер тузиш университети билан қалин алоқаларини алоҳида эътироф этиш жоиз деб хисоблаймиз. Ушбу университетни факультет учун илмий кадрлар тайёрлашда қўрсатаётган амалий ёрдами бенихоя каттадир. Университетда ўз вақтида С. Авезбоев, А. Чертовицкий ва А. Бозоровлар докторлик диссертацияларини, А. Бабажанов ва М.М.Бозоровлар номзодлик диссертацияларини химоя қилишган. Профессор С. Авезбоев ва профессор А. Чертовицкийлар университет профессорлари билан ўзаро ҳамкорлик асосида қатор мутахассислик фанларидан дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратмоқдалар. Ушбу китоблар

талабаларга ер тузиш ва ердан фойдаланиш илмини ўргатишида мухим манба бўлмоқда. Ушбу хамкорликлар асосида профессор А. С. Четовицкий ва иқтисод фанлари доктори А.К. Базоров табиий фанлар соҳасидаги муваффақиятли илмий -тадқиқотлари учун 2013 йилда Россия табиий фанлар академиясининг фахрий аъзолари бўлишиди.



Халқаро хамкорликни ривожлантириш, ушбу хамкорликлар натижасида турли халқаро лойиҳаларни факультетда муваффақиятли бажарилишида, талабаларимизни халқаро грантлар асосида хорижий университетларда магистратура доктарантурасида тахсил олишларида айниқса О. Акбаров ва Т. Болтаевларнинг ўрни катта эканлигини эътироф этишимиз

зарур. Уларнинг ўзлари ҳам бугунги кунда Германия университетларида доктарантураларда тахсил олишмоқда. Яқин келажақда улар ҳам докторлик унвони билан қайтиб келиб факультетда ўз фаолиятларини давом эттиришларига аминмиз. Халқаро хамкорлик асосида, юқоридагилар билан бир қаторда кейинги 3 йил ичида факультет ходимларидан 12 нафари ғарбий Венгрия Университети, Австрияning Зальқбург Университети ҳамда Англияning Гринвич Университетларида ўз малакаларини ошириб келишган. “Олий математика” кафедраси доценти Д. Аҳмаджонов 2014 йили Германия университетида малака ошириб келди. Магистрант М. Эргашева 2014 йилдан буён Хорватияning Загреб университетида, “Геодезия ва ер кадастри” кафедраси ўқитувчиси И. Абдурахмонов ва магистрант Ш. Собировлар ҳам 2014 йилдан Ғарбий Венгрия университетида магистратурада билим олмоқдалар. Халқаро хамкорлик доирасида факультетда амалга оширилаётган ишлар, бажарилаётган лойиҳалар анчагина, уларни муваффақияти сўзсиз кафедраларни истиқболда етук илмий кадрлар билан тўлдиришда, янгидан-янги мутахассисликлар очишда ҳамда шулар учун замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишда мухим омил бўлади, биз бунга қатъий ишонамиз.



Халқаро ташкилот ходимлари билан учрашувлар

3.6. Ўрта маҳсус қасб-хунар колледжлари билан алоқалар

Факультет кафедралари ўзларининг фаолиятлари давомида доимий равишда соҳага тегишли бўлган ўрта маҳсус қасб-хунар колледжлари билан узвий равишда алоқалар ўрнатиб келган. Бундай алоқаларнинг асосий моҳияти уларга ҳар томонлама ёрдам кўrsatiш, хусусан улар учун давлат тилида ўқув адабиётларини нашр этиш, колледж ўқувчиларига маҳсус фанлардан дарслар олиб бориш, амалиётлар ўтиш, турли ўқув-услубий ёрдам кўrsatiш, уларда фаолият олиб бораётган педагог ходимлар малакасини ошириш, давлат аттестацияси ишида иштирок этиш, битириув ишларига раҳбарлик қилишдан иборат

бўлган. Факультет нинг “Ер тузиш ва ер муносабатлари” ва “Геодезия ва ер кадастри” кафедралари Тошкент “Геодезия ва картография”, Тошкент “Курилиш ва коммунал хизмат”, Назарбек “Курилиш ва коммунал хизмат”, Тошкент “Иқтисодиёт ва сервис” коллежларига доимий равишда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. “Ер тузиш ва ер муносабатлари” кафедраси профессори Авезбоев С.А. томонидан коллежлар учун “Ер тузиши лойихалаш” ўкув қўлланмаси, ушбу кафедра доценти Бабажанов А. Р. томонидан коллежлар учун “Давлат кадастри асослари”, “Кўчмас мулк кадастри”, Бабажанов А., Раҳмонов Қ., Гофиров А. томонидан “Ер кадастри”, Бабажанов А., Шарипов С. Р. томонидан “Ер хуқуқи” ўкув қўлланмалари нашр этилган. Факультетнинг юқорида номлари келтирилган кафедраларининг профессор –ўқитувчилари коллежларнинг ўкув жараёнида ҳам имкони борича иштирок этиб келишмоқда.

Кейинги йиллари факультетнинг “Касб таълими (Ер тузиш ва ер кадастри) бакалавриат таълим йўналишининг малакавий битирув ишлари химоялари ҳам “Геодезия ва картография” колледжида ўтказилмоқда.





Ундан ташқари, факультетнинг ёш ўқитувчиларидан Ў.П.Исломов, С.Н.Абдурахманов, Р.Д.Абдирамонов, Х.Ж.Хайитов, Р.Қ.Ойматов, Ю.А.Усмонов ва С.Хикматуллаевлар “Геодезия ва картография” коллеж талабалариға очиқ дарслар олиб боришади. Факультет кафедраларини тизимли равища колледжлар билан бундай алоқалари уларни битираётган ўқувчиларни ушбу соҳага бўлган қизиқишини оширмоқда ва натижада уларнинг аксарият қисми факультетда ўқишни давом эттириш истагини билдиришмоқда.

3.7. Ўқув - тажриба хўжалиги

Институтни ишлаб чиқариш билан алоқаларини янада мустаҳкамлашда республика хукуматининг 1964 йилги қарори, яъни умумий ер майдони 2432,0 гектарни ташкил этган Ўртачирчиқ туманидаги собиқ Киров номли давлат хўжалигининг тўртинчи ва бешинчи бўлимлари негизида мустақил ўқув-тажриба хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарори катта амалий аҳамиятга эга бўлган. Бундан кўринадики, ўқув-тажриба хўжалиги мустақил хўжалик сифатида 1965 йилнинг бошидан ўз фаолиятини бошлаган.

Бошланғич даврда хўжалик ерларининг мелиоратив холати аянчли даражада ёмон бўлган. Қишлоқ хўжалик техникалари ишдан чиқсан, ишчи кучи этишмас эди, хўжалик, охир оқибатда зарар билан фаолият юритарди. Шу сабабли ҳам ушбу пайтдаги институт раҳбарияти хўжаликни

моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун қатъий чора тадбирларни қобул қилган. Икки ярим уч йил ичида хўжалик тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари била таъминланди, мутахассилар ва ишчи ходимлар билан тўлдирилди Пахта хом ашёси хосилдорлигини барқарор кўтарлишини таъминлайдиган илмий агротехникани қўллаш бўйича биринчи тажбирлар ўтказилди. Пахта экинини қисқа муддатларда эка бошладилар, деярли борча майдонларни техника билан ишланиши йўлга қўйилди, машиналар билн териладиган пахтанинг улуши қўпайди. Ушбу йиллари ўкув тажриба хўжалиги фаолиятини яхшилашга институт доцентларидан А.М.Мирдадаев, Г.О.Хорст, И.К.Баранов, А.Н.Ляпин, В.И.Лазунов, А.Н.Ширманов, Г.Г.Прудников, катта ўқитувчилардан В.А.Хриновский, Д.И.Тулуповларнинг хизматлари катта бўлган. Институт жамоасини хўжалик ишчи ва хизматчилари билан биргаликда ўтказган тадбирли натижасида 1966 йили пахтанинг хосилдорлиги гектарига 5 центнерга ошиб, 19,5 центнерни ташкил этди. Кейинги йиллари бу кўрсаткич барқарор равишда ўсиб борди. Ҳосилнинг ярмида ортиғи машиналар билан йиғиширилди, хўжалик рентабелли хўжаликка айланди. 50,0 гектар майдонда мевали боғ яратилди. Ушбу боғ кейинги йиллари институт ходимларини мевалар билан таъминлаб туришда муҳим ўрин эгаллаган. Айнан ушбу пайтда кичик курсларнинг 1000 дан ортиқ талабаларига ўкув хўжалигига ўкув амалиётлари ўтказила бошланди.

Улар амалиётлар даврида қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш малакаларини эгалладилар. Бундан ташқари, ҳар йили 500 нафар талаба пахта териш машиналарининг механик хайдовчиси малакасини олишган.

Айнан ушбу 60- йилларнинг охирларида, аниқроғи 1968 йили ўкув - тажриба хўжалигига “Геодезия” фанларидан ўкув амалиётларини ўтказишга мўлжалланган полигон ташкил этилди. Ушбу полигон узоқ йиллар факультетда тайёрланган “Ер тузувчи” мутахассисларни “Геодезия”, “Олий геодезия” ва “Фотограмметрия” фанларидан ўкув амалиётларини ўтказиш маскани бўлиб қолди.

Ўзининг фаолияти даврида факультет талабалари билан, илмий педагогик ходимлари билан ўқув тажриба хўжалиги ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб келган. Жумладан, хўжаликда ҳар йили экинларни жойлаштириш, алмашлаб экишни жорий этиш, хўжалик тупроқларининг унумдорлигини ошириш, оралиқ ва сидерат экинларини экиш технологиясини яратиш, чорвачиликни ривожлантириш, аҳоли пунктлари чегараларини ўрнатиш ва расмийлаштириш хўжаликда ерларни миқдорий хисобини доимий равища юритиб бориш, ер майдонларини инвентаризация қилиш ишлари шулар жумласидандир.

Албатта, хўжалик тўлақонли ишлаб чиқариш корхонаси бўлиши билан бир қаторда институтдаги илмий ходимлар томонидан яратилган янги техника ва технологияларни синаб кўриш ва кейинчалик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига кенг жорий этиш учун тажриба майдони ҳам хисобланган. Шу сабабли ҳам бу ерда “Гидромелиорация”, “Мелиоратив ишларни механизациялаш”, “Қишлоқ хўжалик машиналарини эксплуатация қилиш” кафедраларининг ҳам доимий фаолият юритадиган ўқув -тажриба полигонлари иш олиб борган.

Мамлакт иқтисодиётидаги кейинги йиллардаги туб ўзгаришлар, агарар соҳада амалга оширилган ислоҳотлар, ерда хўжалик юритиш шаклларининг тубдан ўзгариши ўқув - тажриба хўжалигига ҳам ўзининг маълум таъсирини ўтказди. Шу сабабли ҳам республика хукуматининг 2004 йил сентябрь ойидаги қароридан сўнг ўқув - тажриба хўжалигининг ташкилий тузилмасида ва ер майдонларида туб ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда хўжалик 300,0 гектар ер майдонига эга.

Шунга қарамасдан факультет олимлари бу ерда қатор илмий тадқиқот ишларини бажариб келмоқдалар. Жумладан, 2013 -2014 йиллар давомида “Геодезия ва ер кадастри” кафедрасининг олимлари томонидан катта ўқитувчи М.Ражаббоев раҳбарлигига “ТИМИ ўқув илмий маркази худудида ер кадастрини юритишида топографо- геодезик ишларни амалга ошириш” мавзусида илмий тадқиқот ишлари бажарилган.



Ушбу илмий тадқиқот натижасида ўкув илмий маркази худудининг электрон рақамли картаси яратилган худуддаги ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан қишлоқ ва сув хўжалигига оқилона фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

3.8. Турдош факультетлар, йўналишлар билан алоқалар.

Факультет ўзининг ташкил этилганидан буён катта илмий-педагогик, ўкув-услубий салоҳиятини ўзида шакллантирган ва ривожлантирган. Айнан ушбу салоҳият ривожланишнинг маълум бир даврларида республикамизнинг турли вилоятларида ташкил этилган институтимиз филиалларида очилган “Ер тузиш” факультетлари ёки шундай ихтисосликларни оёққа туришида катта амалий ёрдам кўрсатган. Жумладан , 1975 йили Қарши шахрида институт филиалини ташкил этилиши натижасида “Ер тузиш” факультетини очиш ва уни оёққа турғизиш учун факультетдан доцент В.П.Қайгородов ва доцент А.С. Чертовицкийлар, 1979 йилдан бошлаб С.Авезбоев ва қатор

факультетни битирган ёшлар ишга юборилди. Ушбу филиалдаги факультетни ривожланишида юқоридаги профессор-ўқитувчиларни, айниқса профессор С.Авезбоевнинг ҳиссаси ниҳоятда каттадир. Бугунги кунда ушбу филиал Қашқадарё элида катта салоҳиятга эга бўлган мустақил институт бўлиб кетган ва унда “Геодезия, картография ва кадастр” бакалаврият йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Факультет жамоаси ўзида мавжуд бўлган имкониятлари билан ушбу даргоҳга доимий ёрдам бериб келмоқда, уларда меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрламақдалар.

Факультет Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтидаги “Ер тузиш ва ер кадастри”, “Геодезия, картография ва кадастр” бакалаврият таълим йўналишларига ҳам ўзларининг зарур бўлган ёрдамларини бериб келмоқда. Кейинги йиллар факультетни ушбу даргоҳ билан алоқалари жуда кучайди. Айниқса 2007-2010 йиллари биргаликда ТЕМПУС-ЛАРЕМА халқаро лойиҳани бажарилиши алоқаларни жуда фаоллаштириди. Ушбу алоқалар натижасида 2014 йили биргаликда “Давлат кадастри асослари” дарслиги (Д.Ёрматова, А.Бабажанов, А.Рахимов) “Чўлпон” нашриётида республика Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буюртмаси бўйича нашр этилди. Ҳар иккала институттада ташкил этиладиган илмий, ўқув тадбирларида доимо биргалиқда иштирок этиш яхши анъанага айланган.

Факультет институтнинг Бухоро филиалида фаолият олиб бораётган “Ер тузиш ва ер кадастри” бакалаврият таълим йўналишини вужудга келишида ҳамда бугунги кундаги ривожланишига катта амалий ёрдам бериб келмоқда. Бунда айниқса катта ўқитувчилардан А.Муқумов, М.Ражаббоевларнинг хиссалари катта бўлган. Ушбу алоқалар боис ушбу йўналиш профессор-ўқитувчилари ҳам институт докторантурасида таҳсил олмоқдалар. Жумладан, ушбу йўналиш катта ўқитувчиси Ф.Хамидов 2016 йилдан факультетнинг “Ер тузиш ва ер муносабатлари” кафердасининг докторанти сифатида илмий изланишлар олиб бормоқда. Шак-шубҳасиз, истиқболда бундай илмий алоқалар янада ривожланади.

Нукус давлат университетида фаолият олиб бораётган “Гедезия, картография ва кадастр” бакалаврият таълим йўналиши билан ҳам факультетнинг алоқалари жуда тифиздир, негаки ушбу даргоҳда ёшларга геодезия, картография ва кадастр илмларидан сабоқ берадиган ходимларнинг аксарият қисми факультетимизни тугатган ёшлардир. Бундан ташқари хар доим факультет олимлари уларга ўқув-услубий манбалар, дарсликлар ва ўқув мажмуалари билан ёрдам бериб келмоқда.

Юқоридагилар билан бир қаторда эътироф этиш зарурки, факультет айниқса Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари билан, улардаги мос йўналишлар билан ўзаро алоқаларни яхши йўлга қўйган. Жумладан, Ўзбекистон Миллий Университети ва Тошкент архитектура қурилиш институтларидағи “Геодезия, картография ва кадастр” бакалаврият таълим йўналишлари билан алоқалар шулар жумласидандир. Биргаликда халқаро ТЕМПУС лойиҳасини муваффақиятли бажарилиши, илмий анжуманларни биргаликда ташкил этилаётганлиги, ҳаммуаллифликда қатор дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратилаётганлиги, ўзаро ёрдам асосида кадрлар тайёрланаётганлиги, магистратура ва докторантураларни ривожлантирилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

3.9. Ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқалар

Факультетни муваффқиятли фаолиятида ишлаб чиқариш корхоналар билан алоқалар алоҳида ўрин тутади, негаки бу ерда тайёрланаётган мутахассислар айнан ушбу корхоналарда ўзларининг иш ўринларига эга бўладилар. Шундай экан, факультет ҳаётини ишлаб чиқариш корхоналарисиз тасаввур қилиш қийиндир. Бу ерда шуни фахр билан эслаш лозим, ўз вақтида (1945-60 йиллар) факультетни ташкил этиши ва уни оёққа туриб кетишида ҳам айнан шу даврда ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилаётган етук мутахассислар асосий ёрдамларини беришган, яъни улар ишлаб чиқаришдан факультетта ишга ўтишган.

Бугунги кунда ҳам факультетни соҳадаги ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқалари давом этмоқда, негаки олдин эслалиб ўтганимиздек,

факультетни битирган бакалавр мутахассисларининг аксарият қисми айнан ушбу соҳада, яъни ер тузиш, кадастр, геодезия ва картография соҳаларида меҳнат қилишади. Алоқалар тўғрисида сўз кетганда, биринчи галда факультетни “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, унинг вилоятлардаги бошқармалари, шунингдек унинг тасарруфидаги “Ўздаверлойиҳа” республика илмий-лойиҳалаш институти ҳамда унинг вилоятлардаги филиаллари ва комплекс-лойиҳалаш бўлинмалари кўз олдимизга келади, албатта. Табиий, негаки айнан юқорида санаб ўтган ташкилотлар ва корхоналарда меҳнат қилаётган мутахассисларнинг деярли 80-85 фоизи айнан ушбу факультетда таҳсил олган. Бундан ташқари деярли барча вилоятлар бошқармаларининг бошлиқлари, филиал директорлари ва бўлинма раҳбарлари айнан ушбу факультет талабаси бўлган. Шундай экан, соҳага оид ташкилотлар билан алоқаларнинг узвий бўлиши табиийдир.

Маълумки, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси мамлакат миллий бойлиги ҳисобланган ер ресурслардан фойдаланишни ташкил этувчи ва улардан фойдаланишни давлат назоратни амалга оширувчи, бир сўз билан айтганда, мамлакат бўйича ягона ер сиёсатини юритувчи маҳсус ваколатга эга бўлган, соҳанинг энг юқори ташкилот ҳисобланади. Қўмита ва унинг тасарруфидаги барча ташкилотлар, жумладан “Ўздаверлойиҳа” илмий-лойиҳалаш институти ва унинг вилоятлардаги филиаллари ҳамда бўлинмалари, “геодезия ва картография” Миллий маркази, марказий аэрогеодезия корхонаси, “Геинформкадастр” давлат унитар корхонаси, “Картография фабрикаси” ишлаб чиқариш корхонаси, шунингдек қўмитанинг вилоятлар ва шахарлардаги бошқармалари ҳамда маъмурий туманлардаги худудий хизматларида талabalарга ишлаб чиқариш амалиётлари, битирув олди амалиётлари хар йили юқори савияда ташкил этилади. Бунда энг биринчи галда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг раҳбарияти, қолаверса юқорида санаб ўтилган корхоналар раҳбарларининг алоҳида ўрнини эътироф этиш ўринли деб хисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ни амалаг оширилишнинг янада кучайтириш, соҳага ва умуман иқтисодий тармоқларига юқори билимга эга бўлган, салохиятли кадрлар етиштириш, ўз навбатида юқоридаги ташкилотлар билан алоқаларни кучайтиришни, таълим билан ишлаб чиқариш ўртасида инновацион хамкорликни доимий йўлга қўйишни талаб қилмоқда. Бу соҳада институтимиз раҳбарияти ҳам факультетга ўзларининг амалий ёрдамларини доимий равишда кўрсатиб келмоқда.

3.10. Факультетнинг истиқболи

Факультетда бугунги кунда 5 нафар фан доктори, 12 нафар фан номзодлари, 14 нафар малакали ўқитувчилар ва 20 нафарга якин ёш, иктидорли ассистентлар ёшларга таълим-тарбия бериш, илмий тадқикот ишларини бажариш, маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш билан шугулланиб келишмокда. Факультетнинг илмий ходимлар салохиятини бундай имкониятларидан келиб чиқсан холда қуийдаги истиқболли йўналишлар келгусига белгиланган:

- мустақил республиканизнинг иқтисодиёт тармоқларида бозор муносабатларини чуқурлаштириш шароитида ер ислоҳотларини муваффақиятли низоялаш йўналишларини ишлаб чиқиш;
- тадбиркорлик фаолиятини тубдан ривожлантириш мақсадларида бундай фаолият обьектлари учун, шунингдек янги тоифалардаги ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларга ер ажратишни иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатлардан асослаш бўйича янги қўлланмалар яратиш ва ишлаб чиқаришга тавсия қилиш;
- ерлардан самарали фойдаланишни рағбатлантиришниг иқтисодий механизмларини амалиётда қўллаш учун зарур бўладиган амалий таклиф ва тавсиялар яратиш ҳамда уларни жорий этиш бўйича аниқ кўрсатмалар яратиш;

- юқори малакали ва иқтидорли ёш мутахассислар тайёрлаш мақсадида кўп тармоқли илмий тажриба мактабини факультет қошида ташкил этиш;
- иқтидорли ёш мутахассислар хисобига факультетда катта илмий ходимлар ва мустақил изланувчилар сафини кенгатириш;
- бакалаврлар ва магистрантлар томонидан ўрганилаётган барча фанлардан ўкув адабиётларини лотин графикасига асосланган давлат тилида тўла таъминлашга эришиш;
- давлат бюджети хисобига бажариладиган илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришга тадбиғининг муддатларини мумкин қадар қисқартиришга эришиш;
- соҳага оид ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари билан факультет кафедралари ўртасидаги инновацион ҳамкорликни янада ривожлантириш ва шу асосда ўкув хамда ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш;
- чет эллик ҳамкорлар билан хорижий грантлар асосида илмий тадқиқотлар олиб боришни янада ривожлантириш;
- мустақил ҳамдўстлик давлатлари ва ривожланган чет мамлакатлардаги илфор ўқитиши ва илмий тадқиқотлар олиб бориш тажрибаларини факультетда жорий этган холда ўқиш жвараёнини такомиллаштириш;
- мустақил ҳамдўстлик давлатларида ер тузиш ва ер кадастри бўйича бугунги кунда мавжуд бўлган илфор тажрибалардан фойдаланган холда республикамиз ер ресурсларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш бўйича бугунги кунга мос тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга тақдим этиб бориш;
- профессор-ўқитувчиларни мунтазам равишида ўз малакаларини ошириб боришларини таъминлаш;

- профессор-ўқитувчиларни институт, факультет жамоат ишларида фаол иштирок этишларини ва талабалар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишни таъминлаш.

Факультет баркамоллигини, уни бугунги кундаги ривожланишини ҳамда эртанги истиқболини соҳанинг корхона, муассаса ва ташкилотларисиз тасавур қилиш қийин. Факультет тарихи бор экан, сўзсиз, ушбу корхоналарнинг ҳам тарихи, ривожланиш истиқболи мавжуддир, негаки бу идоралар ҳам факультет билпн биргаликда ривожланган ва бугунги кун даражасига эришган. Шу сабабли ҳам биз қуйида ушбу хамкор ташкилотларнинг тарихи ва ривожлвниш босқичлари тўғрисида тўхталишни ўзимизни бурчимиз деб билдик.

4- БОБ. ФАККУЛЬТЕТ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ СОҲАНИНГ КОРХОНА, МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ

4.1. Ўзбекистон Республикаси “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси

Республикада янги типдаги ер тузиш хизматининг ташкил этилиши узоқ колхоз тузуми даврига тўғри келади. Яъни, собиқ Иттифоқ Халқ Комиссарлари Советининг 1935 йил 7 июлдаги “Қишлоқ хўжалик артелларига ерлардан умрбод (абадий) фойдаланиш ҳукукини берувчи Давлат актларини бериш тўғрисида”ти Қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Деҳқончилик Халқ Комиссариати қошида шу йили Ер тузиш бўлими ташкил этилган. Бу бўлим, унинг вилоятларда ташкил этилган отрядлари айнан юқоридаги “Давлат акт”ларини тайёрлаш, уларни расмийлаштириш ва тарқатиш, қишлоқ хўжалик артелларининг чегараларини жойда маҳкамлаш, колхоз жамоа ерларининг талон-тарож қилинишини олдини олиш бўйича жуда катта ҳажмлардаги ишларни бажарганлар.

50 - йилларда бу бўлим Республика Қишлоқ Хўжалик Вазирлиги қошидаги “Ер тузиш ва алмашлаб экиш” Бошқармаси, 60-йилларнинг охирларидан “Ерлардан фойдаланиш ва ер тузиш” Бош бошқармаси ва 80-

йилларнинг ўрталаридан “Давлат инспекциясига эга бўлган ер тузиш, ерлардан фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш Бosh бошқармаси” сифатида фаолият қўрсатган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 24 июлдаги ПФ-2059-сонли Фармонига мувофиқ ушбу Бosh бошқарма негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида “Ер ресурслари” давлат қўмитаси ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 октябрдаги ПФ 3502 сонли “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонини ижро этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483- сонли Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер ресурслари” давлат қўмитаси базасида Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри (“Ергеодезкадастр”) давлат қўмитаси ташкил этилган.

Олдинги, яъни ўтган асрнинг 60 - 80 йилларда фаолият юритган “Ер тузиш ва ердан фойдаланиш Бosh бошқармаси” ўз фаолияти даврида асосан куйидаги вазифаларни бажарган:

- Республика худудидаги ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишининг давлат назоратини ўрнатиш;
- давлат ер кадастрини юритиш ҳамда вилоятлар, автоном Республикада хар йили ер хисобини амалга оширишни ташкил этиш;
- ер майдонларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган тадбирларни режалаштиришда қатнашиш;
- ер тузиш бўйича лойиха-қидирав, тасвирга олиш, кузатув ва бошқа ишларни ташкил этиш;
- ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек, ер тузиш бўйича лойиха-қидирав ишларини яхшилашга қаратилган фан ва техниканинг илғор ютуқларини ҳамда тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Бугунги кунда фаолият олиб бораётган “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси олдига қуйилаги масалаларни ҳал қилиш қўйилган:

- ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича ягона давлат ер сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш;
- ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- геодезия ва картография соҳасидаги фаолиятни бошқариш;
- давлат геодезия назоратини ташкил этиш;
- жойлардаги давлат бошқаруворганлари ва давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- давлат ер кадастрини, давлат геодезия картография кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш.

Қайд қилиш зарурки, мамлакатнинг миллий бойлиги хисобланган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ер майдонларидан фойдаланишнинг қатъий тартибини белгилаш ва уларни муҳофаза қилиш, шунингдек, юқоридаги ишларни амалга оширишга бош қош бўладиган “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб боришга Республика раҳбарияти алоҳида эътибор бермоқда. Бу йўналишда айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ- 5065 сонли «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, ушбу Фармонга биноан давлат қўмитасининг

асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб қуидагилар белгиланди:

ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, геодезия ва картография соҳаси фаолияти бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тизимли давлат назоратини, давлат геодезия назоратини қонун хужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан уни бузганлик учун айбор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш орқали амалга ошириш;

ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ерларни сақлаш ва муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, геодезия ва картография фаолияти самарадорлигини кучайтириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, ҳудудлар давлат кадастрини, шунингдек, Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

учувчисиз аппаратлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларини, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва парваришилашни мониторинг қилиш, геодезия маълумотлари ва картография материалларидан фойдаланган ҳолда сунъий йўлдош навигация тизими ишлашини таъминлаш;

аэрокосмик суратга олиш, топография-геодезия, картография, тупроқшунослик, геоботаникага оид ва бошқа изланишлар ҳамда тадқиқотларни, ерларни масофадан зондлаш, геодинамик тадқиқотлар маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда, картографик мониторингни амалга ошириш;

кўчмас мулк объектларининг электрон маълумотлар базасини, кўчмас мулк баҳосини бозор қийматида баҳолашга босқичма-босқич ўтиш учун

давлат кадастрлари геоахборот тизимларини яратиш ва доимий равища давлат кадастрлари геоахборот тизимларини яратиш ва доимий равища янгилаб бориш;

соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан, давлат хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида фуқароларга ҳамда тадбиркорлик субъектларига тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш;

ер тузиш, геодезия, картография ва давлат кадастри соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро грантларни жалб этиш;

ер тузиш, геодезия, картография ва давлат кадастрлари бўйича тизимли равища давлат кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишни таъминлаш.

Қабул қилинган ҳужжатда “Тупроқшунослик ва агрокимё” илмий-тадқиқот институтини Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлиб чиқариш маркази таркибидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тасарруфига ўтказиш кўзда тутилган.

Бу ўз навбатида қўмитага юклangan вазифа ва топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш имкониятини яратади, институт билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ўтказиш орқали, биринчи навбатда тупроқнинг таркиби ва махсус илмий лабораторияларда тупроқдаги барча жараёнларни ўрганиш орқали суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва уларнинг балл-бонитети аниқланади.

Давлат кадастрларини юритишни ташкил этиш даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг ўринбосари лавозими жорий этилди. У давлат кадастрлари соҳасини мувофиқлаштириш, тизимга илфор ахборот-коммуникация технологияларини тадбик этиш ва халқаро муносабатларни ривожлантириш ишларига масъул этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига, унинг ҳудудий бўлинмаларига мавжуд

штатларга қўшимча равища 937 та мухандис-ер тузувчилар штат бирлиги, шундан 92 фоизини қўмитанинг туман бўлимларига бериш кўзда тутилди.

Қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида қўмита тизимининг ташкилий тузилмаси, қўмита марказий аппаратининг тузилмаси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг намунавий тузилмаси ва ходимларининг чекланган умумий сони тасдиқланди.

Шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини самарали ташкил қилиш, соҳага илфор фан-техника ютуқларини жорий этиш, моддий-техника базасини янгилаш, тармоққа халқаро грантларни жалб қилиш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

Қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларини хизмат автомашиналари, жойлардаги мутахассисларни замонавий ўлчов асбоблари, хизмат хоналари билан таъминлаш белгиланди.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қонун ҳужжатларига риоя этилиши назоратини таъминлаш каби асосий вазифаларни бажариш учун қўмита ва унинг ҳудудий органлари ўзларининг ваколатлари доирасида судларга бериладиган даъво аризалари бўйича давлат божи тўлашдан озод этилди.

Мазкур фармон ва қарорнинг амалга оширилиши:

биринчидан, республикамиз ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш;

иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ерларидан, айниқса, суғориладиган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланишининг олдини олиш юзасидан қаттиқ назорат ўрнатиш, шунингдек, республика ер фонди ҳисобини юритишни тизимлаштириш;

учинчидан, замонавий юқори технологияли техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва унинг худудий бўлинмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассисларига юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун қулай шартшароитлар яратиш имконини беради.

“Давергеодезкадастр” қўмитаси ер муносабатларини тартибга солиш ва бошқариш билан боғлиқ масалаларни, шунингдек зиммасидаги бошқа вазифа ва функцияларни бевосита, худудий бўлинмалари, идоравий мансуб органлари ва муассасалари орқали амалга оширади. Бу борада оммавий ахборот воситалари, бошқа тизимдаги ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, тизимга илм-фан ютуқларини ва илфор замонавий технологияларни олиб кириш ҳамда қўллаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш орқали олинадиган долзарб маълумотларнинг тезлиги ва аниқлиги ортишига эришилмоқда. Давергеодезкадастр қўмитаси тизимида илмий йўналишда 2018 йилгача фақатгина Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот давлат институтида фаолият олиб борилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизmlарини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Тўғрисида”ги ПҚ 3698-сон қарорига асосан Давергеодезкадастр қўмитасининг 2018 йил 31 майдаги 339-сон буйруғи билан Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институтининг тузилмасига ўзгартиришлар киритилди ва бу жойда ҳам амалий фаолиятдан ташқари соҳага доир фундаментал, инновацион ва илмий йўналишларда фаолият олиб бориш йўлга қўйилди. Институт таркибида Илм-фан ютуқларини жорий этиш (Докторантураси) бўлими ташкил этилиб, 06.10.10 – “Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги” ихтисослиги (Илмий даража бериладиган фан тармоғи –

Қишлоқ хўжалиги) бўйича 5 (беш)та таянч докторантларни “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўқитиш учун қабул қвотаси олинди. Мазкур ихтисослик бўйича яна 10 нафар ходим мустақил изланувчи сифатида докторантурада (PhD) ва 4 нафар ходим мустақил изланувчи сифатида докторантурада (DSc) илмий изланишлар олиб бормоқда.

Ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва тизимга жорий қилиш мақсадида Институтда Халқаро муносабатлар бўлими ҳам ташкил этилди. Бундан ташқари “Ўздаверлойиҳа” институти таркибида “Ўзбекистон замини” номли журнал ташкил этилди ва бундан кўзланган асосий мақсад республикамиздаги мавжуд ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ер муносабатларини тартибга солиш ва бошқариш билан боғлиқ ислоҳотлар жараёнини, соҳага доир янгиликлар, илмий-амалий ишлар, инновацион ғоялар ва ишлаб чиқаришдаги ютуқларни, шунингдек тизимда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг илғор тажрибаларини тарғиб қилиш ва оммалаштиришдан иборатdir.

Шуни алоҳида кайд қилиш зарурки, қайси давр бўлишидан қатъий назар ер тузиш хизматида ўз касбининг хақиқий жонкуярлари меҳнат қилганлар ва меҳнат қилиб келмоқдалар. Жумладан, 50-йилларнинг бошларида “Ер тузиш” бошқармасига А.Н.Исаев, 1953 йилдан бошлаб М.П.Куняевский, 1961 йилдан бошлаб П.В.Татарскийлар етакчилик қилиб Республика ер тузиш хизматига ўзларининг беқиёс хиссаларини қўшган бўлсалар, 1974-96 йиллари Бош бошқармага ТИҚҲМИИ Ер тузиш факультетининг собиқ талабаси, олим Г.А.Толипов бошчилик қилиб, устозлар бажариб келган ишларни давом эттирган. Ер ресурслари Давлат қўмитаси ташкил этилганидан кейин унинг биринчи раҳбари “Ер тузиш” факультетининг собиқ талабаси Э.К. Қурбонов бўлган. Бугунги кунда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасини жонкуяр раҳбар, етук мутахассис, олим *Абдушикур Хамидович Абдуллаев* бошқармоқда.

А.Х. Абдуллаев 1959 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1976-1981 йилларда Тошкент политехника институтининг механика факультетида ўқиб, мазкур даргоҳни имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1981-1989 йилларда ўзи таҳсил олган институтнинг “Совутиш машиналари ва қурилмалари” кафедрасида ассистент, илмий ходим, 1989-1992 йилларда “Влагометрия” илмий тадқиқот гурӯҳида кичик илмий ходим; 1992-1994 йилларда Тошкент давлат техника университетининг аспирантурасида ўқиган ва техника фанлар номзоди илмий даражасини олган, аспирантурадан кейин 1994-2004 йилларда “Метрология ва ўлчаш техникаси” кафедрасининг катта ўқитувчиси, доценти; 2001-2004 йилларда Тошкент давлат техника университетидаги фаолияти билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бошқарма бошлиғи ўринбосари, бошқарма бошлиғи; 2004-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бош мутахассис; 2005-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Ўзархив” агентлигининг бош директори лавозимларида ишлаган; 2017 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

А.Х. Абдуллаев ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида қаерда ва қайси лавозимларда ишламасин масъулиятли, ҳалол, билимдон ва ишбилармон мутахассис, адолатли, камтарин, талабчан ва ходимларга нисбатан ғамхўр ҳамда Республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган топшириқ ва вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига масъулият билан ёндошадиган раҳбар сифатида, меҳнат фаолиятини олиб борган жамоаларидағи раҳбарлар, ҳамкаслар ва ходимлар ўртасида, шунингдек, давлат ва ҳукумат раҳбарлари олдида катта хурмат, обрў-эътиборга сазовор бўлиб келмоқда. .

Кейинги уч йил давомида қўмита тизимини янада ривожлантириш, моддий-техника базасини янгилаш, соҳага фан-техника ютуқларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, тармоққа халқаро грантларни жалб

етиш ишларини самарали ташкил қилиш учун меъёрий-хуқуқий базани кучайтириш мақсадида жами 41 та норматив-хуқуқий ҳужжатлар: Ўзбекистон республикасининг 4 та қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони ва 4 та қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19 та қарори ва 2 та фармойиши ҳамда 12 та идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

Қўмита ва унинг қуи тизимларининг моддий-техника базасини кучайтириш, ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва иш ҳақларини ошириш, тизимидағи корхона, ташкилот, худудий бошқармалар ва туман бўлимларини хизмат бинолари билан таъминлаш, қўмита тизимида амалга ошириладиган ишларни тезкор ва сифатли бажариш учун замонавий технологиялар, илм-фан ютуқлари ва ривожланган хориж давлатларининг илғор тажрибаларини соҳага жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қисқача айтганда, Абдуллаев Абдушукур Хамидович раҳбарлигига қўмита тизимини тубдан яхшилаш учун жуда кенг кўламли ислоҳотлар бошланди ва изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Абдушукур Хамидовичнинг Ватанимиз олдидаги хизматлари Республикализ Президенти томонидан муносиб баҳоланиб, жорий йилда “Дўстлик” ордени билан мукофотланди. Бундан ташқари, қўмита тизимини янада ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун Давергеодезкадастр қўмитасининг 2019 йил 4 сентябрдаги 466-15-сонли буйруғига асосан “Соҳа ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Фахр ва ифтихор билан эътироф этиш жоизки, Республикализ ер тузиш хизматида фидойилик билан меҳнат қилган ва ҳозирда ҳам хизмат қилаётган юқори малакали мутахассислар ва инженерларнинг аксарият қисми айнан ТИҶХМИИ Ер тузиш факультетини битирганлар. Уларнинг кўплари узок йиллар ўз соҳасида тинимсиз меҳнат қилиб эл-юрганда катта обру-эътиборга эга бўлганлар ва бўлмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги орамиздан кетган (Оллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин), лекин улар қолдириб кетган ёрқин излар

ҳали узоқ йиллар бўлғуси мутахассисларга ҳам улар йўлини кўрсатиб турса ажаб эмас. Булардан, айниқса Гуломов X.F. (1957 й битирувчиси), Рахимов Э.Р. (1957 й), Пак И.М. (1958 й), Каримов Т. (1951 й), Нуритдинов Г (1957 й), Хамидов Ж. (1956 й), Ан П.Е. (1957 й), Холбоев.Б.(1958 й), Умаров М. (1955 й), Қаюмов О. (1955 й), Одамбоев К. (1952 й), Очилов Н (1956 й), Маматқулов А. (1955 й.), Қосимов С (1957 й) ва бошқаларни келтириш мумкин.

“Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси таркибида бугунги кунда қўйидаги соҳага оид ташкилотлар, муассаса ва идоралар фаолият юритмоқдалар:

- Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари;
- “Марказий аэрогеодезия” ва “Самақанд аэрогеодезия” корхоналари;
- “Геодезия ва картография миллий маркази” давлат унитар корхонаси;
- “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси;
- “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси;
- “Ўздаверлойиҳа” ўзбек давлат республика ер тузиш илмий – лойиҳалашинститути;
- “Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази”;
- “Тупроқ бонитировкаси” шуъба корхонаси.

Умуман, хозирги кундаги Республика “Давергеодезкадастр” давлат қўмитасининг таркиби, ташкилий таркиби, вилоятлар бошқармаларининг намунавий таркиби қўйидаги расмларда келтирилади (1,2,3- расмлар)

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, 2004 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Республикамизда ҳукумат даражасидаги “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ўз фаолиятини бошлаган. Унинг ташкил этилиши мамлакат ягона ер фондидан фойдаланишни ташкил этишда, мамлакатда ягона ер сиёсатини олиб боришда, жумладан ер тузиш, ер кадастри, геодезия ва картография

ишларини ўтказишида, ер муносабатларини тубдан қайта куришда, республика бўйича ягона услубият асосида давлат кадастрларини шакллантириш ва юритишида сўзсиз бурилиш ясайди, негаки у айнан Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ни ҳаётга тўла тадбиқ этиш, ерга оид муносабатлар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ер ресурсларини бошқариш таркибинитакомиллаштириш ва ер фондидан оқилона фойдаланиши таъминлаш, шунингдек ушбу масалаларнинг геодезик ва картографик таъминотини яратиш мақсадида ташкил этилган.

Ўтган ўн беш йилдан ортиқроқ вақт давомида Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришида, хусусан қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни олиб боришида “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан бир мунча ижобий ишлар амалга оширилган. Жумладан, ҳар 5- 6 йилда мамлакатнинг сугориладиган худудларида тарқалган тупроқларнинг сифат хисоби ўтказилиб, уларнинг натижасида тупроқ бонитировкаси ишлари юқори сифатда бажариб келинмоқда; республика бўйича давлат кадастрларининг ягона тизимини яратиш ва ушбу тизимни юритиши белгиланган тартибда амалга оширилмоқда; мамлакат чегарасини аниқлаш ва ўрнатиш бўйича демаркация ва делимитация ишлари белгиланган тартибда бажариб келинмоқда; бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг асосий товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари майдонларини оптималлаштириш ва улардан фойдаланиши оқилона ташкил этиш бўйича ишлар ҳам муваффақиятли бажариб келинмоқда; замонавий геодезик ва картографик асбоб ускуналар, шунингдек технологиялар ёрдамида геодинамик тадқиқотлар ва ери масофадан зондлаш бўйича ишлар тегишли тартибда бажариб келинмоқда; замонавий геоахборот технологияларидан фойдаланилган холда давлат ер кадастрини юритиши амалга оширилмоқда; замонавий электрон рақамли технологиялар асосида, шунингдек аэро ва космик суратлардан фойдаланган холда ерларни тўлиқ инвентаризациялаш дастури амалга оширилмоқда; давлат кадастрларининг ягона тизимини юритишида давлат бошқарув органлари ва

жойлардаги давлат ххимииятлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари түлиқ амалга оширилмоқда ва хакозолар.

«Давергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ютуқлари ва истиқболлари тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, 2009 йил соҳа геодезистлари Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий ўлкалари учун 1-классли SGS-1 йўлдош геодезия тўрини яратиш ишларини бошлаб юборишиди. SGS-1 пунктлари тўри GPS технологиялари асосида яратилади, ҳамма кейинги тўрларнинг зичлашишига бошлангич асос бўлиб хизмат қиласида давлат геодезия тўрида мавжуд бўлган локал деформацияларни аниқлаш ва ҳисобга олиш имконини беради.

«Давергеодезкадастр» давлат қўмитасининг "Низом"ига биноан асосий вазифалари қўйидагилардир:

Ерлардан фойдаланиши соҳасида:


- ер тузиши ташкиллаштириш ва яхшилаш бўйича миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тупроқлар ҳосилдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш;
- давлат бошқармалар органларининг юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиши соҳасидаги фаолиятларини координатциялаш;
- ерларни сақланганлигини таъминлаш ва тупроқлар ҳосилдорлигини ошириш;
- ерга бўлган муносабатларини тартибга солиш, улардан оқилона фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш тизимларини яхшиланишини таъминлаш;

Геодезия ва картография соҳасида:


- давлат геодезия, нивелир, гравиметрик тўрларини, геодезия тўрининг зичлашишини таъминлаш, ривожлантириш ва ишга яроқли ҳолда сақлаш;
- замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар ёрдамида геодинамик тадқиқотлар ва ерни масофадан зондлаш;
- давлат топографик карта вапланларини рақамли тарзда яратиш ва янгилаш;

- халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш мақсадида янги турдаги картография маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат картография-геодезия фондини ташкил қилиш ва юритиш;
- давлат геодезия назоратини ташкил қилиш;
- давлат картография-геодезия кадастрини киритиш;
- географик объектлар номини аниқлаш, нормаллаштириш ва давлат томонидан рўйхатга олиш;
- геодезия ва картография иши бўйича норматив-хукуқий хужатларни ишлаб чиқариш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини делимитация ва демаркациялашда топография, геодезия ва картография ишлари билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография, ва давлат кадастрлари бўйича давлат қўмитасининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



**Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари
ва давлат кадастрлари бўйича бошқармаларнинг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ



- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш.

Давлат кадастри соҳасида:

- давлат кадастрини юритишида давлат бошқарув органлари ва жойлардаги давлат хокимият оргинлари фаолиятини мувафиқлаштириш;
- кадастр тармоқлари асосида давлат кадастри табиат обектлари ягона тизимини юритиши, Ўзбекистон Республикасида барча турдаги табиийва хўжаликресурсларини баҳолашвамониторинги;
- замонавий геоахборот технологиялардан фойдаланилган ҳолда давлат ер кадастрини юритиши;
- замонавий рақамли технологиялар, аэро ва космик суратлардан фойдаланилган ҳолда ерларни тўлиқ инвентаризациялашдастурини амалга ошириш;
- хусусийлик ҳукуқларини рўйхатга олиш ва ер ресурсларини интеграциялаш, кадастр тизимини бошқарув лойиҳасини яратиш ва амалга ошириш;
- фойдаланувчиларни кадастр маълумотлари билан таъминлаш;

Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиши ҳукуқлари соҳасида:

- кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳукуки ва улар билан битимларни амалга ошириш;
- кўчмас мулклар ҳукуқлари ҳақидаги ягона автоматлашган маълумотлар банкини яратиш;

Умумтармоқ вазифалари сифатида қуийидагиларни ажратибкўрсатиш зарур:

- ягона координаталар тизимиға ўтишни тутгаллаш ва геодезия, топография, кадастр ва ер тузиш ишлари учун ягона топографик асосни ишлаб чиқариш;
- қўмитанинг худудий бўлимлари ва корхоналарини замонавий технологияларга ўтиш ва техник жиҳозланиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- доимий ўкув маркази базасида мутахассислар малакасини ошириш ва тизимли тарзда ўқишни ташкиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси “Ергедезкадастр” давлат қўмитаси таркибига кирган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли қарорига биноан фаолият кўрсатмоқда. Улар тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ер ресурслари бошқармалари, ер, бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бош бошқармалари, техник хатловдан ўtkазиш кадастри бюrolари негизида ташкил этилган.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Тошкент шаҳар ер муносабатларини тартибга солиш ва кўчмас мулк кадастри бош бошқармаси ҳамда якка тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси негизида ташкил этилган; туман (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари тегишли равища туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари хизматлари, кўчмас мулк кадастри хизматлари ва техник хатловдан ўtkазиш кадастри бюrolари негизида ташкил этилган.

Бошқармаларнинг асосий вазифалари қўйидагилардир:

- ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер тузишни ва ерларнинг базавий ва даврий мониторингини юритиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширилишни таъминлаш;
- тупроқ унумдорлигини ошириш, мавжуд ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- бошқарув органлари ва маҳаллий давлат хокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- давлат ер кадастри ҳамда бино ва иншоотлар кадастрини юритишни

мувофиқлаштириш ҳамда назоратини олиббориш;

- давлат кадастрлари ягона тизимиға (ДҚЯТ) киритиладиган маълумотларни белгиланган тартибда тайёрлаш ва юқори ташкилотга тақдим қилинишини ташкил қилиш;

- қонун хужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Шуни фахр билан эътироф этиш зарурки, давлат қўмитаси ҳамда унинг Қорақолпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ўзларининг олдига қўйилган вазифаларни ситқидилдан юқори сифатда бажармоқдалар, мамлакатимиз миллий бойлиги хисобланган ер ресурсларидан фойдаланишини оқилона ташкил этиш, ерлардан фойдаланиш соҳасидаги давлат назоратини олиб бориш, ерларни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда иш олиб бормоқдалар. Бунда давлат қўмитасининг марказий аппаратида ва ушбу бошқармаларда узок йиллардан бери фаолият олиб бораётган факультетнинг собиқ талабалари-етук мутахассисларнинг роли ниҳоятда катта бўлмоқда. Жумладан, қўмита раиси Абдуллаев А.Х., раис ўринбосари Рўзметов М.., “Ер тузиш” бошқармаси бошлиғи в.б. Мадримов М., “Давлат кадастрлари” бошқармаси, бино ва иншоотлар кадастри бўлимининг бошлиғи Исаметдинов Б, “Тупроқ бонитировкаси ва ер мониторинги” бошқармасининг бош мутахассиси Логинов И.Ю., “Давлат чегараларини демаркация ва делимитациялаш” бўлими бош мутахассис Эрманов Н., Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш” бошқармасининг бўлим бошлиғи Тўхташев Ф., вилоятлардаги “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бошқармаларининг бошликлари, хусусан Матмусаев М. (Андижон вилояти), Эргашев И. Х.(Жиззах вилояти), Болиев Ж.(Навоий вилояти), Жўраев А. Б.(Наманган вилояти), Ҳакимов С. И. (Самарқанд вилояти), Алимов А. (Тошкент вилояти) ларнинг хизматлари каттадир. Шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, бугунги кунда Тошкент шаҳар ер тузиш ва давлат кадастрлари бошқармасидаги ходимларнинг ярмидан ортиги (54 нафари) кейинги 10 йиллар ичida факультетни битириб шаҳар

бошкармасида фаолият олиб бормоқдалар. Уларнинг барчаси факультетни тамомлаган ва биринчи кундан бошлаб ўз ҳаётини айнан ер тузиш соҳасига бахшида қилганлар ва бугунги кунда ҳам институт, қолаверса факультетда олган билимларини ер тузиш амалиётида муваффақият билан қўлламоқдалар.

Бошқармалар тўғрисида сўз кетганда Тошкент вилояти ер ресурслари ва давлат кадастрлари бошқармаси фаолиятини алоҳида қайд қилиш зарур бўлади, негаки айнан ушбу жамоанинг олдинги ва бугунги таркиби деярли тўла ушбу факультетда ўз вақтида тахсил олишган ва узоқ йиллар давомида ер тузиш соҳасида муваффақиятли фаолият юритишган ва юритишмоқда.

Тошкент вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси 1960 йилларда ташкил килинган бўлиб, унга куйидаги мутахассислар турли йиллари раҳбарлик қилишган: **Тоҳтаходжаев Ўткирхужа Соатхужа угли** 1938 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида тутилган. Тошкент Кишлок хужалиги институтининг “Тупрокшунослик” факультетини тамомлаб. 1967 йилда Тошкент вилояти Ер тузиш ва ердан тугри фойдаланиш бошкармасида катта мухандис лавозимида ишлаган. 1970 йилдан 1996 йилга кадар Тошкент вилояти Ер тузиш ва ердан гугри фойдаланиш бошкармаси бошлиги лавозимида ишлаган. **Пайзиев Кулмуҳаммад Далиевич** 1955 йил Тошкент вилояти Паркент туманида тутилган. 1983-1994 йилларда Ер тузиш экспедициясида турли лавозимларда ишлаган. 1994-1999 йилларда Тошкент вилояти ер ресурслари бошкармаси бошлиги булган. 2002-2004 йилларда Узбекистон Республикаси ер ресурслари давлат кумитаси бошкармаси бошлиги ва 2004 йилда Тошкент вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси бошлиги ловазимларида ишлаган. Хозирда “Уздаверлойиха” илмий лойихалаш институтида бўлим бошлиги сифатида ишлаб келмоқда. **Каримов Анвар Абдувалиевич** 1957 йилда Тошкент вилояти Уртачирчик туманида тутилган. Тошкент Ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаштириш мухандислар институтини “Ер тузиш” факультетини 1979 йилда тамомлаб, 1985-1999 йилларда Тошкент вилояти Уртачирчик

туманида турли лавозимларда ишлаган 1999-2000 йидарда Вилоят Ер ресурслари бошкармаси бошлиги, 2005-2006 йилларда “Ергеодезкадастр” давлат кумитаси “Ердан фойдаланиш ва муҳофаза килишни назорат килиш” бошкармаси бошлиги, 2006-2009 йилларда “Геоинформкадастр” ДК директори, 2009-2013 йилларда Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси бошлиги лавозимида ишлаган, хозирда Тошкент вилояти “Ермулккадастр” ДКда бош мутахассис булиб ишлаб келмокда. **Джураев Муромжон Абдукаримович** 1960 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Ирригация ва кишлек хужалигини механизациялаштириш мухандислар институтининг “Ер тузиш” факультетини 1982 йилда тамомлаб, 1998-2000 йидарда Вилоят Ер ресурслари бошкармаси бошлиги моуни, 2000-2004 йилларда Вилоят Ер ресурслари бошкармаси бошлиги 2005-2014 йилларда “Ташвилерлоийха” Шуъба корхонаси директори 2018 йилдан “Теоинформ кадастр” ДК бош бош мутахассис булиб ишлаб келмокда. **Абдужаллилов Абдухамид Замонович** 1964 йилда Тошкент вилояти Уртачирчик туманида гугилгаи. Тошкент Ирригация ва кишлек хужалигини механизациялаштириш мухандислар ипститутини “Ер тузиш” факультетини 1991 йилда гамомлаб, 1996-2004 йилларда Тошкент вилояти Ер ресурслар боищармасида ва туман булимларида турли лавозимларда ишлаган 2006-2008 йилларда Тошкент вилояти ер ресурслар ва давлат кадастри боищарма бошлиги, 2008 йилдан Уздаверлойиха илмий лойихалаш инсититутида ҳамда Тошкент вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри боищармасини ту ман булимларида фаолият курсатган. **Умиркулов Хайрулла Андакулович** 1973 йилда Тошкент вилояти Бука туманида туғилган. Тошкент Ирригация ва кишлек хужалигини механизациялаштириш мухандислар институтини “Ер тузиш” факультетини 2004 йилда тамомлаб, 2000-2013 йилларда Тошкент вилояти Бука ва Оқкурғон туманларида ер ресурслари ва давлат кадастри булим бошлиги лавозимларда ишлаган 2013-2017 йиллар ва 2018-2019 йилларда Вилоят Ер ресурслари бошкармаси бошлиги лавозимида ишлаган. **Аширов Фарход Аширович** 1980 йилда Тошкент вилояти Пискент туманида

тугилган. Тошкент Ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаштириш мухандислар институтининг “Ер тузиш ва Ер кадастри” факультетини 2001 йилда тамомлаб, 2002-2014 йилларда Тошкент вилояти Бука, Янгийул, Уртасиричик ва Пискент туманларида Ер ресурслар ва давлат кадастр булим бошлиги лавозимларда ишлаган 2014-2016 йилларда Тошвиллойиха шульба корхонасида етакчи мутахассиси, 2017-2018 йилларда Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси бошлиги лавозимида, Хозирда Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармасида Шульба бошлиги лавозимида ишлаб келмоқда. **Алимов Аваз Халилович** 1972 йилда Тошкент вилояти Кибрай туманида тугилган. Тошкент Ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаштириш инженерлари мухандислар институтини “Ер тузиш” факультетини 1994 йилда тамомлаб, 2004-2005 йилларда Вилоят Ер ресурслари бошкармаси бошлиги вазивасини вактинча бажарувчи лавозимида ишлаган, 2005-2019 йилларда “Ергеодезкадастр” давлат кумитасида бош мутахассис, бондарма бошлиги лавозимларида ишлаган. 2019 йилни август ойидан шу кунга кадар Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси бошлиги лавозимида ишлаб келмоқда. **Холмирзаев Атхамжон Тургунович** 1974 йилда Наманган вилояти Чорток шахрида тугилган. Тошкент Ирригация ва кишлок хужалигини механизациядаштириш инженерлари мухандислар институтини “Ер тузиш ва Ер кадастри” факультетини 2007 йилда тамомлаб, 2012-2017 йилларда Тошкент вилоят Ер ресурслари ва давлат кадаетри бошкармасида шульба бошлиги. 2017-2018 Вилоят Ер ресурслари бошкармаси бошлиги вазифасини вактинча бажарувчи, 2019 йил сентябр ойидан шу кунга кадар Тошкент вилоят Ер тузиш ва кучмас мулк кадаетри давлат корхояси бошлиги вазифасини вактинча бажарувчи лавозимида ишлаб келмоқда. **Ахроров Жасур Давлатбоевич** 1978 йилда Тошкент вилояти Паркент туманида тугилган. Тошкент Ирригация ва кишлок хужалигини механизация лаштириш инженерлари мухандислар институтини “Ер кадаетри” факультетини 2000 йилда тамомлаб, 2016-2018 йилларда Тошкент вилоят Ер тузиш ва кучмас

мулк кадаetri давлат корхонаси бошлиги лавозимида ишлаган, 2019 йилни сентябр ойидан шу кунга кадар Тошкент вилоят Ер тузиш ва кучмас мулк кадаetri давлат корхонасида бош мухандис лавозимида ишлаб келмокда. Шунингдек, мутахассислардан Айдаров Исройл Анварович, Махмудов Баходир Гажиахмедович. Худойназаров Махмуджон Абидович, Исматов Акмал Сагдулаевич, Шаисмоилов Баходир Тажибоевич, Сагдулаев Акмалjon Умаровиch, Тулаганов Илхом, Умаров Камолиддин, Агзамов Бахром Илхомбоевич, Хаккулов Жонибек, Салибаев Алтинбек, Абдуллаев Кансайдлар ҳам турли вазифаларни ситқидилдан бажариб келишмоқда.

Юқоридагилар билан бир қаторда қўп сонли етук мутахассислар ўз вақтида факультетни тугаллаб ва соҳада ситқидилдан меҳнат қилиб бугунги кунда нафакада қарилик гаштини суришмоқда. Жумладан, Кузнецов Валентин Георгиевич 1933 йилда Тошкент вилояги Бука туманида туғилган, Тошкент Ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институтини “Ер тузиш” факультетини 1972 йилда тамомлаб, бир неча йиллар давомида Тошкент вилоят Оккургон туманида булим бошлиги лавозимида ишлаган. Ахмедов Эсонали Бахиевич 1942 йилда Тошкент вилояти Тошкент туманида туғилган. Тошкент Ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институтини “Ер тузииГфакультетини 1970 йилда тамомлаб, бир неча йиллар давомида соҳада турли лавозимларда ишлаган. Кундузов Шокир Махкамович 1948 йилда Тошкент вилояти Кибрай туманида туғилган. Тошкент Ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институтини “Ер тузиш” факультетини 1975 йилда тамомлаб, бир неча йиллар давомида соҳада турли лавозимларда ишлаган. Тошпулатов Шухрат Норматович 1951 йилда Тошкент вилояти Кибрай туманида туғилган. Тошкент Ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институтини “Ер тузииГфакультетини 1974 йилда тамомлаб, бир неча йиллар давомида соҳада турли лавозимларда ишлаган. Тастанбеков Бердибек 1954 йилда Тошкент вилояти Бустонлик туманида туғилган. Тошкент Ирригация ва кишлок хужалигини

механизациялаш мухандислари институтини “Ер тузиш” факультетини 1990 йилда тамомлаб. бир неча йиллар давомида Тошкент вилоят Бустонлик туманида булим бошлиги лавозимида ишлаган. Набиев Сайдкарим Мухторович 1955 йилда Тошкент вилояти Тошкент туманида тугилган. Тошкент Ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институтини “Ер тузиш” факультетини 1983 йилда тамомлаб, бир неча йиллар давомида сохада турли лавозимларда ишлаган. Тулебергенов Джунайд 1956 йилда Тошкент вилояти Куйичирчик туманида тугилган. 1979 йилда Тошкент Ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институтини “Ер тузиш” факультетини битирган. Бир неча йил Куйичирчик тумани ер ресурслари ва давлат cadastrи булимини бошкарган, сохада гурли лавозимларда ишлаб, хозирги кунда нафакада. Шунингдек Абдулаев Хамидулла Тиллаевич, Ким Олег Вастович, Холов Тулкин ва Юлдашев Умарлар хам сохада бир неча йиллар турли лавозимларда ишлаган.

Сохада бир неча йиллар ишлаган, бугунги кунда мархум (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) куйидаги мутахассисларни ҳам алоҳида қайд қиласак мақсадга мувофиқ бўлади : Рахимов Фарход Ахмедович 1942 йилда Тошкент вилояти Тошкент туманида тугилг ан. бир неча йиллар давомида сохада турли лавозимларда ишлаган. Маматкулов Зулфикор 1942 йилда Тошкент вилояти Бегобод туманида тугилган. бир неча йиллар давомида сохада турли лавозимларда ишлаган. Муродов Дуйсен Абулкосимович 1952 йилда Тошкент вилояти Пискент туманида тугилган, бир неча йиллар давомида сохада турли лавозимларда ишлаган. Норкулов Тухтабой 1948 йилда Тошкент вилояти Пискент туманида тугилган, бир неча йиллар давомида сохада турли лавозимларда ишлаган. Джураев Зоирбек Адилович 1953 йилда Тошкент вилояти Паркент туманида тугилган. бир неча йиллар давомида сохада турли лавозимларда ишлаган. Ахроров Илёсхон Обbosхонович 1962 йилда Тошкент вилояти Тошкент туманида тугилган, бир неча йиллар давомида сохада турли лавозимларда ишлаган. Кимсанов

Тожибай Пулатович 1959 йилда Тошкнет вилояти Уртачирчик туманида туғилған. бир неча йиллар давомида соҳада турли лавозимларда ишлаган.

Соҳага янги ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, дастурий таъминотлар билан ишлашда юқори натижаларга эришилмокда. Хусусан, ArgGISдастури, кучмас мулкларни атрибут маълумотлари ва уларнинг бошка давлат ташкилотлари билан интеграция килишда “Кўчмас мулк-3” дастурий таъминоти, кишлек хужалиги объектларни буйича “agioonline.uz” дастури, буш ер участкаларини электрон аукционга чикариш учун “Yerelektron”ААТ дастурий таъминотида ишлаш ёш мутахассис, факультет битириувчилари Куриязов Ражаббой Рустамбекович ва Хожимуротов Хожиакбар Абдурашидовичлардан катта маҳорат ва билим талаб қилмокда. Корхонада “Устоз-шогирд” анъаналари асосида ишларни ташкил этиш ва ёш кадрларни соҳани етук мугахассиси сифатида тайёрлаш тизими хам яхши йулга кўйилған. Жумладан Ер тузиш соҳасида корхонада уз билими ва интилувчанлиги билан ишлаётган ёш мутахассислардан Умирзоков Учкун, Сидиков Марат Исломович, Комолов Эркин, Шакиров Арман Уткирбек углини эртага юқори малакали ва катта салоҳиятли мутахассис қилиб тайёрлаш ҳам бошқарманинг, унда фаолият олиб бораётган устоз мутахассисларнинг асосий вазифаларидан хисобланади. Умуман, ерлардан фойдаланиш ва ер муносабатларни тартибга солиш, ер учаегкалари, бино ва иншоотларга булган хукукларни давлат руйхатидан утказиш хамда жисмоний ва юридик шахсларга кадастр соҳасида давлат хизматларини курсатаётган мутахассисларнинг аксарияти факультетдан эканлигининг ўзи қувонарли холдир.

Шонли саналарни нишонлаш пайтида ўз умрини соҳага баҳшийда қилған, узоқ йиллар ер тузиш касбини ардоқлаган юртдошларни эслаш, албатта, савоб иш бўлади. Бундай юртдошларимиз орасида, юқорида эътироф этилганлар билан бир қаторда Жиззах вилояти ер ресурслари ва давлат кадастрлари бошқармасида узоқ йиллар ситқидилдан меҳнат қилған, ўзидан кейин ўнлаб шогирдлар, ота касбини улуғлаётган олий маълумотли

фарзандлар қолдириб кетган Иномов Низом Икромович тўғрисида икки оғиз сўз айтиб кетсак, бизнингча ёмон бўлмайди. У инсон 1951 йили Жиззах вилоятининг Жиззах туманида таваллуд топган. 1978 йили факультетни тугатиб Жиззах вилояти қишлоқ хўжалик бошқармасининг ер тузиш бўлимида мутахассис сифатида фаолият бошлаган. Кейинчалик етакчи мутахассис, экспедиция бошлиғи, бўлим бошлиғи, вилоят ер тузиш ва ер назорати инспекцияси бошлиғи, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимларида ситқидилдан меҳнат қилган. Вилоят ер тузиш хизматида “Устоз шогирд” анъаналарини ривожлантириб бир қатор шогирдлар тайёрлаган. Муваффақиятли меҳнатлари эвазига Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 ва 15 йилликлари маҳсус кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Халол меҳнатлари эвазига тарбиялаган фарзандларининг бири қўмита тасарруфидаги “Ўздаверлойиҳа” институтида таянч докторант сифатида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда, анча йиллар қўмита раисининг ёрдамчиси лавозимида ишлаган. Иккинчи фарзанди факультетнинг “Геодезия ва геоинформатика” кафедрасида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда, кейингиси эса қўмитада ўз фаолиятини муваффақиятли олиб бормоқда.

Бундай инсонлар ҳар бир вилоятда топилади. Албатта, улар тарбиялаб, юқори савияли мутахассис сифатида шакллантириб, қолдириб кетган шогирдлар яна узоқ йиллар улар руҳини шод қилиб юрадилар

4.2 .“Ўздаверлойиҳа”- ўзбек давлат республика илмий-лойиҳалаш институти

“Ўздаверлойиҳа” республика илмий-лойиҳалаш институти ҳукumat қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ Хўжалик Вазирлиги қошидаги ер тузиш бўйича мавжуд экспедиция ва партиялар асосида 1961 йили “Узгипрозем” номи билан ташкил этилган. Уни ташкил этишдан асосий мақсад-Республика ер майдонларидан фойдаланишни оқилона ва самарали ташкил этиш, уни муҳофаза қилиш ҳамда дехқончилик

маданиятини ошириш соҳаларида Давлат органларининг қарорларини ҳаётга тадбик қилишга йўналтирилган комплекс ер тузиш тадбирлари бўйича кузатув ва лойиха-қидирув ишларини бажаришдан иборат бўлган.

Институтнинг ташкил этилиши Республика ер ресурсларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, қишлоқ хўжалик ерларида алмашлаб экишни ташкил этиш ёрдамида тупроқ унумдорлигини ошириш, ер хисобини доимий равишда юритиб бориш ҳамда шу асосда барча ер тузиш ва ер кадастри ишларини амалга ошириш имконини берди. Бажариладиган ер тузиш ишлари чуқур иқтисодий асослана бошланди, ўз таркибига ер тузишга яқин бўлган қатор инженерлик масалаларини, жумладан сугориш, агроўрмон мелиорацияси, эрозияга қарши кураш тадбирларини ола бошлади. Ташкил этилганидан буён ўтган деярли 60 йил давомида институт ҳамда унинг бўлинмалари томонидан мураккаб ва катта ҳажмлардаги лойиха-қидирув, кузатув ишлари бажарилди, қатор-қатор лойиҳалар бепоён мамлакатимиз ҳудудларида амалга оширилди. Ўз фаолиятининг бошида ўз кучлари билан бажарилган лойиха-қидирув ишларининг йиллик ҳажми 1,4 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 1981 йили, яъни, 20 йилдан сўнг бу кўрсаткич 5,0 млн сўмни, 2000 йилга келиб эса-500,0 млн.сўмни ташкил этди. Шу давр мобайнида институт хизматчилари, инженер-техник ходимларининг сони 650 дан 2000 кишига етди. Шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, институтдамехнат қилган ва хозирда муваффақият билан меҳнат қилаётган юқори малакали инженер-техник ходимларининг аксарият қисми айнан ТИҚҲМИИ нинг “Ер тузиш” факультетини тамомлаганлар.

Ҳозирги пайтда институт таркибида 13 та комплекс лойиҳалаш бўлимлар ва 5 ихтисослишган ишлаб чиқариш бўлинмалари, шунингдек, автопарк ҳамда исталган қўп рангли маҳсус хариталар, атласлар, альбомлар ҳамда турли илмий-оммабоп тўпламлар тайёрлашга ихтисослашган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган картография фабрикаси мавжуд.

Институт асосан қуидаги ишларни бажарган ҳамда бугунги кунда

бажарib келмоқда:

- ер тузиш, лойиҳалаш ва бошқа қатор хисоб-баҳолаш ишларини олиб бориш билан биргалиқда тупрок, геоботаник, сұғориши хариталари ва чизмаларини тайёрлаш:

- хўжаликларо ер тузиш, янги ер эгаликлари, ер мулкдорлари, ердан фойдаланувчи ташкилотлар учун жойда ер участкалари чегараларини белгилаш билан ер ажратиш, уларни хуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш;

- хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни жойга кўчириш, муаллифлик назоратини ўтказиш; хўжаликларнинг тупроқ, иқтисодий, ижтимоий ва демографик шаротиларини ўрганиш асосида улар ихтисосликларини белгилаш, қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачиликни жойлаштириш, меҳнатни ташкил этиш;

...янги сұғориладиган ерларни ўзлаштириш ёки эскидан сұғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш, сұғориши ва коллектор-зовур тармоқларини қайта қуриш, ерларни рекультивация қилиш, шўрланган ерларни ювиш, тоғён бағирларида эрозияга қарши турли тадбирлар белгилаш, экин майдонларини мухофаза қилишга мўлжалланган ихота ўрмонзорлари барпо этиш, маданий яйловлар ташкил этиш лойиҳалари ҳамда схемаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

...ерларнинг жорий ҳисобини олиб бориш, жумладан ерларни йўқлама қилиш, назоратли ўлчов ишларини бажариш, тупроқ бонитировкаси ва ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан комплекс баҳолаш ишларини ўтказиш;

...Республикамиздаги мавжуд барча қишлоқ хўжалик корхоналари учун даврий равища план-харита материаллари тайёрлаш, уларни янгилаб туриш;

...айрим туманлар, вилоятлар, минтақалар ва умуман Республика бўйича ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни мухофаза қилиш бўйича турли-туман схемалар, техник-иқтисодий асослашлар, узок муддатга башоратлаш ишлари ва иқтисодий ҳисоб-китоблар тайёрлаш.

Институт томонидан тайёрланган турли туман лойиҳа-сметаҳужжатлари Республика из халқ хўжалиги олдида турган мухим вазифаларни

бажарилиши учун турли тармоқ корхоналари томонидан кенг кўламда муваффақиятли фойдаланилмоқда. Мехнатни илмий ташкил этиш ҳамда институтнинг барча ишлаб чиқариш звеноларида ягона ва тўғри техникавий сиёsat олиб борилишига, ҳам институт раҳбарияти катта аҳамият бермоқда. Жумладан, ўтган давр ичида ўз фаолиятининг турли йўналишлари учун институтда 200 дан ортиқ йўриқномалар, услубий кўрсатмалар ва лоиҳалар ишлаб чиқилган ҳамда тадбиқилинган. Бундан ташқари ўтган давр ичида қатор юқори малакали ер тузувчи мутахассислар ўз фаолиятини ишлаб чиқариш билан бирга илмий-тадқиқотга ҳам йўналтирганлар. Натижада 20 яқин мутахассислар номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилганлар. Мехнатда эришилган юқори кўрсаткичлари учун институт умрбод сақлашга 1967 ва 1974 йиллари Ўзбекистан КП МК, Олий Совет Президиуми ва Министрлар Советининг ёдгорлик байроқлари билан тақдирланган. Бу мукофотлар бош институт ҳамда унинг вилоят бўлинмаларидағи кўп минг сонли захматкаш жамоаси самарали меҳнатининг нишонаси ҳисобланади.

Албатта, юқоридаги натижаларга ўз-ўзидан эришилган эмас. Унинг асосида тинимсиз меҳнат, изланиш ётади. Буни тўғри ташкил этиш кўп жиҳатдан бошланғич даврларда ва кейинчалик меҳнат қилган институт раҳбарларидан кўп меҳнат ва изланиш талаб қилган. Бундай раҳбарлар ўз умрини сўзсиз ер тузиш ишига бағишлаганлар ва бахтини шунда деб билганлар.

Булардан энг аввало, биринчи директор Михаил Петрович Кунявскийни эслаш жоиз бўлади. У 1961-1972 йиллар институтга раҳбарлик қилган, уни сўзсиз оёққа тургизган ҳамда йирик илмий-лойиҳалаш ташкилотига айлантирган. Ушбу инсон фаолиятининг яна бир муҳим қирраси шундан иборат бўлганки, у ташкилот раҳбари сифатида “Ер тузиш” факультетига, унинг жамоасига доимий равищда катта амалий ёрдам кўрсатиб келган, кейинчалик эса ўзи ҳам ушбу факультетда меҳнат қилиб ёшларга ер тузиш илмидан сабоқ берган.

Институтга 1972 – 1994 йиллар Лола Муслимовна Тўрахўжаева

раҳбарлик қилган. У ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетини 1958 йили тамомлаган. Иқтисод фанлари номзоди, доцент, “Республикада хизмат кўрсатган ер тузувчи”. Унинг раҳбарлигида ўз вақтида Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга замин яратган катта ҳажмлардаги ер тузиш ишлари амалга оширилган.

1994 – 2000 йиллари институтга Марат Деҳқонович Хакимов раҳбарлик қилган. У 1975 йили ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетини тугатган. 1975 – 1986 йиллари у “Ўздаверлойиҳа” нинг Наманган комплекс лойиҳалаш бўлимида (КЛБ) меҳнат қилган. 1981-1985 йиллари Ўзбекистон КПМКда, сўнгра 1991 – 1994 йиллари “ЎзНИИП градостроительства” институтида раҳбарлик лавозимида ишлаган.

Албатта, институт, ҳамда унинг лойиҳалаш бўлинмаларида эришилган муваффақиятларда шу даврларда меҳнат қилган, ўз умрини тўла ер тузиш касбига бағишилаган ва бағишилаб келаётган, шу касбни ўз умрларининг мазмуни деб билган қатор инсонларни бу ерда тилга олиш жоиздир. Негаки улар институт ходими, қолаверса “Ер тузиш” факультетининг собиқ талабалари сифатида, ер тузиш олимлари сифатида қадрлидирлар. Булар Валентин Павлович Прошляков, Михаил Филипович Орлянчик, Аркадий Федорович Шаппо, Турсунбой Нуридинов, лев Николаевич Малевич, Георгий Яковлевич Арзуманов, Петр Петрович Демерза, Владимир Владимирович Ким, Турсунбой aka Каримов, Олег Михайлович Хилько, Ибодулла Атаджанович Атаджанов, ИсатайКуленович Давлетов, Сергей Сергеевич Хегай, Отабой Қосимов ва бошқалардир.

Ўтган давр мобайнида Республикаизда 2,0 млн.га янги ерлар ўзлаштирилди ҳамда қишлоқ хўжалигига тортилди. Бу эса ўз навбатида суғориладиган ерларнинг умумий майдонини 1990 йилга келиб 1,7 баробарга ошириш имконини берди. Ушбу йўналишдаги йирик ишлар Марказий Фарғона, Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шеробод, Жиззах даштларида, Амударё этакларида ва бошқа йирик массивларда олиб борилди. Янги суғориладиган ер массивлари бўйича институт томонидан турли ихтисосликлардаги янгидан

ташкил этилган қишлоқ хўжалик корхоналари майдонларини ҳамда ишлаб чиқаришини ташкил этиш бўйича жуда катта хажмлардаги лойиха-смета хужжатлари тузилган ва амалиётга жорий этилган. Шу муддат ичидан тупроқ кузатувлари бўйича ўтказилган ишлар сифат жиҳатидан тубдан ўзгарди. Улар тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш материаллари билан тўлдирилди.

Институт Афғонистон, Сурия, Куба ва бошқа мамлакатларда ҳам катта хажмдаги лойиха-қидирув ишларини бажарган. Ҳозирги кунда Республика “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси билан хамкорликда мамлакатда кадастр ишлаб чиқаришини такомиллаштириш масалалари юзасидан Германия, Австрия, Швеция, Жанубий Корея, Россия, Белорусия мамлакатлари билан халқаро илмий лойиҳаларни бажармоқда.

Ўзини ташкил этилганидан буён бажарган барча ер тузиш ишларини сархисоб қилган холда қайд килиш жоизки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ерлардан фойдаланиш бўйича барча йирик тадбирларда, хусусан ерлардан фойдаланишни оқилона ташкил этиш муаммоларини хал қилишда сўзсиз, ТИҚҲМИИ Ер тузиш факультетининг собиқ талабалари мутахассис сифатида тўғридан-тўғри иштирок этишган.

Республикамизни мустақилликка эришиши ҳамда халқ хўжалагини бозор иқтисодиётига ўтиши натижасида хўжалик юритиш шаклларида, қишлоқ хўжалигидаги капитал маблағлар хажмларида катта ўзгаришлар вужудга келди. Бу эса ўз навбатида институтда бажарилаётган ишлар таркибиға баъзи ўзгаришларни киритиш зарурятини туғдирди.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” ва бошқа қатор қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатда аграр муносабатлар, жумладан, ер муносабатлари янги тизимининг ҳуқуқий ҳамда иқтисодий асосларини белгилаб берди. Мавжуд давлат ва жамоа хўжаликлари чегараларида меҳнат жамоаларининг юқори даражада мустақиллигига асосланган янги ташкилий-хўжалик таркиблари ташкил бўлди ва бугунги кунда юқори самара асосида фаолият олиб бормоқдалар. Фермер, дехқон, ижара, ширкат хўжаликлари,

агрофирмалар, қишлоқ хўжалик корпорациялари ташкил этилди. Буларнинг барчаси бугун Республика қишлоқ хўжалигининг кўп укладлилик тизимига асос бўлди. Буларнинг барчаси яқин йиллар ичида институт олдига қуидаги йўналишлар асосида илмий лойиҳалаш ишларини ўтказиш вазифасини қўйган. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси худудидаги вилоятларнинг маъмурий чегараларини инвентаризациядан(йўқламадан) ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикаси вилоятлари худудидаги туман ва шаҳарларнинг маъмурий чегараларини инвентаризациядан ўтказиш; қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг ер майдонларида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва электрон рақамли карталарга тушириб бориш;
- Корақолпоғистон Республикаси туманларининг маъмурий чегараларидаги мавжуд сугориладиган ерларда холати ёмон бўлган ерларни инвентаризациядан ўтказиш;
- Давлат кадастрларининг ягона тизимида киритиладиган тармоқ кадастр ахборотларини йиғиш, таҳил қилиш, гурӯҳлаш, сақлаш ва янгилаб бориш тизимини такомиллаштириш;
- Норматив хукуқий, техник хужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиши.

Мамлакат миқёсида, алохида олинган минатақаларда янгича ер муносабатларининг вужудга келиши ўз навбатида ер тузиш, ер кадастри, ерлардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ҳамда маҳсулдорлигини ошириш соҳаларида ягона давлат сиёсатини ўтказишни талаб қиласди. Айнан шундай сиёсат асосида “Ўздаверлойиха” ҳамда унинг вилоятлардаги бўлинмалари ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этганлар. Жумладан, 1995 йили “Ўздаверлойиха” институтининг иштирокида ер кадастри, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилишва унумдорлигини ошириш каби ер ислохатининг кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалаларини ўз ичига олган тадбирлар тизими ишлаб

чиқилган. Буларга энг аввало, ер кадастри мақсадлари учун топографо-геодезик, хариталаш, тупроқ, геоботаник ва бошқа кузатув ҳамда қидирув ишлари киради. Бундай турдаги ишлар хажмининг охирги йиллари кескин оширилиши натижасида бугунги кунда Республикаизнинг барча қишлоқ хўжалик корхоналари, туманлари янги тупроқ хариталар билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида институт томонидан даврий равища ерларни йўқлама (инвентаризация) ишлари бажарилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, барча қишлоқ хўжалик ерларининг ҳақиқий мавжуд майдонларини тўғри аниқлаш, уларнинг сифат холатларини, мелиоратив жиҳатдан яхшиланиши талаб қилинадиган майдонларни аниқлаш ва ниҳоят ер солиғи ҳамда ерларни меъёрий қиймат баҳосини тўғри хисоблаш учун асос яратишга имкон бермоқда.

Шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, кейинги 3 йил ичida “Ўздаверлойиҳа” фаолияти тубдан ўзгарди. Жумладан, ўтган асрнинг 90 йилларида тўхтаб қолган илмий тадқиқот ишлари қайтадан тикланди, институтда 2018 йили қайтадан илмий бўлим, таянч докторантурда ва докторантурда ташкил этилди, 06.01.10 ер тузиш, кадастр, ер мониторинги мутахассислиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилди. Ушбу йили 5 нафар таянч докторантлар ва 12 нафар мустақил тадқиқотчилар илмий тадқиқот ишларига жалб қилинди, 2019 йилда ҳам 5 нафар докторант ва 10 нафардан ортиқ мустақил изланувчилар илмий тадқиқотларга жалб қилинди. Институт биноси замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган даражада қайтадан тубдан таъмирланди, унда халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган тупроқ лабораторияси, факультетнинг “Ердан фойдаланиш” кафедраси филиали ташкил этилди. Кафедра филиалида факультетнинг “Ер тузиш ва ер кадастри” таълим йўналишинг 4 курс талabalari асосий мутахассислик фанларидан амалий дарсларни ўтиши йўлга қўйилган. Институтда қайтадан “Яйловлар”, “Ерларни рекультивациялаш” бўлимлари

ташкил этилди. Бундай ишларни йўлга қўйишида унинг бугунги кундаги раҳбари, к/х.ф.н. Руҳиддин Тўраев ва унинг илмий ишлар бўйича муовини б.ф.н. Ғофиржон Парпиевларнинг хиссалари жуда каттадир.

Юқорида қайд қилинганлардан кўринадики, ўтган давр ичида илмий лойиҳалаш институти, унинг филиаллари ва бўлинмаларида меҳнат қилаётган Ер тузиш факультетининг собиқ талабалари томонидан мамлакатимиз асосий миллий бойлиги ҳисобланган ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ҳамда келажак авлодларга янада яхшироқ сифатда қолдириб кетишни ташкил этишида жуда амалий ишлар бажарилган.

“Ўздаверлойиҳа” институти бугунги кунда ҳам катта хажмлардаги ер тузиш ишларини бажармоқда. Бунда албатта бугунги кунда институт таркибида узоқ йиллардан буён фаолият олиб бораётган мутахассислар, хусусан факультетнинг собиқ талабаларининг меҳнатлари бекиёсdir.

Институтни ўз вақтида эришган ва бугунги кунда эришаётган муваффақиятларида уни вилоятларда ташкил этилган филиаллари ва комплекс лойиҳалаш бўлинималарининг ҳам улуши ниҳоятда каттадир. Шу сабабли ҳам биз қўйида шулар тўғрисида ҳам қисқача фикр билдириб ўтамиз.

Қорақалпоғистон комплекс лойиҳалаш бўлинмаси. Бўлинма ер тузиш экспедицияси сифатида 1953 йили ташкил этилган. Унинг биринчи раҳбари Гельба Роберт Мартынович ҳисобланади. Кейинчалик турли муддатларда А.И.Немерад, М.С.Силантьев раҳбарлик қилганлар. 1969 йилдан умрининг охиригача Исатай Куленович Давлетов бўлимга раҳбарлик қилган. Бугун бўлимни бошқармоқда

Ташкил этилганидан буён бўлим мутахассислари томонидан хўжаликлар учун план – ҳарита материаллари, юза ҳисоблаш ведомостларини тайёрлаш, хўжаликларо ер тузиш, йирик объектлар қуриш учун ер участкалари танлаш, алмашлаб экишларни киритган ҳолда сугориш тармоқларини қайта қуриш асосида ички хўжалик ер тузиш, муаллифликкузатуви, 1989 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик ерлари ва экин

турларининг назоратли ўлчов ишларини бажариб келмоқдалар. Охирги йиллари бўлим юқоридагилардан ташқари ерларни йўқлама қилиш, ер майдонларини қиймат баҳосини аниқлаш, ерларни график ҳисоби, план харита материалларига зарурий тузатмалар киритиш (корректировка) ишларини ҳам юқори савияда бажармоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш зарурки, факультетимиздан ер тузиш соҳасида етишиб чиқсан биринчи ўзбек фан доктори, “Ер тузиш ва ер муносабатлари” кафедрасининг профессори Саъдула Авезбаевич Авезбаев ҳам инженерлик дипломини олгандан сўнг ўз меҳнат фаолиятини 1970 йилдан ушбу бўлимда бошлаган ва 2 йил шу ерда ер тузиш амалиётини ўрганган. Бу нарса унга кейинчалик номзодлик ҳамда докторлик диссертацияларини тайёрлашда ва муваффақиятли ёқлашда жуда қўл келган.

Юқорида қайд қилинганидай, 1969 йилдан то 2000 йилларнинг ўрталарига қадар Ер тузиш факультетининг собиқ талабаси, забардаст инсон И.К.Давлетов бўлимга раҳбарлик қилиб келган. У ўзмеҳнат фаолиятини ўқиши тугатгандан сўнг, яъни 1965 йили Қорақалпоғистон бўлимида ер тузувчи-инженер лавозимида бошлаган ва 38 йил шу соҳада меҳнат қилган. Унинг тўғридан- тўғри раҳбарлиги остида табиий- иқлимий шароити ниҳоятда оғир бўлган Қорақалпоғистон ерларидан оқилона фойдаланиш, ерларнинг миқдори ва сифат ҳисоби ер кадастри хужжатларини тузиш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, капитал қурилишлар учун ер участкалари танлаш ва ажратиш каби қатор ишлар бўйича катта ҳажмдаги тадбирлар бажарилган. “Ер кодекси” нинг қабул қилиниши ҳамда уни амалиётга тадбиқ этилаётганлиги сабабли иш турлари ҳам йилдан-йилга ошмоқда. И.К.Давлетов эса буни юрақдан тўғри хис қилган ҳолда ўзининг фаолиятини янада кенгайтирган. Унинг меҳнатлари ҳукумат томонидан муносиб тақдирланган “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими” унвони, “Хурмат белгиси” ордени ва “Меҳнат зафарлари учун” медали бунинг ёрқин далилидир. Ушбу мукофотлар наинки

И.Давлетовга, балки бутун Қорақолпоқ ер тузиш хизматига берилаган мұкофот деб қарасак түғри бўлади. Бугунги кунда бўлинмани етук мутахассис Ережепов Женисбай Торебаевич бошқармоқда. У ўзининг меҳнат фаолияти олдига устозлар қолдириб кетган буюк анъаналарни давом эттириб, Қорақолпоқ элиниңг ер майдонларидан фойдаланишини оқилона ташкил этишни асосий мақсад қилиб қўйган. Ушбу мақсадни амалга оширишда унга бўлинма бош мухандиси Генжебаев Руслан яқиндан ёрдам бермоқда.

“Ўздаверлойиха” институтининг Андижон филиали. Андижон филиали 1969 йили Андижон ер тузиш экспедицияси негизида ташкил этилган бўлиб, у асосан вилоят ер майдонларидан тўла ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш ҳамда ерлар унумдорлигини йил сайин ошириб боришни ташкил этишдан иборат ишларни бажарган.

Илмий-лойиха ва лойиха қидиув ишлари филиал томонидан, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси билан келишилган ҳамда “Ўздаверлойиха” институти томонидан тасдиқланган тематик режа асосида давлат бюджети, маҳсус ҳисоб маблағлари ҳисобига бажарган ва бугунги кунда бажариб келмоқда.

Филиал ўз фаолияти давомида турли ишчи лойиҳаларни тузиш, ерларни эрозиядан сақлаш ва унга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ерларни баҳолаш, лойиха ва схемаларни жойга кўчириш, муаллифлик назорати, дала паспортларини тайёрлаш, ер солиги миқдорларини аниқлаш хужжатларини тайёрлаб бериш каби қатор ишларни бажарди.

Филиални ташкил этиш ва ривожлантиришда у ерда ишлаган П.П.Демерза, И.В.Гаврилов, И.П.Левченко, А.Д.Ли, Ю.Б.Тян, Е.Ниларнинг хизматлари катта бўлган. 1999 йилдан 2000 йилларнинг ўрталарига қадар факультетни ўз вақтида тутатган, етук ер тузувчи Билолиддин Тургунов филиалга раҳбарлик қилган. У 1987 йили ТИҚҲМИИ Ер тузиш факультетини тамомлаган ва ўз фаолиятини ушбу корхонада оддий инженерликдан бошлаган. Филиални бошқариш, ер тузиш ишларини

муваффақиятли бажарилишини таъминлашда бош инженер Б.Мирзаҳмедов радбарга яқиндан ёрдам бериб келган. Бугунги кунда филиалга етук мутахассис, факультетнинг собиқ талабаси Эргашев Асқаржон Жўраевич бошқармоқда. Филиал келгусида барча ер тузиш, ер кадастри, ирригация, тупроқшунослик бўйича амалга ошириладиган тадбирларни автоматлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва бугунги кунда ушбу йўналиш бўйича маълум муваффақиятларга эришган.

“Ўздаверлойиҳа” институтининг Бухоро филиали .Бухоро филиали 1964 йили Бухоро ер тузиш экспедицияси негизида ташкил этилган. Унинг шу пайтдаги асосий вазифаси - бу Бухоро вилояти қишлоғ хўжалик корхоналарида ер тузиш ишларини ўтказиш, турли хил ер тузиш лойиҳалари ишлаб чиқишдан иборат бўлган. Бухоро филиалининг инженер-техник ходимлари Аму-Бухоро магистрал каналининг қурилиши муносабати билан регионда ўтказилган йирик ер тузиш ишларида қатнашганлар. Филиал томонидан бажарилган ер тузиш ва ер кадастрига оид лойиҳа ҳужжатлари ва материаллари вилоят қишлоқ хўжалик корхоналари олдида турган вазифаларини бажаришда кенг қўлланилган.

Ишларни тўғри ташкил этиш, иқтисодий-молиявий фаолиятни ривожлантириш, вилоят корхона ва ташкилотлари ҳамда институт миқёсида эътибор топиш унинг раҳбарларидан қўп меҳнат ва изланишни талаб қилган. Узоқ йиллар давомида факультетнинг собиқ талабаси, етук ер тузувчи Э.М.Шодиев айнан шундай тинимсиз изланиш билан филиални бошқарган. У1946 йили Бухоро вилоятининг Рамитон туманида туғилган, ТИҚҲМИИ Ер тузиш факультетини тамомлаган. 1974 йилдан ушбу даргоҳда олдинига етакчи мутахассис, кейинчалик, яъни 1985 йилдан филиал бош инженери, 1987 йилдан вилоят ер тузиш бўлимининг бошлиғи, 1992 йилдан филиалда етакчи мутахассис ва ниҳоят 1994 йилдан то 2012 йилга қадар филиал директори лавозимида меҳнат қилиб вилоят ерларидан фойдаланишни оқилона ташкил этишга ўзининг катта хиссасини қўшган.

Филиалга раҳбарлик қилиш бугунги кунда факультетнинг собиқ

талабаси, ер тузиш соҳасида катта тажрибага эга бўлган, олдин ушбу корхонада бош мухандис вазифасида ишлаб келган С.Ш.Яхшиевга юклатилган. У1952 йили Шофиркон туманида туғилган, 1977 йил ТИҚХМИИ ер тузиш факултетини тамомлаган ва ўз иш фаолиятини айнан шу филиалда ер тузувчи инженерлик лавозимида бошлаган. 1994 йилдан бошлаб бош инженер, директор ўринбосари лавозимида, 2012 йилдан бошлаб асосий бажарилаётган ер тузиш ишларига хамда корхонага раҳбарлик қилмоқда. Корхонада бугунги қунда хамфикр, уюшган жамоа вилоят ер ресурсларидан фойдаланишини оқилона ташкил этиш бўйича турли лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, фермер хўжаликлари ерларини норматив қийматини аниқлаш, тупроқлар унумдорлигини баҳолаш хамда ушбу маълумотлар асосида ер солиги ставкаларини белгилаш, фермер хўжаликлари билан шартномалар тузиш ва умуман, ерлардан фойдаланишини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланмоқдалар. Бугунги қунда корхонани факультетнинг собиқ талабаси Бобочев Руслан Шомуродович бошқармоқда. Юқоридаги вазифаларни бажаришда корхона раҳбарига бош мухандис Юсупов Жасур Комилович яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

“Ўздаверлойиха” институтининг Самарқанд филиали. Филиал 1964 йили Зарафшон экспедицияси негизида ташкил этилган бўлиб, унга асосан Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ер майдонларида ер тузиш ишларини ўтказиш юклатилган эди. Филиал қисқа муддат ичидаги ўз олдига қўйган вазифаларни тўла ва юқори сифатда бажара бошлади. Филиал Самарқанд вилояти хўжаликлирида хўжаликлараро ва ичкихўжалик ер тузиш, ерларни йўқлама қилиш, ерларни иқтисодий қиймат баҳосини аниқлаш, қишлоқ хўжалик экинларини назоратли ўлчов ишларини ва бошқа қатор ер тузиш билан боғлиқ ишларни бажармоқда.

Филиални узок йилларўз умрини ер тузиш хизматига бахшида қилган Фозилбек Жаманов бошқарган. У 1956 йили Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида туғилган. 1978 йили ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетини

тамомлаган ва ўз меҳнат фаолиятини Самарқанд вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасининг ер тузиш бўлимида ер тузувчи - инженер лавозимида бошлаган. 1980 йилдан ушбу бўлимдаги ер ажратиш партиясида етакчи инженер, кейинчалик ушбу партия раҳбари ва ниҳоят янги ташкил этилган ер ажратиш бўлимининг раҳбари лавозимларида хизмат қилган. 1999 йилдан 2006 йилга қадар филиал директори лавозимида ишлаган. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, раҳбар ва ниҳоят етук мутахассис сифатида у ўзининг олдига қўйилган вазифаларни бажаришда, корхонани ҳозирги бозор муносабатлари шароитига мослаштиришда катта тадбирларни амалга оширган. Бугунги кунда филиални етук ер тузувчи мутахассис Бобоназаров Сохибжон Фарходович бошқармоқда. У инсон ҳам факультетнинг собиқ талабасидир. Унга етук ер тузувчи мухандис Халилов Шербек Очилович филиал бош мухандиси сифатида яқиндан ёрдам бермоқда. Ўз вақтида факультетда ер тузиш илмидан яхши билим ва амалий кўнікмалар олгани холда Бобоназаров Сохибжон филиални бугунги кунда муваффақиятли бошқариб, Самаркандлик ер тузувчиларга раҳнамолик қилмоқда. Бугунги кунда вилоят ер майдонларидан фойдаланишини оқилона ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун субъектларга ер майдонларини ажратиб бериш, ерларнинг норматив қийматини аниқлаш, манфаатдор ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларга ер тўғрисидаги маълумотларни етказиб бериш, ер мониторингини олиб бориш хамда ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича зарурй тадбирлар ўtkазиш филиалнинг асосий вазифаларини ташкил этади.

“Ўздаверлойиха” институти Фарғона филиали. Фарғона филиали Республика ҳукуматининг 1972 йил 25 январ 93-р сонли фармойиши, Республика Қишлоқ Хўжалиги Вазирлигининг 1972 йил 3 феврал 32-сонли ҳамда “Ўздаверлойиха” институтининг 1972 йил 4 феврал 14-х сонли буйруқлари асосида Фарғона ер тузиш экспедицияси негизида ташкил этилган бўлиб, унинг асосий фаолияти тасдиқланган “Низом”ига биноан,

ердан тўла ва самарали фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш ва дехқончилик маданиятини ошириш борасидаги хукумат қарорларини амалга ошириш учун ер тузиш ва ер кадастри буйича илмий- лойиха ва лойиха қидарув ишларини бажаришдан иборат бўлган.

Филиални ташкил этиш, уни ривожлантиришда Иброхимжон ака Холиков, Я.К.Эпштейн, Б.Набиев, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими”, 1972-99 йй. филиал раҳбари бўлиб ишлаган Турсунбой ака Каримовларнинг хизматлари бенихоя каттадир. Булардан ташқари 1954- 58 йй. экспедиция бошлиғи бўлган И.А.Левченко, 1958-68 йй. экспедиция бошлиғи А.К.Енин, 1992-95 йй. ишлаган А.Р.Расулов, бош инженерлар Н.И.Неграш, Б.Г.Ушаковларни тилга олиб ўтиш жоиздир. 1968 йили филиалда 31 ходим меҳнат қилган бўлса, 2000 йилларнинг бошига келиб уларни сони 140 нафардан ошиб кетди. 1995 йилдан 2006 йилга қадар филиални иқтидорли ер тузвучи-инженер Латифжон Турсунбоевич Каримов бошқарган.

Каримов Л.Т. 1963 йили Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманида таваллуд топган. 1986 йили ТИҚҲМИИ Ер тузиш факультетини тутатган ва шу филиалда ўз меҳнат фаолиятини топографлик лавозимида бошлаган. 1995 йилгача ушбу филиалда турли лавозимларда ситқидилдан меҳнат қилган. 1995 йилдан бошлаб ушбу филиалнинг директори лавозимида ғайрат билан меҳнат қилиб келмокда. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, у ишлаб чиқаришда ер тузиш масалаларини ҳал қилиш билан бир қаторда ТИҚҲМИИнинг “Ер кадастри” кафедрасида илмий изланувчи сифатида 1999 йилдан бошлаб қатор йиллар давомида илмий тадқиқотлар олиб борган.

Кейинги йиллари филиални етук мутахассис, факультетнинг собиқ талабаси Ниёзов Холмирза Узганович бошқарган. У ўз вақтида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасини ҳам муваффақиятли бошқарган. Ўзининг раҳбарлик фаолияти даврида Ниёзов X. филиални хар томонлама ривожлантиришга катта хисса қўшган. Алоҳида қайд қилиш зарурки, унинг ўғли Ниёзов Қувончбек ҳам ота изидан бориб

факультетда магистратурани муваффақиятли тугатган ва бугунги кунда ер тузиш соҳасида фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда филиални ёш, серғайрат мутахассис, факультетнинг собиқ талабаси Ниёзов Фарруҳ Машрабалиевич бошқармоқда. Унга бош мухандис Душатов Элёржон Бахтиёрович ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқда.

Эътироф этиш зарурки, филиал мутахассислари, инженер-техник ходимлари Республикаизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларни янада чукурлаштириш, хусусан ер ислоҳотларини амалга ошириш, ердан фойдаланишнинг турли шаклларини ҳаётга жорий этиш, фермер ва дехқон хўжаликлари ерларидан фойдаланишни оқилона ташкил этишга йўналтирилган ер тузиш ва ер кадастри ишларини юқори савияда бажармоқдалар.

“Ўздаверлойиҳа” институтининг Жиззах бўлинмаси. Бўлинма 1966 иили ташкил этилган бўлиб у асосан Жиззах вилояти ер майдонларидан самарали фойдаланиш, янги ерларни ўзлаштириш асосида турли қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этиш, улар майдонларидан фойдаланишни тўғри ва оқилона ташкил этишни ўзида мужассамлаштирган турли ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни ҳаётга тадбиқ қилиш, ерларни муҳофаза қилиш ва ерлар маҳсулдорлигини оширишга йўналтирилган турли-туман ер тузиш ва ер кадастри ишларини бажарган. Бўлинмани ташкил этиш ва уни ҳар томонлама ривожлантиришда “Ўздаверлойиҳа” институтининг марказий идорасида шу вақтларда фаолият олиб борган кўплаб ер тузувчилар, тупроқшунослар, геодезистлар ва яйловларни ташкил этиш билан шуғулланувчи геоботаник олимларнинг хизматлари катта бўлган.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги конунларни қобул қилиниши ва ҳаётга тадбиқ қилиниши, ўз вақтида бўлинма олдига катта вазифаларни қўйган. Хусусан, давлат ва жамоа хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш, хўжаликлари майдонларини

оптималлаштириш, дехқон хўжаликларини ташкил этиш, бундай хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига саноатни олиб кириш ва ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уйжойларни қуриш ва худудларни ободонлаштириш билан боғлик қатор ишларни бажаришда бўлинма мутахассислари жонбозлик кўрсатганлар.

Бугунги кунда бўлинмани шижаотли ер тузувчи мухандис Холмуродов Қахрамон бошқармокда. У ТИМИнинг “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультетини тутатган. Қатор йиллар вилоят ер тузиш бўлимида етакчи мутахассис, бошқарма бошлигининг ўринбосари, давлат кадастр хизматида турли лавозимларида ишлаган, 2012 йилдан бўлинма директори вазифасида фаолият кўрсатмоқда. Жиззахлик ер тузувчилар мақсадларини рўёбга чиқаришда унга бош мухандис Абдуалимов Бахтиёр яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

“Ўздаверлойиха” институтининг Қашқадарё бўлинмаси. Бўлинма 1964 йили олдинги ер тузиш экспедицияси негизида ташкил этилган. Бўлинма айниқса Қарши даштларини ўзлаштириш ҳамда сув чиқариш, янги ўзлаштирилган ерларда турли ихтисосликдаги қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этиш даврида жуда катта ҳажмларда ер тузиш, геодезия-қидириув ҳамда тупроқ-кузатув ишларини бажарган. Етук мутахассис Холов Низом ҳозирги кунда бўлинма директори вазифасида ишлаб келмоқда. У ўз даврида қишлоқ хўжалик илми билан шуғулланган, ер тузишни ушбу соҳа билан қўшиб олиб борган ва натижада, узок йиллар олиб борилган муваффақиятли илмий тадқиқотлар самараси ила қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражага эга бўлган. Кўп йиллар ер тузиш соҳасида, гоҳида бошқармада, гоҳида лойиҳалаш бўлинмасида фаолият юритиб келмоқда. Мана, 16 йилдирки, у ўз лавозимида муваффақият билан меҳнат қилиб ер тузиш ва ер кадастри соҳаларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унга етук ер тузувчи мухандис Ниёзов Шерали бош мухандис сифатида ёрдам бериб келмоқда.

“Ўздаверлойиҳа” институтининг Наманган бўлинмаси. 1969 йили Наманган шаҳрида “Ўздаверлойиҳа” институтининг ер тузиш экспедицияси ташкил этилган. 1971 йилда у Андажон комплекс лойиҳалаш филиали қошидаги Наманган комплекс лойиҳалаш бўлимига айлантирилган, 1975 йил 1 январдан эса Андижон филиали таркибидан чиқарилиб тўғридан-тўғри “Ўздаверлойиҳа” институти таркибига ўтказилган. 1994 йил 1 июндан бошлаб бўлим комплекс лойиҳалаш бўлинмасига айлантирилди.

1969 - 1979 йй. бу ерда Ю.Н.Земляков, 1979-85 йй. Т.Нуритдинов, 1985 йилда М.Д. Ҳакимов, 1986-94 йй. К.М.Махмудовлар ушбу корхонада ер тузиш ишларини бажарилишига раҳбарлик қилганлар. 1994 йилдан 2004 йилгача бўлинмага Р.М.Мамаджонов раҳбарлик қилган. У 1960 йил Наманган шаҳрида туғилган, 1982 йили ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетини тамомлаган ва ўз фаолиятини ушбу бўлинмада бошлаган. 1994 йилгача олдинига бўлинмада, кейинчалик вилоят ижроя қўмитаси қошида ер тузиш соҳасида турли лавозимларда ишлаган. Бугунги кунда бўлинмани Ирсалиев Фарход Абдухакимович бошқармоқда. У ТИҚХММИИнинг “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультетини тугатган ва ўз фаолиятини ушбу корхонада оддий ер тузувчи мутахассисликдан бошлаган. Унга бosh мухандис Мирзарахимов Абролжон Акмалович мутахассис сифатида ўз ёрдамларини аямаяпти

Бўлинмада меҳнат қилаётган инженер-техник ходимларнинг 10 нафаридан ортиғи ўз вақтида ТИҚХМИИ нинг Ер тузиш факультетини тамомланганлар. Фахрийлардан Т.Иминов, Т.Нуритдинов, Ю.Н.Земляков, Ю.Абдуллаев, Ж.Юнусов ва М.Парпиевлар вилоят ер тузиш ишларига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшганлар.

“Ўздаверлойиҳа” институтининг Сурхандарё бўлинмаси. Бўлинма 1961 йили ер тузиш экспедицияси сифатида ташкил этилган, 1968 йили комплекс лойиҳалаш бўлимига айлантирилди ва нихоят 1994 йилдан “Ўздаверлойиҳа” институтининг бўлинмаси сифатида ўз фаолиятини давом эттирган.

1961-63 йй. К.В.Мирязев, 1963-66 йй ТИҚХМИИ собиқ талабаси Я.С.Хабиров, 1966-82 йй. ТИҚХМИИ собиқ талабаси А.С.Ким ва 1982-2000 йй. ТИҚХМИИ собиқ талабаси К.С.Кулматовлар бу корхонага раҳбарлик қилғанлар ва вилоятда бажарилган турли-туман ер тузиш ҳамда ер кадастри ишлариға ўзларининг муносиб улушларини қўшгандар. 2000 йилдан бошлаб 2006 йилгача корхонага Т.Н.Менглиқулов раҳбарлик қилган. У 1954 йили Жарқўргон туманида туғилган, 1976 йили ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетини тамомлаган ва ўзининг ер тузиш соҳасидаги фаолиятини туман бош ер тузвучи-инженери лавозимида бошлаган. Директорлик лавозимигача вилоятда ер тузиш, ирригация соҳаларида турли лавозимларда самарали меҳнат қилган ва ер тузиш бўйича етук мутахассис сифатида танилган. Вилоят ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилишни ташкил этиш бўйича узоқ йиллардан бери бажарилиб келинаётган катта ҳажмлардаги ер тузиш ишларида, бу соҳада эришилаётган ютуқларда Т.Н.Менглиқулов, К.С. Қулматов, А.С.Ким ва шулар каби қатор Сурхандарёлик ер тузвучиларнинг хиссалари бекиёсdir. Бугунги кунда корхонани Қорақулов Баходир бошқармоқда. У хам ТИМИ 2Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультетининг собиқ талабасидир. Факультетда олган назарий билим ва амалий қўнималарини амалиётда муваффақият билан қўллаш орқали катта обрў-эътиборга эга бўлмоқда. Унга бўлинма бош мухандиси сифатида Холбеков Баҳром доимо ёрдам бериб келмоқда.

“Ўздаверлойиҳа” институтининг Навоий бўлинмаси. Бўлинма асосан вилоят ер майдонларидан тўла ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш, ерни муҳофаза қилиш бўйича қатор тадбирларни ишлаб чиқиш, жумладан турли ер кадастри ишларини олиб бориш, чўл яйловларини оқилона ташкил этиш ва вилоятда яйлов чорвачилигини ривожлантириш, вилоятда саноат корхоналари ишлаб чиқаришини, тоғ-кон саноатини ривожлантириш мақсадларида ташкил этилган. 1999 йилдан то 2008 йилларга қадарқайтадан ташкил этилган бўлинмага Зокир Очилов раҳбарлик

қилган, Б.Умаров эса бўлинма бош инженери вазифасида самарали меҳнат қилган.

Очилов З. 1955 йил Навоий вилояти Навбаҳор туманида туғилган. 1978 иили ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетини битирган ва ўз меҳнат фаолиятини оддий ер тузувчи инженерликдан бошлаган. 1999 йилга қадар турли лавозимларда, жумладан вилоят ер тузиш бўлимининг бош инженери, бўлим бошлиғи, ер ажратиш бўлимининг бошлиғи лавозимларида ишлаган. 5 фарзанднинг отаси. Битта ўғил ота касбини давом эттириш мақсадида ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетида таҳсил олган. Бугунги кунда у вилоят хокимлигига турли лавозимларда ишлаб келмоқда. 2008 йилдан кейин 4 йиллар давомида Э.Очилов вилоятнинг Навбаҳор туман ер ресурслари ва давлат кадастри худудий хизматида фаолият олиб борган. Бугунги кунда бўлинмани Шавқиев Аҳад бошқармоқда. Унга етук мухандис Убодуллаев Зайдиддин бош мухандис сифатида яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

“Ўздаверлойиха” институтининг Сирдарё бўлинмаси. Бўлинма 1958 йилда Мирзачўлнинг қўриқ ва бўз ерларини ўзлаштириш экспедицияси сифатида ташкил топган. Малевич В.И. унинг биринчи раҳбари бўлган. Бўлинмани ҳар томонлама ривожлантиришда, моддий-техника базасини яратиш ва яхшилашда Г.Я.Арзуманов, А.С.Якушев, Ф.А.Павелчук, И.Е.Толмачев, М.Ф.Орланчик, Т.Н.Безобразова, М.П.Сигаевларнинг ҳиссалари катта бўлган.

Ўша йиллари экспедиция зиммасига қўриқ Мирзачўл даштларининг ерларида янги ташкил этилган хўжаликларни худудий бўлиниши бўйича ер тузиш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, янги ташкил этилган хўжаликларнинг майдонларини ташкил этиш, янги аҳоли яшаш жойларини, чорвачилик фермаларини ва бошқа объектларни жойлаштириш ишларини бажариш юклатилган.

Бўлинмага 70-йиллари М.Ф.Орлянчик, 1970-74 йй. Г.Я.Арзуманов, 1977-88 йй. Б.Т.Тошбоев, 1988-90 йй. Қ.А.Жолдосов ва 1990 йилдан 2003 йилга қадар Х.С.Сафаров раҳбарлик қилган. Бугунги кунда бўлинмада 20 нафар

ходим меңнат қилмоқда. Улар томонидан хўжаликларо ер тузиш лойиҳаси, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни қиймат жиҳатидан меъёрий баҳолаш, қишлоқ хўжалик экин ерларини назорат ўлчовидан ўтказиш, алоҳида қийматга эга бўлган ерларни график усулда аниқлаш, дехқон ва фермер хўжаликларига айлантирилган хўжаликларда ер тузиш бўйича лойиҳа ишлари бажарилмоқда, ҳар йили катта хажмларда ер мониторинги, қишлоқ хўжалик экинларининг мониторинги, ерларни йўқламадан ўтказиш, геодезик ўлчов асбоблари ёрдамида назоратли ўлчов ишлари амалга оширилмоқда. Бугунда бўлинма ер тузувчи мухандис Норкулов Зафар Эшмирзаевич томонидан бошқарилмоқда. Сирдарё вилояти ер майдонларидан фойдаланишни оқилона ташкил этишда унга бош мухандис Яхшибоев Ганишер Маматқулович яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

“Ўздаверлойиҳа” институтининг Хоразм бўлинмаси. Бўлинма 1958 йили ер тузиш экспедицияси сифатида ташкил этилган, 1964 йили бўлимга айлантирилган. 1997 йилдан бошлаб у бўлинма сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ташкил этилганидан буён бўлинма мутахассислари томонидан Хоразм вилоятининг хўжаликлари учун план-харита материалларини тайёрлаш, хўжаликларо ва ички хўжалик ер тузиш ишлари, қурилиш обьектлари учун ер танлаш ва ажратиш, алмашлаб экишни хўжаликлар далаларида амалга ошириш, қишлоқларни қайта қуриш каби қатор ишлар бажарилган ва хозирда бажариб келинмоқда.

Бўлинмага 1968 йилдан 2004 йилга қадар ер тузиш соҳасининг етук мутахассиси И.А.Атаджанов раҳбарлик қилган. У 1959 йили ТИҚҲМИИ Ер тузиш факультетини тамомлаган ва ўз меңнат фаолиятини ушбу даргоҳда оддий ер тузувчи-инженерлиқдан бошлаган. Кейинчалик катта инженер, гурӯҳ раҳбари, бош мутахассис лавозимларида ишлаган. Амалиётда ишлаш билан бир вақтда ТИҚҲМИИда проф. П.К.Татур раҳбарлигига илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам шуғулланган, Хоразм шароитида қишлоқларни қайта қуриш ва аҳолини жойлаштириш тизимини такомиллаштиришга оид

қатор илмий мақолаларни чоп эттирган. 1969 йилдан 2004 йилга қадар бўлинма раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келган. Унга бу ишда Ер тузиш факультетининг яна бир собиқ талабаси, малакали мутахассис О.Қосимов ўринбосар, бош инженер сифатида яқиндан ёрдам берган. Қосимов Отабой ака 2004 йилдан 2008 йилга қадар бўлинма раҳбари лавозимида фаолият олиб бориб вилоят ер тузиш соҳасига ўзининг катта хиссасини қўшган. У ТИҚХМИИ “Ер тузиш” факультетни имтиёзли тамомлаган ва ушбу бўлинмада оддий мухандисликдан ўз иш фаолиятини бошлаган эди. Кейинги йиллари бўлинмани етук ер тузувчилар, факультетнинг саобиқ талабалари Абдиримов Р., Мадиримов М.лар моҳирлик билан бошқарганлар. Бугунги кунда Абдиримов Р. Республика Ўрмон давлат қўмитасида, Мадиримов М. эса “Давергеодезкадастр” республика давлат қўмитасида бошқарма бошлиқлари сифатида ўз фаолиятларини давом эттиromoқдалар. Бугунги кунда бўлинмага факультетнинг собиқ талабаси, етук ер тузувчи мухандис Алланазаров Қодирберган раҳбарлик қилмоқда. У бўлинма ббошлиғи сифатида Хоразм вилояти ер ресурсларидан фойдаланишни оқилона ташкил этиш, фермер хўжаликлари ерларидан фойдаланишни ташкил этиш каби лойиха ҳамда амалий ишларни бажарилишига етакчилик қилмоқда. Бунда унга бош мухандис, факультетнинг собиқ талабаси Исмоилов Ойбек Очилович яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

“Ўздаверлойиҳа” институтининг Тошкент бўлинмаси. Бўлинма 1969 иили ер тузиш экспедицияси негизида ташкил топган. Бўлинма асосан Тошкент вилояти худудидаги ерлардан фойдаланишни ташкил этиш, тупроқ эрозиясига қарши тадбирлар лойиҳаларини тузиш, турли ихтисосликларга эга бўлган хўжаликлар майдонларини ташкил этиш, ерларни йўқлама қилиш каби турли ер тузиш ишларини бажариб келган. Бўлинмани ташкил этилиши ва ривожланишида унга узоқ йиллар раҳбарлик қилган ер тузувчи-инженер Н.Р.Ғуломовнинг хизматлари катта бўлган. У ндан сўнг бўлинмага малакали ер тузувчи-мухандислар, ТИҚХМИИ Ер тузиш факультетининг

собиқталабалари Н.Есенбаев, М. Жўраевлар раҳбарлик қилганлар. Улар ҳам ўз вақтида ТИҚХМИИ нинг “Ер тузиш” факультетини тамомлаган.

2013 йилдан бошлаб бўлинмага ўз касбинингбилимдони, ер тузиш ва ерлардан фойдаланишни ташкил этиш соҳасида катта амалий тажрибага эга бўлган етук мутахассис Абдужалилов Абдухамид Замонович раҳбарлик қилмоқда. У 1964 йили Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида дехқон оиласида туғилган. 1990 йили факультетни тугатиб, ўз фаолиятини хўжалик ер тузувчиси вазифасини бажаришдан бошлаган. 2004-2008 йиллар давомида вилоят ер ресурслари ва давлат кадастрлари бошқармасида олдинига бўлим бошлиғи, кейинчалик, 3 йил давомида бошқарма бошлиғи лавозимларида меҳнат қилиб, Тошкент вилоятининг ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича ишларга бош-қлш бўлган. Абдужалилов А.З. ўз фаолиятини амалиёт билан бир қаторда факультетга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш қиррасида олиб бормоқда. Жумладан, ер тузиш соҳасининг етук мутахассиси сифатида 2011-2015 йиллари факультетдаги “Ер тузиш ва ер кадастри” бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари учун Давлат Аттестация Комиссиясининг раиси вазифасида битирув малакавий ишларни химояларига бош бўлган. Унинг кичик ўғли ҳам ота изидан бориб, бугунги кунда факультетнинг “Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналишини муваффақиятли тугатган ва ишонамизки, яқин йиллар ичида у дадасининг йўлидан бориб етук мутахассис бўлади. Бугунги кунда бўлинмани ер тузиш соҳасида катта тажрибага эга бўлган етук мутахассис Джураев Рахимжон Инатович моҳирлик билан бошқармоқда. Унга бош мухандис Умаров Камолиддин Ахрорович яқиндан ёрдам бермоқда.

Умуман “Ўздаверлойиха” институтининг вилоятлардаги филиаллари, бўлинмалари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни тўла бажарганлар ва бугунги кунда ҳам муваффақият билан бажармоқдалар.. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган аграр ислоҳотлар кўламини оширишда, ер майдонларидан фойдаланишни оқилона ташкил этишда уларнинг ўрни сўзсиз

каттадир.

4.3. “Геодезия ва картография миллий маркази” давлат унитар корхонаси

“Геодезия ва картография миллий маркази” давлат унитар корхонаси сабиқ Иттифоқ Министрлар Совети хузуридаги Геодезия ва картография Бош бошқармасининг 1988 йил 18 октябрдаги буйруғи билан ташкил қилинган “Природа” давлат марказининг хуқуқий вориси хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Геодезия ва картография бошқармасининг 1992 йил 29 январдаги буйруғи билан “Космик табиатшунослик миллий маркази” деб 1992 йилдан бошлаб қайта номланган. Корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармасининг 1996 йил 4 январдаги буйруғи билан “Геоинформатика ва кадастр миллий маркази” номига эга бўлган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси узуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармасининг 2004 йил 1 апрелидаги буйруғи билан “Геодезия ва картография миллий маркази” деб қайта номланган ва 2004 йилнинг октябрь ойида қайта ташкил этилган қўмита таркибига кирган.

Ўз вақтида факультетни тугаллаб бугунги кунда “Геодезия ва картография миллий марказ” да фаолият юритаётган куйидаги мутахассисларни алоҳида қайд қилиш мақсадга мувофиқдир: Умаров Фахрутдин- факультетни 1983 йили тугуллаган, узоқ йиллар ер тузиш ва ерлардан фойдаланишни ташкил этиш соҳаларида ишлаган, бугунги кунда корхонада “Тармоқ идоравий норматив хужжатларини ишлаб чиқиш, тадбик қилиш, хисобга олиш ва мониторингини ташкил этиш гурухининг мудири; Шерманов Ўткир- факультетни 2008 йили тамомлаган, корхонада 2010 йилдан бери ишлаб келмоқда, бугунги кунда “Кўчмас мулк кадастри” ва “Лавлат ер кадастри” бўлимларининг мудири; Нишонов Равшан – факультетни 2010 йили тугатган, бугунги кунда корхонада 1-тоифали мухандис; Эргашев Мухаммадюсуп- факультетни 2013 йили тугатган, бугун

корхонада ДКЯТ РАТМ (Республика ахборот тахлил маркази) бўлимининг мутахассиси; Комилов Сохиб- факультетни 2013 йили тугатган, корхонада ДКЯТ РАТМ 1-тоифали мухандис; Кутлимуровов Жонибек- факультетни 2013 йили тугатган, корхонада “ мулк кадастри” ахборот тахлил бўлимида 1-тоифали мухандис. Юқорида эътироф этилган мутахассислар келгусида ҳам ушбу корхонани ривожланишига ўзларини хиссаларини қўшадилар.

4.4. “Марказий аэрогеодезия” давлат унитар корхонаси

“Марказий аэрогеодезия” давлат унитар корхонаси ташкил этилганидан бўён Марказий Осиё регионада топография геодезия, картография ва маҳсус ишлар бўйича етакчи корхона бўлиб келган. Корхона ўзининг фаолияти давомида меҳнат жамоаси билан Ўзбекистон ва МДҲ давлатлари халқ хўжалигини, шу жумдадан мамлакат мудофаасини топография геодезия ва картография маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича жуда катта ҳажмлардаги ишларни бажарган. Ўзбекистон Республикасида биринчи бор қўлланилган рақамли карта тузиш усули айнан ушбу корхона ходимлари томонидан ишлаб чиқилган оригинал дастур ёрдамида амалган оширилган.

«Марказий аэрогеодезия» давлат унитар корхонаси «Photomod» рақамли фотограмметрик тизимини қўллаб стереотопографик ишларни муваффақиятли бажармоқда. Улар ёрдамида Кўчмас мулк географик ахборотлар тизими (ГАТ)ни яратища асос бўлиб хизмат қилувчи, Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва шаҳарчаларининг йирик масштабли электрон топографик карталари тузилди.

«Марказий аэрогеодезия» давлат унитар корхонаси мутахассислари томонидан мамлакат Бош планли баландлик асосининг ишчи ҳолатини сақлаш учун катта ҳажмдаги ишлар бажарилди, қатор масштабдаги карталар яратилди.

Корхона маҳсус ишларни бажарища Ўзбекистон ва хориж мамлакатларининг турли вазирлик ва муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилган, Масалан:ОАЖ «Саратовнефтегеофизика» ва бошқа кўпгина ташкилотлар билан «Буюк Ипак йўли» автомагистралини (Андижон-

Қўнғирот), Афғонистондаги темир йўлни (Ҳайратон-Мозори Шариф) лойиҳалаш ва қуриш; Ўзбекистоннинг Устюрт раёни инвеститсия блокларида геологик изланиш тадқиқотларини бажариш.

Жанубий Кореяning КОICA фирмаси иштирокида корхона замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди ва «Марказий аэрогеодезия» давлат унитар корхонаси ходимлари Тошкент шаҳрининг ГАТ асосини яратиши.

ОАЖ «LUKOYL Uzbekiston Opereyting Kompani» билан Денгизқўл конида геодезик ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси бўйича картографик материаллар тайёрланди. Вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг очиқ фойдаланиши учун электрон карталари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси географик номларини ҳисобга олиш ва стандартлаштириш ишлари бўйича аҳоли пунктлари номларининг компьютер банкини яратиш, вилоятлар бўйича аҳоли пунктлари рўйхатини тузиш ишлари амалга оширилди.

Корхона ишлаб чиқсан Бош планли геодезик асосдаги ахборот ва маълумот базаси катта амалий аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда ушбу база тўлиқ янгиланмоқда ва унга мамлакатнинг барча худудларида топографик - геодезик, картографик ва аэросъёмка бўйича бажарилган ишлар ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Ернинг сунъий йўлдоши технологияларини қўллаб, Ўзбекистон Республикасининг юқори аниқликдаги янги давлат геодезик тармоғини яратиш ва доимий амалдаги референс пунктларни бутун дунё GPS тизимиға киритилиши кўзда тутилмоқда.

Топографик - геодезик, фотограмметрик, картографик вабошқа ишларни бажаришда, корхона АҚШ, Швейцария, Япония, Россия, Украина, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар ишлаб чиқарган замонавий жиҳозлардан ва асбоб-ускуналардан кенг фойдаланиб келишмоқда.

4.5. “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси

Корхона Собик Иттифоқ қишлоқ хўжалиги Вазирлигининг 1980 йил 17 декабрдаги 338 - сонли буйруғи билан Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги агрофотогеодезик қидируви институтининг филиали сифатида 1981 йили ташкил этилган. 1999 йили корхона “Ўздаверлойиха” илмий лойиҳалаш институтининг “Еркадастратасвир” шўъба корхонасига айлантирилган.”Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ташкил этилганидан сўнг корхона хозирги номини олган ва қайта ташкил этилган.“Ўздаверлойиха” институтининг бош инженери, “Ўзбекистонда хизмат қўрсатган ер тузувчи” М.Ф.Орлянчик унинг биринчи раҳбари бўлган ва у ушбу корхонани оёққа туришида ва ҳар томонлама ривожланишида кўп иш қилган.

Корхона жамоаси 1991 йилгача Республикада мавжуд бўлган барча қишлоқ хўжалик корхоналарини янги асослардаги план - хариталар билан таъминлаш, ерларни график хисобини юритиш ва бошқақатор геодезик ва картографик ишларни бажарганлар. 1993 йили корхона “Ўздаверлойиха” институти таркибига хўжалик хисобидаги бўлим сифатида киритилди ва унга ер тузиш, ер кадастри ишларини олиб бориш мақсадлари учун Ўзбекистан Республикаси қишлоқ хўжалигини план - харита материаллари билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Ўзига юклатилган бу вазифани корхона юқори сифатда бажарган. Бунда албатта бутун корхона инженер - техник ходимларининг, қолаверса ушу пайтдаги раҳбари Ахмаджон Мамараимович Мамараимовнинг хизматлари каттадир. Мамараимов А.М. 1942 йил Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида туғилган. 1963 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги техникумини имтиёзли тутатган ва “Ўздаверлойиха” институтига ишга таклиф этилган. 1978 - 79 й. Ливия давлатида хизмат сафарида бўлган. 1982 йили ушбу корхонага ишга таклиф этилган. Олдинига директор муовини, 1985 - 91 йй. экспедиция бошлиғи, 1991 - 92 йй. яна директор муовини ва ушбу 1992 йили директор этиб тайинланган. ТИҚҲМИИ “Ер тузиш” факультетини битказган. Ер тузиш соҳасида оддий техник лавозимидан катта бир корхонанинг бошлиғи лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган. А.М.Мамараимов янгилик сари доимо интилган. Шу сабабли

ҳам ушбу вақтда “Еркадастр тасвир” корхонасига Германия, Австрия давлатларидаги мавжуд илғор технологиялар олиб келинган, план - хариталарни компьютерлар ёрдамида тайёрлаш йўлга қўйилган. 2000 йил корхона тарихида биринчи марта Қорақалпоғистон Республикасининг ерлари самолётдан тасвирга олинган. Бу эса тез муддатларда Қорақалпоғистон хўжаликлари учун юқори сифатли план - хариталар тайёрлаш имконини берган.

Кейинги йиллари корхонани бирмунча муддатга А.Мамараимовнинг ўғли, факультетда таълим олган мутахассис Мурод Мамараимов бошқарган. У ҳам корхонани ривожланишига ўзининг маълум хиссасини қўшган.

Бугунги кунда корхонани етук мутахассис, геодезия соҳасининг билимдони Шухрат Майинов бошқариб келмоқда. Корхона фаолиятининг бугунги кундаги мақсади давлат ер кадастрини юритиш ва ўзининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятида маълум даромад олиш учун энг янги ГАТ технологияларини жорий этишдан иборатdir. Корхона фаолиятининг бугунги кундаги асосий турлари қуйидагилардир:

- турли масштаблардаги электрон рақамли карталарни яратиш;
- ГАТ технологиялари ва электрон тахеометрлардан фойдаланган холда турли масштаблардаги топография геодезия қидиувлари ва съемкаларини ўтказиш;
- ГАТ тенологияларини турли соҳаларга жорий этилишини назорат қилиш ва бошқариш.

Кейинги йиллари корхона томонидан замонавий аэро ва космик суратлардан фойдаланилган холда фотопланларни дешифровкалаш ишлари мувафақиятли бажариб келинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик массивлари, фермер хўжаликлари, маъмурий туманларни сифатли план ва карталар билан ўз вақтида таъминлаб туришга имкон бермоқда. 2004-2014 йиллар давомида республикамизнинг Бухоро, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё, Навоий, Хоразм, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси худудларида дала

дешифровка ишлари ўтказилиб, 38863,67 квадрат километр майдоннинг электрон рақамили карталари яратилди ва иқтисодиёт тармоқларининг қатор соҳаларида фойдаланиш учун тақдим этилди. Корхона рақамили карталарни ишлаб чиқариш технологиясини замон талабларига жавоб беришини доимий таъминлаш учун қатор хорижий давлатлар, жумладан Греция, Венгрия ва Белорус Республикаларидағи ҳамкаслари билан доимий тажриба алмашишларни йўлга кўйган. Рақамили карталар яратиш борасидаги билим ва тажрибаларни ёш авлодга етказиш мақсадида корхона факультет билан узвий алоқалар ўрнатган. Корхонани факультетимиз талабаларига кўрсатаётган амалий ёрдамлари, электрон рақамили карталар яратиш тажрибаларини ёшларга ўргатаётганлиги учун факультет жамоаси доимо уларга ўзларининг миннадорчилигини билдиради.

Факультетни ўз вақтида муваффақиятли тугаллаб корхонада узоқ йиллардан бери фаолият юритаётган мутахассислар талайгина. Улардан баъзилари тўғрисида тўхталишни жоиз деб билдик: Каримов Анвар Абдувалиевич- 1957 йили Тошкент вилояти Ўртачирчик туманида туғилган, факультетни 1979 йили тугатган, узоқ йиллар Тошкент вилоят “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бошқармасини бошқарган, бугунги кунда корхона Бош мутахассиси; Каримов Баходир- 1958 йили Тошкент шахрида туғилган, факультетни 1987 йили тугатган, бутун умр ушбу корхонада фаолият юритиб келмоқда, бугунги кунда корхона Бош мутахассиси; Шоисмоилов Баходир - 1961 йили Тошкент шахрида туғилган, факультетни 1994 йили тугатган, корхона техника бўлими бошлиғи; Ахмедов Ғайрат - 1965 йили Тошкент вилоятида туғилган, факультетни 1988 йили тугатган, ер тузиш соҳасида узоқ йиллардан бери ишлаб келмоқда, корхона бўлим бошлиғи; Мамараимов Муроджон- 1975 йили Тошкент шахрида туғилган, факультетни 2002 йили тугаллаган, корхона раҳбари бўлиб ишлаган, бугунда корхона бош мутахассиси; Эшонов Мақсудали- 1964 йили Тошкент вилоятида туғилган, факультетни 1997 йили тугатган, узоқ йиллардан бери ушбу корхонада фаолият олиб бормоқда, бугунги кунда

корхона 1 тоифали мухандиси; Байметова Фотима – 1971 йили Тошкент шахрида туғилган, факультетни 1999 йили тамомлаган, корхонада 2 – тоифали мухандис лавозимида ишламоқда. Факультетни тамомлаб ушбу корхонада фаолият олиб бораётган собиқ талабалар умуман анчагина. Улар ўзларининг фаолиятларида эришаётган муваффакиятларида факультетда таълим берган устозларининг камтарин меҳнатлари борлигидан доимо фаҳрланадилар.

4.6. “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси

“Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси 1934 йили ташкил этилган. Ташкил этилган кунидан бошлаб корхонанинг асосий вазифаси мудофаа ва Ўзбекистон халқ хўжалигини турли туман картографик маҳсулотлар билан таъминлашдан иборат бўлган.

«Картография» ИИЧДК 2003 йилда нашр жараёнини электрон назорат қилувчи 4-рангли катта форматдаги «KVA Rapida 105», 2011 йилда «Rayobi 780 E» ofset машиналарига эга бўлди. Ушбу ускуналарнинг ишга туширилиши билан, полиграфик маҳсулотларнинг сифати сезиларли даражада ўзгарди, корхона картографик маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш имкониятлари ошди, карта ва атласларнинг ишлаб чиқарилиш муддатлари қисқарди, халқ таълимини ўқув қўлланмалари билан таъминлаш имкони пайдо бўлди.

«Картография» илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонасининг асосий фаолият тури, очик фойдаланиш учун мўлжалланган картографик маҳсулотларни таҳририй лойиҳалаш ва нашр этишдан иборат. Корхона маҳсулотлари халқ хўжалигини бошқаришда, фан ва техника, хўжаликларро муносабатларни ривожлантиришда, халқ таълимини кўргазмали ва услубий қўлланмалар билан таъминлашда, туризмни, транспортни ривожлантиришда, аҳоли маданиятининг умумий даражасини кўтаришда ёрдам кўрсатади. Замонавий даражада, 4-9 синфлар учун географик карталар, 5-9 синфлар учун тарих фанидан атлас ва ёзувсиз карталар нашрга тайёрланди ва нашр этилди. Ўзбекистоннинг сиёсий ва маъмурий, табиий, тематик, Ўзбекистон

Республикаси вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг табиий ва иқтисодий, дунёнинг сиёсий ва тематик, ярим шарлар картаси, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг табиий картаси, тарихий деворий карталарига ва Ўзбекистон Республикаси вилоятларининг сиёсий-маъмурий йиғма карталарига талаб ошди. Вақти-вақти билан шаҳарлар планлари нашр этилади. «Дунёнинг кичик атласи», «Ўзбекистон Республикасининг тупроқ атласи», «Ўзбекистоннинг география атласи» нашр этилди.

2013-2014 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вилоятларининг ўлкашунослик атласлари яратилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси автомобиль ва темир йўллари карталари яратилди.

Картография маҳсулотларидан ташқари «Картография» ИИЧД корхонасида катта миқдорда полиграфия маҳсулотлари: жумаллар, буклетлар, плакатлар, брошюралар, календарлар, дафтарлар, этикеткаларвабошқалар ишлаб чиқарилади.

Мустакил Ўзбекистонда ишлаб чиқариш имкониятларининг ўсиши корхона томонидан нашр этиладиган карталар ва атласларда ўз аксини топмоқда, улар ўзларининг илмий мазмуни ва бўёкли безаклари борасида кўп ташкилотлар ҳамда аҳоли ичида катта ҳурмат қозонди.

Шунингдек, турли таълим босқичларининг ўқувчилари ва талабалари ҳам карталар истеъмолчилари ҳисобланади. Корхона маҳсулоти халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда кўмак бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси томонидан хорижий мамлакатлар билан ўрнатилаётган кенг алоқаларни, шунингдек, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини инобатга олиб, корхонада туристик мавзуга оид карталар ва схемаларни, шу жумладан, чет тилларда чиқариш ишлари фаоллаштирилмоқда.

2005 йил бошида «Картография» ИИЧДКга Давлат картография фонди ва вилоят кадастр хизматлари учун режали-картографик ишлар тузиладиган

ва нашр этиладиган «Агрохарита» картография фабрикаси қўшилди. Бу бирлашув натижасида қишлоқ хўжалиги карталарини ишлаб чиқариш янгича даражаларга кўтарилиди, қўл меҳнати компьютер билан алмашгандан сўнг карталарнинг яратилиш муддати қисқарди, чиқарилаётган туман қишлоқ хўжалиги карталарининг сифати яхшиланди. Ҳозирда геоахборотлар тизими (ГАТ)дан фойдаланган ҳолда ишлар олиб борилмоқда. «Nashuates 582 АО» рақамли кўпайтириш аппарати ёрдамида Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва Тошкент шаҳри ер ресурслари давлат кадастрлари бўйича бошқармаларининг буюртмалари сифатли бажарилмоқда.

Факультетни тугатиб ушбу корхонада узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган мутахассислар тўғрисида тўхталиб, қуидагиларни алоҳида қайд қилишни лозим топдик: Пак Юлия Мун-Хибовна- факультетни 1989 йили тугатган, ер тузувчи мухандис, бугунги кунда “Электрон картография ва дизайн” бўлимининг 1-тоифали мухаррири, назорат мухарриятининг бошлиғи; Суполкина Наталья Александровна – факультетни 1991 йили тугатган , бугунги кунда “Иқтисодий тахлил, режалаштириш ва меҳнатни ташкил қилиш” бўлимининг бош мутахассиси; Иномов Бекзод Низамович – факультет бакалавриатурасини 2006 йили, магистратурасини 2010 йили тугатган, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси раисининг ёрдамчиси, “Ўздаверлойиҳа” институтида ер тузиш бўлимининг етакчи мутахассиси лавозимларида ишлаган, бугунги кунда корхонанинг “Қишлоқ хўжалик карталари фонди” мудири. Улар ўзларининг фаолиятлари билан корхона ишлаб чиқаришига ўз улушларини қўшишмоқда.

4.7. “Тупроқ бонитировкаси” шуъба корхонаси

“Тупроқ бонитировкаси” шуъба корхонаси Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг 1959 йил N 270 “Ўзбекистоннинг жамоа ва давлат хўжаликларида тупроқ агрокимё хизмати ва тупроқларни тадқиқот қилиш ишларини ўтказиш хақида” ги қарорига асосан собиқ иттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институти қошида тупроқ кузатуви экспедицияси сифатида

1959 йил 20 апрелда ташкил этилган.

Дастлабки пайтларда экспедицияга куйидаги ишларни бажариш топширилган эди:

- колхоз ва совхозлар учун алмашлаб экиш турларини (схемаларини) түғри танлаш, ўгитлардан самарали фойдаланиш;
- экинларни суғориш ва уларга замонавий даражада ишлов бериш йўлларини белгилаш;
- тупроқларни шўрланишига, ботқоқланишига ва нурашига қарши чора - табдирлар ишлаб чиқиши мақсадида тупроқларни агроишлаб чиқариш тавсифига асосан хўжаликларни тупроқ хариталари билан таъминлаш.

Тупроқ экспедицияси 1960 йилдан бошлаб “Тупроқшунослик ва агрохимия” институтига, 1961 йилдан, аввалига Ер тузиш Бош бошқармасига, кейинчалик “Ўздаверлойиха” ташкил этилгандан сўнг ушбу институт ихтиёрига ўтди. 1989 йилдан бошлаб экспедиция институтнинг «Ер кадастри» филиалига айлантирилди.

Ўз фаолияти давомида “Ер кадастри” филиали (ЕКФ) Республикасининг аксарият худудлари бўйича 3 ёки 4 марта йирик миқёсли тупроқва тупроқ - мелиоратив тадқиқотларини ишлаб чиқсан. Бундай катта ҳажмдаги тупроқ кузатувчилари ишларининг натижалари ҳозирги кунда Республика бўйича ягона тупроқ - кимёвий маълумотлари банкини яратиш имкониятини берди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалик корхоналари учун ишлаб чиқарилаётган Ер тузиш лойиҳаларини хаётийлигини ошириш имкониятини яратди.

Филиалда йирик масштабли тупроқ хариталари ёрдамида сугориладиган минтақадаги ҳар бир дала учун дала паспорти тайёрланди. Бунинг натижасида ҳар бир сугориш участкасида ишлаб чиқариш фаолиятини аниқ баҳолашга имкон берадиган ернинг сифат баҳоларини аниқлаш мумкин бўлди. Бу албатта ижара пудратини кенг кўламда жорий этишда, янги тоифадаги дехқон (фермер) хўжаликлари, ширкатлар ва бошқа ер эгаликлари (ердан фойдаланувчилар) да ер солиғи, ижара хақи миқдорларини түғри белгилаш, ишлаб чиқаришни түғри режалаштиришда катта аҳамиятга эга

бўлган. Шу билан биргаликда ЕКФ томонидан тупроқларни шўрланиш даражасини аниқлашнинг III давраси ниҳоясига етказилди, тупроқбонитировкаси ва ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашнинг IV босқичи тўла тугалланди.

ЕКФ ни ташкил этишда ҳамда уни ривожлантиришда таниқли тупроқшунослардан С.Сучков, М.М.Кочубейларнинг хизматлари бениҳоя ката бўлган. Шулар томонидан биринчи марта тупроқларни табиий унумдорлигини аниқлаш (тупроқ бонитировкаси) нинг Республикадаги энг мақбул услубияти ишлаб чиқилган ҳамда бу услубият ҳаттохи бугунги кунда ҳам кенгкўлланилмоқда. Ерларни иқтисодий баҳолаш ишларини ўтказишида А.С.Эйнисманнинг ҳам хизматлари катта бўлган.

ЕКФ ўз фаолияти даврида “Марказий Осиё пахтачилик сув хўжалиги”, “Ўздавсуввойиҳа” илмий лойиҳалаш институтлари, Ўзбекистон ФА “тупроқшунослик ва агрохимия”, “Марказий Осиё ирригация илмий - тадқиқот институтлари”. “Республика хисоблаш маркази”, ТИҚҲМИИ, ТошДУ, Тош АУ ҳамда МДҲ даги ер кадастри ташкилотлари билан хамкорликда ўз фаолиятини олиб борган.

«*Тупроқ бонитировкаси*» шўъба корхонаси томонидан 2004-2014 йиллар мобайнида қўйидаги ҳажмда ишлар бажарилган:

- 2004 йилда Бухоро вилоятида (11 туман ва 1 шаҳар) 206888 гектар суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонларининг тупроқ сифатини баҳолаш карталари тузилди;
- 2005-2006 йилларда Хоразм вилоятининг (10 та туман) 209649 гектар суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонларининг тупроқ сифатини баҳолаш карталари тузилди;
- 2006-2008 йилларда Тошкент вилоятининг 324653 гектар суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчиларнинг тупроқ сифатини баҳолаш карталари тузилди;
- 2009 йилда Тошкент вилоятининг 15 туманида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва бошқа ерлардан фойдаланувчиларнинг

оптималлашган ер майдонларидағи сугориладиган ерларнинг ўртача ҳисобланган бонитет баллари ҳисобланди;

- 2007-2010 йилларда Самарқанд вилоятининг 306406 гектар сугориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ерлардан фойдаланувчиларнинг тупроқ сифатини баҳолаш карталари тузилди;

- 2007-2008 йилларда Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида ер мониторинги ишлари амалга оширилди;

- 2010-2011 йилларда Фарғона вилоятининг (4 та туманда) 91786 гектар ва Бухоро вилоятининг (6 та туман ва 1 шаҳар) 133777 гектар сугориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ерлардан фойдаланувчиларнинг тупроқ сифатини баҳолаш карталари тузилди;

- 2012-2013 йилларда Қашқадарё вилоятининг (9 та туман) 328887 гектар сугориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ерлардан фойдаланувчиларнинг тупроқ сифатини баҳолаш карталари тузилди;

- 2013 йилда Сурхондарё вилоятининг (4 та туман) 89705 гектар, Андижон вилоятининг (7 та туман ва шаҳар) 112571 гектар, Қорақалпоғистон Республикасининг (2 та туман) 66263 гектар сугориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ерлардан фойдаланувчиларнинг тупроқ сифатини баҳолаш карталари тузилди;

- 2014 йилда Сирдарё вилоятининг (3 та туман) 117181 гектар ва Навоий вилоятининг (1 та туман) 30719 гектар сугориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ерлардан фойдаланувчиларнинг тупроқ сифатини баҳолаш карталари тузилди.

Шунингдек, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 24

февралдаги 39-сонли “2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Сирдарё вилояти туманларида сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларнинг шўрлангантупроқларини картага тушириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

5-БОБ. СОБИҚ ТАЛАБАЛАР ВА АВЛОДЛАР ХОТИРАЛАРИ

Факультетда яхши бир анъана узоқ йиллардан бери сақланиб келмоқда. Бу анъананинг асл мақсади ушбу даргоҳни тутатиб кетган курсдошлар учрашувларини даврий равишда ўтказиш, ўтганларни эслаш, ҳаққига дуо қилиш, рўй берабётган ижобий ўзгаришлардан баҳраманд қилишдан иборатдир. Ушбу учрашувларнинг аксарият қисмини институтнинг ўзида, қолаверса факультетда ташкил этилаётганлиги ҳам ушбу мутахассисликка бўлган қизиқиши оширишда муҳим омил бўлади.

Қўйида биз кейинги 2-3 йил ичида шундай учрашувлар давридаги собиқ талабалар хотираларини қисқача келтиришни лозим топдик.

Сафаров Исоқжон (1978йил битирувчиси): Мен Қашқадарё вилоятининг Косон туманидан ушбу факультетга ўқишига келганман. Ўқишини муваффақиятли тутатиб, қўлимга олий маълумотли ер- тузувчи инженер дипломини олиб йўлланма билан “Қаршистрой” бошқармасига қарашли “Қаршицелинхлопок” трестининг “Мелиорация ва ер тузиш” бўлимида катта инженер, 1980 йилдан 2014 йилга қадар Қашқадарё вилоят сув хўжалиги бошқармасига қарашли “Гидрогеология – мелиоратив экспедиция” да катта инженер, бўлим бошлиғи ва ҳозирда 1- тоифали инженер лавозимида ишлаб келмоқдаман. Касбим орқасидан 2 нақар ўғил ва 4 нафар қизни тарбияладим. Мени факультетда тарбиялаган, билим берган устозларимни доимо чуқур миннатдорчилик туғуси билан эсга оламан. Бугунги кунда уларнинг аксарияти оламдан ўтган, жойлари жаннатда бўлсин. 2015 йил май ойида

Тошкентда, институтимизда бўлган курсдошлар учрашуvida жонажон даргоҳимиз қанчалик чиройли, хашаматли бўлиб кетганлигини кўриб жуда хавасим келди ва бугунги институтимиз раҳбарларига раҳматлар айтдим.

Рахматов Норбўта(1981 йил битиравчиси): Мен Сурхандарё вилояти Шўрчи туманидан ушбу факультетга ўқишга келганман. Ўқиш билан бир қаторда спорт билан ҳам қизиқиб, самбо бўйича институт шаънини кўп марта химоя қилганман. 1981 йилда Россиянинг Олтой ўлкаси Барнаул шаҳрида бўлиб ўтган бутуниттифоқ мусобақасида “ Самбо бўйича СССР спорт устаси ” нормативини бажарган эдим. 1981- 2000 йиллар жамоа хўжалигида ер тузувчи мухандис бўлиб ишладим, 2008 йилга қадар фермер хўжалигини бошқардим, бугунги кунда Шўрчи туман ер ресурслари ва давлат кадастри худудий хизматида ер тузувчи мухандис лавозимида ишлаб келмоқдаман. 4 нафар фарзандни тарбияладим, бугун невараларни ҳам тарбияламоқдаман. Собиқ курсдошларим, ўртоқларим билан дўстлик алоқаларимиз жуда яхши. Улар қайси вилоятда истиқомат қилишларига қарамасдан тўйларимизда иштирок этишга ҳаракат қилишади. Факультетда ўқитган устозларимиз, айниқса А. Абдураззоқов, Р.Сафаргариев, Б.Калоновларни жуда кўп эслаб тураман. Бугунги кунда қадирдонларим А. Бабажанов, М. Акбаров, А. Муқумовлар ҳам факультет равнақи учун катта ишлар қилмоқдалар. Мен факультет жамоасига чуқур миннатдорчилик билдириб қоламан.

Қозоков Абдурайим (1978 йил битиравчиси): Мен Бухоро вилоятининг Ромитон туманидан ушбу факультетга ўқишга келганман. Ўқиш давомида Р. Райимов, А. Абдураззоқов, Т.Исмоилов, В.Бекенов, А. Чертовицкийлардан яхши билимларни олиб, кейинчалик шу билимларни хаётда тадбиқ қилганман. Ўқишини битириб Ромитон давлат хўжалигида ер тузувчи мухандис лавозимида ишладим, кейинчалик ушбу хўжаликда директор ўринбосари, 1992-1996 йиллар туманининг Ф. Хўжаев номли жамоа хўжалигида раис, кейин раис ўринбосари бўлиб меҳнат қилдим. 2000 йилдан буён фермер хўжалигига раҳбарлик қилганман. Турмуш ўртоғим Курсияхон билан биргаликда 5 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Ҳар йили

ўтказилаётган курсдошлар учрашувида қатнашиб келяпман. Айниқса 2015 йил институтимиздаги учрашув менга катта таасурот қолдириди. Институтимиз мажмуаси жуда ўзгариб кетибди. Буни учун республикамиз, қолаверса институтимиз раҳбариятига раҳмат. Ҳозирги институтимизда ўқиётган талаба ёшларга жуда ҳавасим келди.

Тошев Исокжон(1978 йил битирудчиси): Мен ўқишига 1973 йили Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидан келганман. 5йил давомида Андижонлик курсдош ўртоғим Абдусаломов Баходир билан бирга институт ётоқхонасида (6- ётоқхона) яшадим. Курсдошим Моҳинур деган қизга уйландим (мухаббат борасида). Бугунги кунда қадар баҳтли оила бўлиб, ўғил – қизларга ота-она бўлиб қувончли хаёт кечирмоқдамиз. Ўзим институтни тугатгандан кейин бирмунча вақт “ Средагазгипроводхлопок” га қарашли маҳсус экспедицияда мухандис, 1991 йилдан буён эса “Шўртангазнефт” бирлашмасида масъул лавозимида ишлаб келмоқдаман. Моҳинурхон эса узок йиллардан бери Қарши шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасида мухандис бўлиб ишлаб келмоқда. Дўстлик учрашувларига бирга борамиз. Институт даргоҳини, турли шаҳарларда ўтказилган ишлаб чиқариш амалиётларини, ўртоқларни институт домлаларини эслаб турамиз. Улар ўз вақтида ўзларининг меҳр-мурувватлари билан қалбимизда чуқур из қолдирган.

Қурбонов Хўжаёр(1978 йил битирудчиси): Мен Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидан факультетга ўқишига келганман. Ўқиш пайтида жуда қизиқарли гаплар бўлган. Айниқса 1-курс пайтимизда, Учхозда пахта йифим-теримида раҳматли домламиз Ражаб aka Раимов менга бир марта эътиroz билдириб, “агар 3-гуруҳ талabalари ҳаммаси бугун 120 кг дан падбор териб бермаса, унда Хўжарёни ҳайдайман ” дегани ҳалиям эсимда қолган. Диплом лойиҳамни раҳбари “Ер тузишни лойихалаш” кафедраси мудири, доцент раҳматли Абдулла aka Абдураззоқов менга жуда кўп сабоқ берган. Ушбу олган билимларим билан ўқиши тугатгандан сўнг ТИҚҲМИИ нинг Қарши филиалида ёшларга таълим бердим. Кейинчалик Тошкент ҳалқ

хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент иқтисодиёт университети) ни сиртдан битказиб вилоят солиқ бошқармасига ишга ўтдим ва ҳозиргача ушбу корхонада масъул лавозимида меҳнат қилмоқдаман. Турмуш ўртоғим Фотимахон билан 5 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Уларнинг барчаси бугунги қунда эл юрнинг корига ярайдиган мутахассислар бўлишди. Оиламизнинг энг шодлик кунларида факультет, институтни фахр ва ифтихор билан эслайман.

Рахимов Бахтиёр (1978 йил битиравчиси): Мен ўқишга Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидан келганман. Институт, қолаверса факультет менга яхши таълим-тарбия берганлигини эътироф этишим зарур. Ўқиш пайтида мен курсдошим,Хоразмлик акамиз Қутлимурод Бекиев билан ётоқхонада бирга турганман.Бизга айниқса домламиз Раъно опа Нурматова бошқа талабаларга нисбатан меҳр кўзи билан қараган. Домлаларимиз Абдулла ака Абдураззоқов, Рашит ака Сафаргариев, Гавриил Гавриилович Подгарнов, Павел Михайлович Куликовскийлар яхши билим беришган. Уларнинг барчаси рахматли бўлиб кетишган. Жойлари жаннатда бўлсин. Институтни битказиб, олдинига Хоразм вилоят комсомол қўмитасида, кейинчалик Хоразмглавснаб ташкилотида инженер, бўлим бошлиғи, бошлиқ ўринbosари ва 1998 йилдан бери ушбу даргоҳнинг бош директори вазифасида ишлаб келмоқдаман. Турмуш ўртоғим Мухаббатхон билан 3 нафар фарзандни вояга етказдик. Мен бир факультетда ўқиган ўртоқларимдан жуда хурсандман, негаки уларнинг аксарияти бир ёқадан бош чиқариб, бирлашиб кейинги 6-7 йилдан буён ҳар вилоятларда учрашувлар ташкил этиб бизларни янада яқинлаштириди. Ушбу учрашув пайтларида институт тўғрисида жуда илиқ хотиралар эсланади. Мен ҳам ўз номимдан институт жамоасига чуқур миннатдорчилик изҳор этиб қоламан.

Исомиддинова Замирахон (1978 йил битиравчиси). Институт остонасига 1973 йили Наманган шаҳридан келганман. Ўқиш пайтимизда, доимий старистамиз Аллаберган Бабажановни ҳар ойнинг 15 куни стипендия берармикан, бугун, деб кутиб ўтирадик қизлар билан. Мана

ўқиши битириб кетганимизга 37 йил бўлибди, институт ҳам ўзгариб жуда чиройли бўлиб кетибди, хашаматли бўлиб кетибди. Маъруза заллари жуда замонавий бўлибди. Айниқса бугун домламиз Мукаррам опа Сулаймонова билан учрашганимиз олдинги ўқиш пайтларини эслатди, бизга. Ўқишидан кейин битта ташкилотда, ўзимизни мутахассислигимиз бўйича Наманган вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида ишладим ва нафақада бўлишига қарамасдан ҳам ушбу даргоҳда ишлайпман.

Эргашев Валижон Наманганнинг Поп туманидан факультетга ўқишига келганман. Ўқиш давомида турли вилоятлардан келган кўп ўртоқлар орттиридим. Бугунги кунда қадар улар билан қадрдон дўст бўлиб қолдим. 1978 йилда институтни тугатиб йўлланма билан Наманган “Узгипрозем”га ишга келдм. Бу ерда 4 йилча ишладим. Кейин, 1982 йилдан 2008 чийлга қадар Поп тумани ер ресурслари ва давлат кадастри худудий хизматнинг бошлиғи бўлиб ишладим. Турмуш ўртоғим Зулфияхон билан биргалиқда танобчилик орқасидан 5 нафар фарзандни меҳнаткаш, эл дардига малҳам бўладиган инсонлар қилиб вояга етказдик. Уларнинг барчаси олий маълумотли бўлишади. Бугунги кунда фермер хўжалигини бошкармоқдаман. Хўжаликда ҳар йили пахта, ғалла ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олинмокда. Бундай муваффақиятларга эришишимда биринчи галда институтда олган билимларим жуда қўл келди, деб хисоблайман. Шодиёна кунларимда устозларим, раҳматли А. Назиров (геодезиядан), А. Абдураззоқов (ер тузиш илмидан), Т. Исмоилов (аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш илмидан) ларни эслаб тураман. 2015 йил май ойида Тошкентда, жонажон институтимизда бўлиб ўтган курсдошлар учрашувида институт раҳбарларига, қолаверса ҳукуматимизраҳбарларига, даргоҳимизни шундай обод ва қўркамлиги учун ўз миннатдорчилигмни чин қалбимдан билдиридим.

Зухрахон Колмекбаева(1978 йил битиривчиси). Мен институтга Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот шаҳридан ўқишига келганман. Ўқишини тугатиб, то 2009 йилга қадар Қорақалпоқводстройга қарашли ПМК- 11 да муҳандис бўлиб ишладим. 4 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдим.

Уларнинг барчаси ҳозир уйли-жойли бўлиб кетишган. 2011 йили Сурхондарёда бўладиган курсдошлар учрашувига таклиф қилингандаридан жуда хурсанд бўлиб кетдим. 33 йил олдин институтни бирга тугатган дўстларимни бир кўрсам армоним йўқ деб сафарга отланган эдим. Учрашув жуда мароқли бўлди. Шундан бери ҳар йили имкон борича қатнашиб келяпман. Шундай номи бутун дунёга тараалган институтда ўқиб вояга етганимдан хурсандман. Кўпинча бизга дарс берган домлаларимиздан Р.Раимов, С.Бондаренко, Г. Полякова, А. Шипилова , А. Назировларни эслаб тураман. Курсдошлар учрашуви каби анъаналар давом этаётганилиги боис мана, битириб кетгандан кейин, 37-йилдан кейин яна ўзимизнинг ўқув даргоҳимизни кўриш насиб қилди. Оллоҳга беадад шукурлар бўлсин, мана факультетимни, институтимни кўриш насиб бўлди.

Жалилов Рўзимурод (1978 йил битиравчisi). Факультетга Самарқанднинг Иштихон туманидан келганман. Даргоҳни тугатиб олдинига туман қишлоқ хўжалик бошқармасида, кейинчалик ширкат хўжалигида ер тузувчи мутахассис бўлиб ишладим. 2006 йилдан буён туман бош ер тузувчisi бўлиб фаолият олиб бормоқдаман. Менга талабаликда домлаларимиздан олган билимлар жуда аст қотмоқда.Айниқса А.Н. Назировни “Геодезия”дан берган билимлари Р.Сафагариевни “Ер кадастри”дан берган билимлари, А.Абдураззоқовни “Ер тузишни лойиҳалаш” дан берган сабоқлари катта амалий ёрдам берган. Айниқса Абдулла акамиз, менимча факультет ҳаётида ўчмас из қолдириб кетди. Бу ҳақ гап, негаки битириб ишлаётганимизга 36 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, мендан кейинги битиравчилар ҳам барчаси ушбу домламизни фақат яхшилик билан эслайдилар. Мен факультет жамоасига, институт жамоасига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдириб қоламан.

Ражабов Элмурод (1978 йил битиравчisi). Факультет ташкил этилганлигини 70 йиллигинизўр қувонч ва ифтихор билан кутиб олар эканмиз, шундай даргоҳда камол топганимдан ниҳоятда баҳтиёрман. Институтни битириб ПМК да оддий устачиликдан ўз фаолиятимни

бошлаганман. Кейинги йиллари ушбу ПМК да бош инженер , корхона директори, 1995- 2002 йиллар ширкат хўжалиги бошқарув раиси бўлиб ишладим. Мана энди фермерхўжалигини бошқаряпман. Қайси лавозимда меҳнат қилишимга қарамасдан доимо институтда олган билимларимга таяндим. Рахматли домлаларимиз, шу пайтдаги институт ректори С.Пўлатов,деканимиз А.Назаров, декан ўринбосари Б.Калонов, кафедра мудирилари профессор П.Татур, доцент А.Абдураззоқов, С.Алимаганбетов, Т. Исмоиловларни чуқур миннатдорчилик билан эслайман. Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин уларга, жойлари жаннатда бўлсин. Бугунги кунда фаолият олиб бораётганларга оиласвий баҳт, сиҳат-саломатлик тилайман. Институтимиз, факультетимиз бундан кейин ҳам гуллаб яшнайверсин.

Мухиддинов Қаҳрамон (1978 йил битиравчиси). Мен ҳам ўқишига Бухоро вилоятидан келган эдим. Шофирконнинг Калон қишлоғида ўсиб-улғайиб шундай етук олий ўқув юртида билим олиш менга ҳам насиб қилган. Факультетни битириб йўлланма билан олдин “Тадрикгипрозем ” да ишладим, кейин ўзимизни туманга қайтиб келиб ПМК да бўлим бошлиғи, отряд бошлиғи, СМУ да бош мухандис, хўжаликда ер тузувчи мухандис лавозимларида меҳнат қилдим, фермер хўжалигини бошқардим. 2007 йилдан буён туманимиздаги касб-ҳунар колежида фан ўқитувчиси бўлиб ишламоқдаман. Шу билан биргаликда институтда олган, амалиётда орттирган билимлардан тўлароқ фойдаланиш учун топосъёмкалар бажариш бўйича хусусий кичик корхона ҳам очганман. Ҳар йили кўп сонли топосъёмкалар бажарайпман. Умр йўлдошим билан 5 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Неваралар ҳам бор, албатта. Бундай муваффақиятларда сўзсиз устозларимни хиссаси бениҳоя катта. Факультет ташкил этилганлигининг 70йиллиги муносабати билан ушбу даргоҳда фаолият олиб бораётган профессор- ўқитувчиларга омад тилаб қоламан.

Эсонкулов Турғунбой (1978 йил битиравчиси): Сурхон элининг Жарқўргонидан факультетга ўқишига келган эдим. Ўқиш даврида турли вилоятлардан келган талабалар билан ўртоқлашдим ва ушбу дўстлик

риштасини хозиргача узганим йўқ. Оддий геодезист – инженерликдан қурилиш трестининг бошқарув раислигига етишимда ва ушбу катта лавозимда муваффақиятли фаолият юритишимида факультетда ушбу даврларда таълим берган домлаларимнинг хизматлари каттадир. Шу сабабли ўғлим Хайрулла ҳам айнан мендан кейин ушбу факультетни тугатди ва бугунги кунда вилоят кадастр бошқармасида фаолият юритмоқда. Бугунги кунда кичик корхонани бошқараяпман, эл-юртнинг хизматидаман. Умр йўлдошим Гулинор билан 5 нафар фарзандни тарбияладик. Барча ютуқларим, оиласиз фаровонлигига институтимиз, қолаверса факультетимиз домлаларининг улкан хиссалари борлигидан хурсандман. Уларга умрбоқийлик, касбларига барака тилайман.

Профессор П.К.Татурнинг ўғли Сергей Татур (таниқли ёзувчи) ва қизи Ольга Татур (олима, ТИҚҲММИда ишлаган)ларни отаси ҳақида хотиралари: “Отамиз ҳақидаги сўз”

Биз урушга кетган отамизни яхши эслаб қололмадик, чунки ўша пайтда жуда кичкина эдик. Лекин урушдан келган отамизни яхши эслаймиз. У ҳар биримизни қаттиқ қучоклаб, кўкка етгунча отиб, ярқираб турган орден ва медаллар лиқ тўла кўкрагига босди, буни кўрган онамиз қувончдан йиғлар эди. Биз кейин урушдан кетган отамизни қайтиб келгани қандай баҳт эканлигини тушундик. Бирга ўқийдиган тенгдошларимизнинг яrimидан кўпининг оталари урушдан қайтмади.

Отамнинг ёшлиги мамлакатнинг бошига тушган энг оғир даврга, яъни биринчи жаҳон ва фуқаролар уруши пайтига тўғри келган. У Минскда яшаган, 1919 йилда ич кетиш касаллигидан яқинлари, онаси Олимпиада Ивановна ва учта катта опаси оламдан ўтган(иккита катта акаси ўша пайтда алоҳида яшар эдилар). 12 ёшлиқ болакай Москвага, Университет талабаси, акаси Сергейнинг ёнига келган. Акаси уни қарамоғига олди ва тарбиялади. Йўл босиб келар экан унга жуда кўп яхши одамлар кўлидан келганича ёрдам берган. Кимдир тунаб қолиш учун жой берса, кимдир ош-овқат билан сийлаган, мана шу хотиралар эвазига уйи йўқ ва камбағалларга нисбатан

жуда меҳрибон бўлди ва сахийлик қилди. Акаси Сергей Кузмич кўп ўтмай кўзга кўринган таниқли иқтисодчи бўлган. Анча йиллар Университетнинг иқтисод кафедрасида мудир бўлиб фаолият юритди, ҳозирда унинг шарафига хайкал ўрнатилган. Отамнинг иккинчи акаси Геннадий Кузмич ҳам фан доктори бўлди. Лекин ўзининг йўналиши бўйича қурувчи механикликни танлади. Бу уч ака-ука ҳар хил касб эгаси бўлишига қарамасдан бир хил муваффақият чўққисини эгаллашди. Отам кўпинча хазиллашиб «Ген ҳар доим Ген» дир деган эди.

Отам жуда эрта мустақил бўлди. НЭП йиллари у ўсмир ёшда бўлишига қарамай Кримда яшади ва ишлади. Бахчасарой яқинида тўғон қуриш ишларида фаол қатнашди. Ерларни қазиб, тўғонга машина билан тош ташиб ёғоч билан текислади. Мана шу меҳнати учун ойига 90 сўм ҳақ олган. Ижара ва овқат учун уй эгасига 15 сўм берар эди. НЭП даврида топган ойлик маоши билан катта бир оилани боқа олар эди. Кейинчалик “профессор сифатида олган ойлик пулим ишчи бўлиб топган 90 сўмга teng келар эди” деб айтган эди. Шундай қилиб, кейинги йиллари қишлоқ хўжалигини колективлаштириш ва индустрялаш жуда мустаҳкамланди.

Кримда ишчилар факультетини тамомлаб отам 1933-йили Москвага бориб Ер тузиш институтига ўқишга киради. Институтда ўзи билан бир курсда ўқийдиган Елена Яковлевна Рисслинг билан танишади. Улар ўртасидаги дўстлик мухаббатга айланади ва оила қуришади. Отамнинг институтдаги охирги ишлаб чиқариш амалиётларидан бири Қорақалпоғистонда бўлди. У Қорақалпоғистоннинг чанг, тупроқ кўчасидан борар экан ғалати катта из уни қизиқтириб қўйди. Изнинг орқасидан тез-тез юриб аравага етиб олди. Унда катта лаққа балиқ думини қимиллатиб чангда у ёқдан бу ёққа типирчилаб ётар эди. Отамни мана шу холат қизиқтириб қолгани сабаб битирувчи талабаларни ишга жўнатаётган вақтда Ўзбекистонга жўнатишларини сўраган. Шундай қилиб ота-онам Тошкентга келиб қолишган. Улар ҳеч қачон ўз танловларидан афсус қилмаганлар.

Отамни армияга чақиришганида биз эски шахарда, Шайхонтохур яқинида яшар эдик. Отам Фрунзе шаҳрида, эвакуация қилинган Инженерлар академиясида бир йил ўқидилар. 1942 йилнинг охирида Сталинград қамали бошланиб, урушнинг йўналиши кескин ўзгарган пайтда ҳаракатдаги армияда хизматга кетдилар. Улар сапер бўлганликлари учун мина ўрнатиш, миналардан йўллар, кўприкларни тозалаш, кўприк қуриш, истехком ўрнатиш ва саперлар разведка бригадасини бошқариш каби ишларни бажарганлар. 1943 йил баҳорда уларнинг отряди ўрнатган мина немисларнинг 2 та танкини портлатган. Охирги ўзининг операциясини Бреслоу қасридаги шахарда, Берлиннинг тўнтарилишидан кейин бажарганлар. Отамни қўлига Бреслоу ер ости алоқа картаси тушиб қолган, канализация тунелларидан отамнинг автоматчилар ва портлатувчилар отряди шаҳар марказига чиқиб, душманнинг ўзиюрас қуролларини йўқ қилишган ва уларнинг экипажларини қўлга олишган. Менимча хафталаб рейд қатнашчиларига жуда қийин бўлган, шунга қарамай улар ўзларига юклатилган вазифани аъло даражада бажаришган, йўқотишлар бўлмаган. Урушда тезлик ва тўсатдан қилинган иш жуда самарали ишдир.

Биз фарзандлари, онамизнинг фронтдан интизорлик билан хат кутганини, хат келган пайтда кўзлари чақнаб қувониши, узоқ вақт келмаганида эса кўзи ғамгин бўлганини эслаб қолдик. Урушда биз болалар, сақлайдиган нарса бўлишимиз шарт эди ва бизни сақлашди.

Демобилизациядан кейин отам ирригация институтига ишга борди ва у ерда вафот этганича ишлади. Кўп марта нафақага чиқишига кўндиришга ҳаракат қилдик лекин, у бу хақда эшишишни ҳам хохламади. У институтда ишлар эди ва уйда биз уни орқаворатданёзув столигаэгилган ҳолда кўрар эдик. Мутахасислик китоблари иккита катта жавонни эгаллар эди, у керак нарсалар доимо қўли остида бўлишини яхши кўрар эди. Аввалига у номзодлик диссертацияси, кейин эса докторлик диссертацияси, кейин қишлоқ аҳоли жойларини режалаштириш китобиниёзган. Кафедрани бошқариб, илмий тадқиқот раҳбари сифатида у ўндан ортиқ шогирдларига

диссертация химоясига ёрдам берди. Улар ишига ўз ишига қарагандай қараши ажабланмасдан жогирдларининг унга яқин муомалада бўлишига олиб келди ёки унинг талаблари аввалданоқ уни меҳрибонлиги эди.

Отам билан онам бир-бирларини қадрлашар ва севишар эди. Бир инсонни севища, соғ ва мустахкам муносабатларни ўрнатишида улар бизларга ўрнак бўла олишди. Хеч эслай олмаймиз, ота-онамиз уруш-жанжал қилишганларини ва баланд овозда баҳслашганларини. Бу дегани, уларнинг ҳамма гапларини бир жойдан чиққани эмас, балким улар ўзаро келишган ва тинч ҳолда ҳал этишлари эди.

Отам хаётдан биринчи бўлиб кўз юмди ва онам ёлғизлик гирдобида қолиб кетдилар. Ҳеч ким ва ҳеч нарса отамни ўрнини боса олмади, отамдан кейин онам фақат уч йил яшадилар. Отам ўз дўстларини қадрлар эди. Кўпинча Артомоновлар сулоласи уйимизга тез-тез ташриф буюриб туришар эди. Отамнинг ҳамкаси Владимир Семенович Артомонов Ер тузиш факультетининг тарихида ўзига хос ўчмас из қолдирган.

Мехмонларни кутиб олаётганда отамнинг юзи ёришар ва биринчи навбатда Владимир Семеновични диванда шахмат тахтасини олдида ўтқазар эди. Отам шахматни жуда ёқтирас ва яхши ўйнар эди (мусобақаларда, шахар кубоги ўйинларида у ТИИИМСХ ни биринчилар қаторида таниширилар эди) ва Владимир Семенович бамайлихотир шахматдаги рақиби ролини ижро этишга рози бўлар эди. Агарда мавзу ишлаб чиқариш йўналишига ўзгарадиган бўлса, унда хақиқий эркаклар баҳсига айланар эди. Лекин ишни ҳамма нарсадан устун қўйишар эди.

Отам Крим шахрида дам олишни ёқтирас эди, чунки бу ерда унинг ўсмирлик чоғлари ўтган эди. Доимо ўзининг кичик кўприкчаларидан хабар олиб, ҳайрон қолар эди. « Ана қара халиям туришибди» деб. Татар тўйларида кураш тушганларни тез-тез эслар эди. Ўсмирлик чоғларида фақат шахмат билангина эмас, балки француз кураши билан ҳам қизиқар эди. Бу кураш ҳозир классик кураш деб аталади. Курашда ҳамиша ўзидан гавдалироқ ва бақкуват рақиб билан тушиш унга катта роҳат бағишлиар эди, у ўз рақибини

«тур де бра» усулида енгар эди(“ёнбошдан улоқтириш” деб аталади). Сўнг татарлар ундан бу усулни кўрсатиб беришини илтимос қилишар эди ва бу усулни у ҳеч нарсани яширмасдан кўрсатиб берар эди, “бужуда” оддий усул эканлигига ишонтирас эди.

Отам Сергей Есениннинг шеъриятини яхши кўрар эди ва ҳамма шеърларини ёддан айтиб берар эди. Ўша даврда таъкиқланган Есениннинг шеърий тўпламлари бутун уруш гимнастёркаси чўнтағида сақланар эди. Қийинчиликларга дуч келганида «Петя исмли чўпонга дунёда яшаш қийин» деб такрорлар эди. Умрининг охирги кезларида Есениннинг ушбу жумлаларини қайтарар эди:

Мы теперь уходим понемногу

В ту страну, где тишь и благодать.

Может быть, пора и мне в дорогу

Бренные пожитки собирать...

Бунда унинг нигоҳи доимо узоқ-узоқларга, тогли кенгликларга термулган эди.

Отамнинг қайси хусусиятларини, отамдан нималарни ўзимизга олишимиз керак? Унинг виждонийлиги, меҳнатсеварлиги ва ҳамма нарсаларни солиштириш ва таҳлил қилиш хусусиятларини ва албатта соф фикрлашларини. Ростгўйликка интилиши, табиийлиги унинг инсонийлигини англашиб туар эди. Онда-сонда биздан жахли чиқар ва баланд овозда гапирав эди, чунки бизнинг харакатларимиз нотўғри бўлгани учун.

Ҳаётдан кўз юмганига чорак асрданошиб қолди, лекин отамиз қалбимизда. Биз уни эрта тонгда кўрамиз, ҳаттоқи сухбатлашамиз ва бизнинг фарзандларимизда ота-оналаримизнинг фазилатларини кўришни истаймиз. Айниқса отамизнинг.

Эдемов Наримон (1993 йил битирувчиси): Мен факультетни тугатиб узок йиллар қурилиш соҳасида ишладим. 2007 йилдан буён Назарбек

курилишва сервис касб–хунар коллежида ёшларга маҳсус фанлардан дарс бериб келаяпман. Ҳаёт фаолиятимда, эришаётган ютукларимда институтнинг, қолаверса факультет домлаларининг ҳиссалари борлигидан доимо фахрланиб юраман, негаки айнан ушбу факультет менга кўп киррали билим берди ва бунинг натижасида мен узок йиллар қурилиш соҳасида меҳнат килдим, кўпгина табаррук инсонлар даврасида юрдим.

Додоев Алишер(1997 йил битиравчisi): Мен ўкишга Самарканд вилоятидан келганман. Факультетга ўкишга кириб рус гуруҳида таълим олдим. Ўкиш даврида кўпдўстлар орттиридим. Уларнинг аксарият қисми билан ҳалигачақалинўртоқмиз, кўплари билан оиласвий дўстмиз. Факультетда мутахассисликни эгаллаб, «Узстандарт» агентлигига ишга келган эдим, хозиргача ушбу агентликда меҳнат қилаяпман. Бугунги кунда ушбу агентликнинг Тошкент вилоят стандартлаштириш ва метрология бошкармаси бошлигининг ўринбосари лавозимида ишляяпман. Мен билан бир гуруҳда ўкиган баъзи ўртокларим ҳам юксак давлат корхоналарида, юқори лавозимларда меҳнат қилмоқдалар. Масалан, Максудов Сайдокил Аълоевич, ўзи Тошкентлик, бир гуруҳда ўкиганмиз, бугунги кунда «NIPOSTANDART» МЧЖ бош директорининг ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда, илмий ишлар билан ҳам шуҳулланган, техника фанлари номзоди, Кошаев Икромжон, Коракалпоғистондан ўкишга келган эди, бир гуруҳда ўкидик, кадрдан дўст бўлдик, бугунги кунда у «Узстандарт» агентлигининг «Чирчик синов ва сертификатлаштириш маркази»да бўлим бошлиҳи лавозимида, Бабаниязов Тимур- Тошкентлик, бугун божхона ҳужжактларини расмийлаштириш бўйича мутахассис лавозимида меҳнат қилмоқда. Ким Александр- Сирдарё вилоятидан келган, бугун «NIPOSTANDART» МЧЖ синов марказининг раҳбари; Пулатова Мавлюда- Тошкент шахридан, бугунги кунда у «CUSTOMSLOGISTICSANDCONSULTING» МЧЖ директори лавозимида ишламоқда; Мухиддинов Азиз- Тошкентлик, хозирда мана «ENERGORESURS» МЧЖ КК менежери лавозимида ишламоқда ва ҳакозо.Хурсандчилик кунларида ёки маросимларда доимо бирга бўлишга

ҳаракат қиласиз. Муваффакиятларимизда ушбу кадрдан институтимиз, колаверса факультетимиз домлаларининг меҳнати борлигидан доимо фаҳрланиб юрамиз.

Факультет декани ўринбосари В. Ахмадалиев отаси ҳақида:



Ахмадалиев Абдурахмон Ахмадалиевич 1935 йилда Фарғона вилояти Бувайда тумани (олдинги Ленинград райони)да таваллуд топган. 1955-1960 йилларда ТИИҚХМИнинг ер тузиш факультетини битириб йўлланма асосида Жук номидаги Гидропроект институтида топограф, инженер геодезист бўлиб, Тожикистоннинг Нурек, Рагун ГЭС ларида, Кулоб обlastининг Кулоб шаҳрида, Васе, Москва, Пархор, Донгари, Кургоновор обlastининг Нав, Пролстарех, Гкалавск туманларида топограф, геодезист бўлиб ишлаган. Қозоғистоннинг Галдора ГЕСида, Мактали, Жети сой томонларда ишлаб келди. Тошкент вилоятининг Ангерендаги Навигарсонсой сув омбори қурилишида, Гордок ГЭСИ қурилишида иштирок этиб ГЭС сув сатхини белгилаб туманлар қўйиб чиқкан. 1965 йил 10 июндарайисполком раиси Т.Исмоилов, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Т.Маматқуловлар телефонаграмма орқали чақириб, шу туманда ишлашган, ишдан бўшаб келишган “Гидропроект” институти директори номига хат қилиб беришган. Шундан кейин 17.06.1965 йилдан Бувайда туман қишлоқ хўжалик бошқармасида ер тузувчи мухандисликка қабул қилишди. 1965 йилдан бошлаб Бувайда туманида ер тузувчи мухандис лавозимида 2001 йилгача ишлаб келган. 10 нафар фарзандни отаси 2002-йил вафот этган .

Хулоса

Шундай қилиб, биз юқорида яқин 15 йилларга қадар Марказий Осиёда ягона ҳисобланган, мамлакат миллий бойлиги бўлган ер ресурсларидан фойдаланишни оқилона ташкил этиш билан шуғулланувчи мутахассислар тайёрлаш масканинг 70 йил давомида босиб ўтган шонли йўли тўғрисида, унинг таркибида фаолият олиб бораётган кафедралар, соҳага оид корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда уларда меҳнат қилаётган сабиқ талабалар, ушбу масканни ўз вақтида ташкил этиб, уни ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб кетган устозлар тўғрисида қисқача тўхталдик.

Албатта, тарихни билмасдан туриб олдинга қараб силжиб бўлмайди. Шундай экан, факультет тарихига ҳам бир назар ташлаб ер тузиш касбини ўзларининг ҳаёти мазмуни деб билган, айнан ушбу касбга умрининг охирги дамларигача содик қолган устозларимиз М.И.Маслов, В.С.Артомонов, И.К.Баранов, П.К.Татур, А.Т.Абдураззаков, Р.А.Сафагариев, Ф.А.Толипов, В.П.Кайгородов, А.Н.Назировлар хотираси олдида яна бир карра бош эгамиз. Улар қолдириб келган маънавий бойликларни келгуси авлодларга ортиғи билан қолириб кетиш бугунги факультет жамоасининг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Умуман, юқоридагилардан қисқача хулоса қилиш мумкинки, ўз фаолияти даврида “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультети ўқиш жараёнини тобора яхшилаш, юқори малакали ер тузиш мутахассислари тайёрлаш, ердан фойдаланиш ва ер тузиш соҳаларидаги илмий-тадқиқотларни ривожлантириш бўйича катта ишларни амалга оширган. Шу билан бир вақтда, республикамиз тўла бозор иқтисодиётига ўтаётган бир даврда ерда хўжалик юритишнинг турли илғор шаклларни халқ хўжалигига тезкорлик билан кириб келаётганлиги, “Ер кодекси” ҳамда уни амалиётга тадбик қилиш бўйича қабул қилинган қатор қонун ва қарорларга биноан республикамизда ер муносабатларини такомиллаштириш, жумладан аграр ислоҳотни тўла ниҳоясига етказиш ер тузувчилар, ер кадастри

мутахассислари, геодезистлар ва хариташунослар олдига янгидан-янги талаблар қўймоқда. Бу эса ўз навбатида факультет жамоаси олдига янги вазифаларни қўяди. Аммо шуни комил-ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу вазифаларни бажариш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар факультетда мавжуддир.

Фойдаланилган манбаалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 - апрељдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ- 5418 сонли Фармони. Ж. Ирригация ва мелиорация”, №2(12), 2018, Тошкент, ТИҚҲММИ, 2018, 65- 67 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 3702 сонли Қарори. Ж. Ирригация ва мелиорация”, №2(12), 2018, Тошкент, ТИҚҲММИ, 2018, 72- 74б. б.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998, 326.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011, 440б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият, 2010, 176б.
6. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т., Ўзбекистон, 2015, 305 б.
7. Бабажанов А.Р. Факультет тарихи ва тараққиёт йўли (“Ер тузиш ва ер кадастри” факультети). Т., Ўздаверлойиха, 2001, 68б.
8. Бабажанов А.Р., Ғуломов Н.Ғ., Рахмонов Қ.Р. Шонли йўл (Ер тузиш факультетининг қисқача тарихи). Т., здаверлойиха, 1995, 30б.
9. Бабажанов А.Р., Муқумов А.М. Ер тузиш маскани (рисола). Т., ТИМИ, 2016, 164б.
10. Ташкентский ордена Трудового Красного Знамени институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства 50 лет. Отв. за выпуск – д.т.н. Ш.У.Юлдашев. Т., “Узбекистан”, 1984, 224 стр.
11. Факультет архивининг материаллари

Институт рахбарияти



Умарзаков Ўқтам Пардаевич
и.ф.д., профессор
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти ректори



Ўқув ишлари бўйича
проректор, т.ф.д., профессор
Б.С.Мирзаев



Ёшлилар билан ишлаш бўйича
проректор,п.ф.н. доцент
Р.К.Чориев



Илмий ишлар ва инновациялар бўйича
проректор, т.ф.д., профессор
Т.З.Султанов

Халқаро ҳамкорлик бўйича
проректор, т.ф.д., профессор
А.Т.Салоҳиддинов

Ишлар бошқармаси бошлиғи
и.ф.н., доцент.
Б.У. Хасанов

Факультет раҳбарлари



**Маслов Михаил
Иванович
1945-53 й.**



**Татур Пётр Кузьмич
1953-55 й.
1960 й.**



**Артамонов Владимир
Семёнович
1955-62 й. 1973-76 й.**



**Фахрутдинов Ирик
Муҳаммаджонович
1962-65 й.**



**Баранов Иван
Клементьевич**
1966-70 й.




**Мишин Николай
Никитович**
1970-73 й.



**Назиров Ахрор
Назирович**
1976-82 й.




**Абдуразаков Абдулла
Тоишұлатович**
1982-91 й. 1994-98 й.



**Рамазанов Обид
Рамазанович**
1992 й.



**Авезбаев Сальдулла
Авезбаевич**
1992-93 й. 1999 й.
2004-2011 й.



**Рахмонов Қосимжон
Рахмонович**
1999-2004 й.



Ер ресурсларини бошқариш факультети декани
(PhD) Ш.К.Нарбаев



Профессор Татур Пётр Кузьмич неваралари билан (1980)



Ўтган асрнинг 80-йилларидаги факультетнинг ёш ходимлари



“Ер тузиш ва ер муносабатлари” кафедраси профессор ўқитувчилари (2016)













Ер ресурсларини бошқарғыш факультети жасоси 2019 йил



“Ер тузиш ва ер муносабатлари” кафедраси профессор ўқитувчилари
184



*Ер ресурсларини бошқарии факультети халқаро институт раҳбарлари
билин учрашуви 2019 йил*




















Факультет талабалари ёзги ўқув амалийёти давридан лавҳалар



“Геодезия ва геоинформатика” кафедрасининг ёш профессор ўқитувчилари
устозни табриклаш пайти (2016)



Доцент Тўлаганов М.Ж шогирдлари билан(2014)



Доцент, техника фанлари номзоди Э.Х.Нурматовнинг 75 йиллиги (2013)



“Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультетининг профессор
ўқитувчилари(2013)



Профессор А.С.Чертовицкий шогирдлари билан (2014)



Халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари (май 2015)



Халқаро ҳамкорлик доирасида геодезия фанидан ўқув-тренинг машғулотлари
(2013)



“Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш” магистратура
мутахассислигининг 1-курс магистрантлари (2016)



“Геодезия, картография ва кадастр” йўналиши битирувчилари (2019)



“Тупроқшунослик ва дехқончилик асослари” кафедраси профессор
ўқитувчилари(2016-йил)



Олий математика кафедрасининг
асосчиси академик Т.Н.Қори-Ниёзий

Жонкуяр устоз, доцент А.Т.Абдураззоков



**Доцент Тўлаганов Мурод
Жалолович(2014)**



“Олий математика” кафедраси профессор ўқитувчилари Наврӯз байрамида



Сулаймонова М.Х ва Хафизова З.Х шогирдлари билан (2008)



Устоз А.Т.Абдураззоқов институтдаги ҳамкаслари билан



II-жакон уруши қатнашчиси, доцент Р.А.Сафагариеvни ҳамкаслари ва шогирдлари хотира ва қадрлаш куни билан табриклаш пайти (вeteran хонадонида, 2004)



“Инженердик геодезияси” кафедрасы профессор ўқитувчилари (үтгандар)



Москва давлат ер тузии университети ректори, академик С.Н.Волковни шоғирдлари 60 ёши билан қутламоқда (2013)



Институт багрида дўстлар учрашуви (1978 йил битирувчиларининг 2015-йилги



*Институт багрида дўстлар учрашуви (1994 йил битирувчиларининг 2014-йилги
учрашуви)*



“Ер тузиш ва ер кадастри” йўналишишининг 2-курсида таълим олаётган иқтидорли талабалар



Собиқ талабаларнинг Қашқадарё воҳасидаги учрашуви(2010-йил)

МУНДАРИЖА

Т/Р	Мавзулар	бет
1	Кириш	4
2	1-БОБ. ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ	6
3	2-БОБ. ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ	10
4	2.1. Факультет тарихи	10
5	2.2. “Ер тузиш ва ер муносабатлари” кафедраси	17
6	2.3. “Геодезия ва ер кадастри” кафедраси	27
7	2.4. “Тупрокшунослик ва дехкончилик” кафедраси	35
8	2.5. “Олий математика” кафедраси	38
9	2.6. Сиртки таълим	43
10	3-БОБ. ФАКУЛЬТЕТНИНГ БУГУНГИ ФАОЛИЯТИ	45
11	3.1. Ўкув ишлари	46
12	3.2. Маънавий-маърифий ишлар	50
13	3.3. Илмий-тадқикот ишлари	61
14	3.4. Ўкув ва ишлаб чикариш амалиётлари	63
15	3.5. Халкаро алокалар	64
16	3.6. Ўрта махсус қасб-хунар коллажлари билан алокалар	68
17	3.7. Ўкув- тажриба хужалиги	70
18	3.8. Турдош факультетлар, йуналишлар билан алокалар	73
19	3.9. Ишлаб чикариш корхоналари билан алокалар	75
20	3.10. Факультет истикболи	77
21	4-БОБ. СОХАНИНГ КОРХОНА, МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ	80
22	4.1. Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат кумитаси	80
23	4.2. “Ўздаверлойиха” ўзбек давлат республика идмий-	91

	лойихалаш институти	
24	4.3. “Геодезия ва картография миллий марказм” давлат унитар корхонаси	114
25	4.4. “Марказий аэрогеодезия” давлат унитар корхонаси	115
26	4.5. “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси	117
27	4.6. “Картография” илмий ишлаб чикариш давлат корхонаси	120
28	4.7. “Тупрок бонитировкаси” шуъба корхонаси	123
29	5-БОБ. СОБИҚ ТАЛАБАЛАР ВА АВЛОДЛАР ХОТИРАЛАРИ	127
30	Хулоса	141
31	Фойдаланилган манбаалар	143
32	Факультет ҳаёти тасвирий лавхаларда	144